

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ

## ***ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ***

*йўналиши*

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВА  
ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ**

ТОШКЕНТ-2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастур асосида тайёрланди.

<b>Тузувчи:</b>	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти п.ф.н., Хусанова С.И.
<b>Такризчи:</b>	ТДТУ, Хабибуллаев С.Ш

Ишчи ўқув дастур Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2020 йил 18 декабрдаги 4 сонли йиғилишида кўриб чиқилиб, фойдаланишга тавсия этилди.

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>10</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>15</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>82</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>97</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>101</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>111</b>

## I. Ишчи дастур

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг хуқуқий асос, аҳоли ва ҳудудларни ФВдан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш, кутқарув, бирламчи тиклов ва бошқа кечикириб бўлмайдиган ишларининг ташкилий асослари, фавқулодда вазиятларнинг таснифи: табиий, техноген, экологик фавқулодда вазиятлар уларни олдини олиш чоралари, муҳандислик техник тадбирларини ташкил этиш ва соҳа йўналишидаги фанларни ўқитишида замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни қўллаш услубиёти бўйича билим ва кўникмаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш малакаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулининг **мақсади:**

Ҳаётий фаолият хавфсизлиги йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси модули бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришдан иборат.

“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулининг **вазифалари:**

- “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишининг долзарб муаммолари ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш масалалари билан таништириш;
- “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишида мутахассислик фанлари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш;

- “Хаётий фаолият хавфсизлиги” йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга оид кўникмаларни шакллантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулини ўзлаштириш орқали қуидаги билим, кўникма ва малакага эга бўладилар:

#### **Тингловчи:**

- фуқаро муҳофазаси омилларини;
- режалаштиришга қўйиладиган талабларни;
- терроризм тушунчаси, унинг салбий иллатлари ва амалга ошириш усулларини;
- халқаро терроризм ва унга қарши олиб бориладиган ҳаракатларни;
- террористик ҳаракатларга қарши Ўзбекистонда яратилган хукуқий база асослари ва жаҳон миқёсидаги унинг иштирокини;
- күтқарув ва бирламчи тиклов ишларининг моҳиятини;
- техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни сабабчи омиллари ва турларини **бўлиши лозим**.

#### **Тингловчи:**

- Фуқаро муҳофазаси омилларини режалаштириш;
- фуқаро муҳофазаси бўйича меъёрий-хукуқий хужжатларни расмийлаштириш;
- терроризм салбий иллатлари ва амалга ошириш усулларидан фойдаланиш;
- халқаро терроризм ва унга қарши олиб бориладиган ҳаракатларни таҳлил қилиш;
- хар қандай экстремал вазиятларда қутқарув ва бирламчи тиклов омилларини ишлаб чиқиш;
- техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни сабабчи омиллари ва турларитаҳлил қилиш;
- муҳофаза тадбирларининг иқтисодий йўналишларини аниқлаш;
- аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш хукуқий меъёрий манбаларини амалий таҳлил қилиш;
- гидротехник иншоотлардаги ёнғин чиқиш ва портлаш хавфи бўлган обьектлардаги аварияларда олиб бориладиган чора-тадбирлар ишлаб чиқиши **кўникма** сига эга бўлиши керак..

#### **Тингловчи:**

-фуқаро мухофазаси бўйича меъёрий-хуқуқий хужжатларни расмийлаштириш;

-халқаро терроризм ва унга қарши олиб бориладиган ҳаракатларни амалга ошириш;

--хар қандай экстремал вазиятларда қутқарув ва бирламчи тиклов омилларини амалга ошириш услублари дан фойдаланиш;

--гидротехник иншоотлардаги ёнгин чиқиш ва портлаш хавфи бўлган обьектлардаги аварияларда олиб бориладиган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш **малакаларини** эгаллаши зарур.

#### **Тингловчи:**

- Фуқаро мухофазаси омилларини режалаштириш ва фуқаро мухофазаси бўйича меъёрий-хуқуқий хужжатларни расмийлаштириш

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш хуқуқий меъёрий манбаларини, амалий таҳлил қилиши ва тадбиқ эта олиш;

- соҳа йўналишидаги фанларни ўқитишида замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни қўллаш бўйича **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

#### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро мухофазаси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараённида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

#### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро мухофазаси” модули мазмуни ўқув режадаги “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” “Мехнат мухофазаси” ва “Ёнгин хавфсизлиги” ўқув модуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро мухофазаси” соҳаси муаммо ва вазифаларини педагогик жараёнга татбиқ этиш масалаларини ҳал этишга, шунингдек, соҳадаги янги техника ва технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш орқали таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлашга хизмат қиласи.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, илмий-техник тараққиётнинг тезда ўсиши “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулининг олий таълимдаги ўрнида ҳам акс этмоқда.

Модул “Хаётий фаолият хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси модулини ўқитишида инновацион технологияларни яратиш ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва таълим сифатини тизимли ортиришга ёрдам беради. Замонавий ахборот технологиялари ва педагогик дастурий воситалари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини ўзлаштириш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш ҳақидаги билим ва кўникмаларни шакллантиришга асосланганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	Назарий	Амалий маннекслот	Кўчма мангфулот
1.	Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асоси	2	2		
2.	Аҳоли ва худудларни ФВдан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш	2	2	2	
3.	Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ташкилотлар ва хориж мамлакатлари билан ҳамкорлик	2	2		
4.	Халқаро терроризмнинг оқибатлари ва унга қарши курашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни	4	2		
5.	Юзага келган хавфларни бартараф этишда қутқарув ишларини ўтказиш	4		2	2
6.	Кучли таъсирили заҳарли моддалар қўлланиладиган обьектлардаги аварияларда кимёвий ҳолатни баҳолаш	2		2	
7.	Фуқароларни ҳимоя қилиш услубиётларини ўрганиш	4		2	2
<b>Жами:</b>		<b>20</b>	<b>8</b>	<b>8</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асоси**

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг моҳияти ва асослари. Ўзбекистон Республикаси қонунлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, меъёрий хужжатлари.

### **2-мавзу: Аҳоли ва ҳудудларни ФВдан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш**

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича режалари, уларнинг ишлаб чиқилиши ва мазмунига қўйиладиган асосий талаблар. Тинчлик давридаги табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни олдини олиш. Фавқулодда вазиятларни бартараф қилиш ҳаракатлари режасининг тузилиши, бўлимлари ва иловаларнинг мазмuni.

### **3-мавзу: Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ҳалқаро ташкилотлар ва хориж мамлакатлари билан ҳамкорлик.**

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи ҳалқаро ташкилотлар. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳалқаро ҳамкорлиги. Хориж мамлакатларида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизими

### **4-мавзу: Ҳалқаро терроризмнинг оқибатлари ва унга қарши курашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни.**

Терроризм ва унинг моҳияти. Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш усуллари ва воситалари. Терроризмга қарши кураш. Терроризм билан боғлиқ экстремал ва фавқулодда вазиятларда аҳолининг ҳаракатлари

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш**

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси бўйича режалаштириш тадбирларини амалий бажариш.

### **2-амалий машғулот: Юзага келган хавфларни бартараф этишда қутқарув ишларини ўтказиши**

Фавқулодда вазиятлар юзага келгандан уларнинг оқибатларини бартараф этишни ташкил этиш, биринчи навбатда қутқарув ишлари ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил қилиш учун куч ва воситалардан фойдаланиш.

### **3-амалий машғулот: Күчли таъсирили заҳарли моддалар қўлланиладиган объектлардаги аварияларда кимёвий ҳолатни баҳолаш**

Кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолашни ўрганиш, ҳаводаги заҳарли моддаларни аниқлаш, тупроқ ва сочиувчи материалларда заҳарли моддаларни аниқлаш.

### **4-амалий машғулот: Фуқароларни ҳимоя қилиш услубиётларини ўрганиш**

ФВ да фуқароларни ҳимоя қилиш усулларини ўрганиш. Фавқулодда вазиятларда шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни ўрганиш.

## **ҚЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

1-мавзу: Юзага келган хавфларни бартараф этишда қутқарув ишларини ўтказиш

2-мавзу: Фуқароларни ҳимоя қилиш услубиётларини ўрганиш.

Мавзулар бўйича қўчма машғулотларни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, фуқоро муҳофазаси институти ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги. Тез ҳаракат қилиш Республика кўп тармоқли марказларига олиб бориш режалаштирилган.

## **ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ**

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмуни устида ишлаётганданда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишини, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиши жараёнида қўйидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади: 1) маъруза; 2) амалий машғулот.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

1) жамоавий; 2) гурӯҳли (кичик гурӯҳларда, жуфтлиқда); 3) якка тартибда.

**Жамоавий ишлаш** – бунда ўқитувчи гурӯҳларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

**Гурӯҳларда ишлаш** – бу ўқув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гурӯҳларда ишлашда (3 тадан – 7 тагача иштирокчи) фаол рол ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиши методига кўра гурӯҳни кичик гурӯҳларга, жуфтликларга ва гурӯҳларора шаклга бўлиш мумкин. *Бир турдаги гурӯҳли иш ўқув гурӯҳлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади. Табақалашган гурӯҳли иш гурӯҳларда турли топширикларни бажаришни назарда тутади.*

**Якка тартибдаги шаклда** - ҳар бир таълим олувчига алоҳида- алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“Муаммоли вазият” методи**

**“Муаммоли вазият” методи** - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган

**Тест** муаммонинг ечимини топишга қўнишларни керак, акс ҳолда ечимни топа

- **1. Java тилида яорис** Олмаган таълим олувчиларнинг қизиқиниши сўнишига, ўзларига бўлган олиш учун қандай камил йўқолишига таълим олувчиларни керак. «Муаммоли вазият» методи сўздан фойдаланишида таълим олувчилар Мустақил фикр юритишини, муаммонинг сабаб
- **A. extends** Кўпланилганда таълим олувчиларни таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.
- **B. inheritance** ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.
- **C. super** “Муаммоли вазият” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласиди.

**Тумунча таҳлил**

**Амални кунинка**

- **API қисқармасини изоҳланг...** 2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топширикнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таниширади. **Яратиш учун керакли инструментал дастурий**

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни топширикнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таниширади. **Яратиш учун керакли инструментал дастурий**

4. Кичик групчалар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг

келиб чиқиши сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир групчаларни тақдимот қиласиди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласидилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиласидилар, уларни таҳлил қиласидилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик групчалар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласидилар ва ўз варианatlарини таклиф этадилар.

Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Групчаларни таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул варианatlарини танлаб олади

### **Топшириқ:**

Кўйида келтирилган топшириқ варианatlари бўйича табиий оғат сабабларини, оқибатларини ва унга қарши чора – тадбирларни

Республикамизнинг қайси ҳудудларида ва қачон қузатилганини келтиринг ва уларни график шаклда ифодаланг.

ФВ турлари	Вариантлар									
	1,20	2,19	3,18	4,17	5,16,	6,15	7,14	8,13	9,12	10,11
Табиий тусдаги										
Сел(жала)	X									
Кўчки		X							X	
Зилзила			X						X	
Тошқин				X				X		
Сурилиш					X			X		
Кор кўчкиси						X				

### Топшириқни бажариш намунаси.

ФВ турлари	ФВ сабаби	ФВ оқибати	ФВга қарши чоратадбирлари
Жала	Куннинг исиб кетиши, ҳароратнинг кўтарилиши, об-хавонинг кескин ўзгариши.	Тошқинларнинг пайдо бўлиши, селнинг юзага келиши, бино ва иншоотларнинг сув остида қолиши, одамларнинг ҳалокати, моддий зарап.	Сув омборларини куриш, метереологик станциялар билан доимий алоқада бўлиш, ирригация тизимларини тозалаш, одамларни огоҳлантириш.

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнимларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қофозларни тарқатилади:




иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффакиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр:** хавфларни ўрганишда хавф-сабаб-оқибат тушунчалари бир-бири билан боғлиқликда бўлади.

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Демак,



Мана шу уччала түшунчалар күнгилсиз ҳодисанинг асосий күрсаткичлари ҳисобланади. Күнгилсиз ҳодисанинг оқибатлари турли күринишда бўлади.

Мисолда оқибатга ҳаво транспортини яроқсиз ҳолга келиши, одамларнинг турли даражада жароҳат олиши, ўлим бўлиши, ёнғин чиқиши, портлаш юз бериши, бузилишлар, атроф-мухитни заарланиши ва бошқа күнгилсиз ҳодисалар киради.

### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

#### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчилаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштиради ва груп аъзоларини ўз фикрлари билан групдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «груп баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.
3. Барча кичик групкалар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.
4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қутиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.
5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «груп баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «груп хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.
6. Тренер-ўқитувчи якка ва груп хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.
7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

## **1 -топшириқ**

**«Фавқулодда вазиятларнинг эгаллаган майдонига қўра турлари»  
кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

Талофат кўламига нисбатан кетма-кетлиги	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Маҳаллий миқиёсида					
Республика миқиёсида					
Локал					
Трансчегаравий					
Глобал					

**2-топшириқ: Фавқулодда вазиятларда талофат олган кишини тиббий  
кўрикдан ўтказиш тартиби кетма- кетлигини ифодалаб ўзингизни  
текшириб кўринг!**

Белгиланган тартиб бўйича кетма- кетлигини	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Сезги аъзоларини текшириш					
Нутқини текшириш					
Қон томирлари бутунлигини текшириш					
Оғиз бўшлиғини текшириш					
Нафас олишини текшириш					

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу: Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг хуқуқий асослари.**

##### **РЕЖА:**

1.1. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг моҳияти ва асоси.

1.2. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, меъёрий хужжатлар.

**Таянч иборалар:** демократик фуқаролик жамияти, хуқуқий маданияти, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш, тезкор ҳаракатини мувоғиқлаштирувчи механизмлар, техноген авария ва ҳалокатлар, моддий-техник таъминоти, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф, хабар бериш ва алоқа тизимларини ташкил қилиш, экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар, кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар.

#### **1.1. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг моҳияти ва асоси.**

Бизга маълумки, XX асрнинг 60-йилларидан фуқаро мудофааси тизими фаолият кўрсатиб келган. Унинг асосий вазифаси тинчлик даврида ва уруш шароитида мамлакат аҳолисини ялпи қирғин қуроллари ва бошқа хужум воситаларидан ҳимоя қилиш, уруш шароитида иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлшини таъминлаш ҳамда ҳалокат ўчоқларида кутқариш ва тиклаш ишларини ўз вақтида самарали амалга оширишдан иборат эди.

Лекин аҳоли ҳаётига фақатгина оммавий қирғин қуроллари эмас, балки бошқа хавф-хатарлар ҳам таҳдид солиб турадики, уларни назардан четга қочириш асло мумкин эмас. Булар турли табиий оғатлар, авария, ҳалокатлардир. Содир бўлиб ўтган бир нечта табиий оғатлар (мас., Чернобил атом электр станциясидаги авария, 25000 одамнинг ёстигини қуритган Спитак зилзиласи ва бошк.) фуқаро мудофаасининг ўрни ва вазифаларига бошқача кўз билан қараш керак эканлигини кўрсатиб берди. Фуқаро мудофааси қўшинлари бундай йирик кўламдаги оғатларга қарши курашишга тайёр эмас эканлиги, фуқаро мудофааси вазифалари фақатгина ҳарбий давр чегарасида қолишлиги мумкин эмаслиги, улар олдига қўйилган вазифалар кўламини кенгайтириш лозимлиги аён бўлиб қолди. Эндиликда фуқаро мудофааси учун авария, ҳалокат ва табиий оғатларнинг оқибатларини тугатиш, авария-кутқарув ишларини олиб бориш

билинг бирга содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларни башоратлаш вазифаси етакчи рол ўйнаши лозим эди.

Фуқаро мудофааси ўрнини бўлиши мумкин бўлган йирик кўламдаги фавқулодда вазиятларга аввалдан тайёрликни таъминловчи янги маҳсус давлат тизими эгаллаши, у тинчлик ҳамда уруш даврида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни тақозо этар эди. Бу тизим аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва қутқарув ишларини ўтказибина қолмай, бошқа муҳим тадбирларни: хавфли ҳудудларни хариталаштириш, сейсмик мустаҳкам бино ва иншоотларни қуриш, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли башоратлаш ишларини ташкил қилиши ва аҳоли тайёрлигини амалга ошириши лозим эди.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида қўйилган дадил қадамлардан бири - аввал Мудофаа вазирлиги қошида фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар бошқармасининг, сўнгра эса шу бошқарма негизида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартағи ПФ-1378-сонли Фармони** билан Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ташкил этилиши бўлди.

Фармон билан фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш, шунингдек тинчлик ва ҳарбий даврда фавқулодда вазиятлар вужудга келганда уларнинг оқибатларини тутатиш ҳамда заарларини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазирликнинг асосий вазифаларидан бири деб белгиланди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари белгиланди:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини фавқулодда вазиятлар таҳди迪 ва хавфини олдиндан бартараф этадиган, аҳоли ҳаёти ва соғлигига хавф туғилганда ўз вақтида ва комплекс ёрдам қўрсатишига қаратилган фаолият олиб борадиган, унинг ҳар бир ходими “Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш” шиори остида хизмат қиладиган мобил, замонавий профессионал хизматга айлантириш;

аҳоли, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшлар билан мулоқотларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари

ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш, аҳоли ва худудлар хавфсизлигига таҳдидлар, табиий ва техноген хусусиятли хавфлар манбалари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, туман ва шаҳарлардаги қуч ва воситаларни самарали тақсимлаш, аҳоли ҳаёти ва соғлигига хавф туғилганда ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатувчи турли хизматларнинг тезкор ҳаракатини мувофиқлаштирувчи механизмларни яратиш;

-фавқулодда вазиятлар содир бўлиши хавфининг чукур таҳлилини ва аниқлашни назарда тутувчи фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш тизимини такомиллаштириш, республика худудларини сейсмик хавфлар, техноген авария ва ҳалокатлар манбалари бўйича районлаштириш;

-фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги, мол-мулкига хавфларни барвақт профилактика қилиш ва уларнинг олдини олиш, ҳаётий фаолиятни таъминловчи обьектлар ва тизимларнинг барқарор ишлашини, таҳдидлар ва уларнинг келиб чиқиши омилларини олдиндан аниқлаш, бартараф этиш борасида аниқ чоралар кўриш, аҳолининг ушбу соҳада маълумотларга эга бўлиш даражасини оширишни таъминлаш;

-катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги обьектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, шунингдек, кичик ҳажмли кемаларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш ва сув ҳавзаларида одамлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлат назорати ва қузатувини кучайтириш;

-аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ваколатига эга раҳбарлар ва мансабдор шахслар томонидан оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда фуқароларни фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;

-Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, шунингдек, вазирлик учун кадрларни шакллантириш тартибини тубдан қайта кўриб чиқиши;

-Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Гидрометеорологик ва Сейсмологик хизматларнинг моддий-техник таъминотини янада яхшилаш, ўқув ва илмий-техник базасини модернизация қилиш, илмий ходимлар, мутахассислар ва кутқарувчиларнинг самарали ишлаши учун муносиб шароитлар яратиш;

-фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоратадбирларини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг барча босқичларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш;

-фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган мақсадли ва илмий-тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, улар юз берганда иқтисодиёт объектлари фаолияти барқарорлигини ошириш.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорологик хизмат маркази таркибий тузилмалари билан биргалиқда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси;

-Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси F.A.Мавлонов номидаги Сейсмология институтининг тезкор хабарлар хизмати ва сейсмик хавфнинг сейсмологик мониторинги ва прогностик мониторинг республика тармоғи.

Гидрометеорологик хизмат маркази ва унинг таркибий тузилмалари, Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, Сейсмология институтининг тезкор хабарлар хизмати ва сейсмик хавфнинг сейсмологик мониторинги ва прогностик мониторинг республика тармоғи мавжуд штат бирлиги ва моддий-техник базаси билан тўлиқ, амалдаги молиялаштириш тартиби, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби билан ўtkазилади.

Сейсмология институтининг тезкор хабарлар хизмати ва сейсмик хавфнинг сейсмологик мониторинги ва прогностик мониторинг республика тармоғи базасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси F.A.Мавлонов номидаги Сейсмология институти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва иқтисодиёт объектларини муҳофаза этишни таъминлашга раҳбар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудларнинг ҳокимлари; вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда вазирлар, давлат қўмиталари ва уюшмалар

бошқарувлари раислари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг директор ва бошлиқлари аҳоли ва иқтисодиёт объектларини муҳофаза этишга раҳбар этиб тайинландилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари)нинг ташкил этилиши ва бошқарма (бўлим) бошлиқларининг жойлардаги фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг ўринбосарлари ҳисобланиши аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди.

## **1.2. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

Ватанимиз Президенти томонидан олиб борилаётган одилона сиёsat туфайли инсон манфаати, инсон қадрияти энг олдинги ўриндадир. Асосий Қомусимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосини ҳам инсон, унинг қадр-қиммати, саломатлиги ташкил этади. Инсоннинг ҳаёти, яшашга бўлган ҳукуқи Конституция билан муҳофаза қилинади.

Асосий Қомусимизда хавфсизлик, фуқаролар муҳофазаси масалаларига ҳам ўрин берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемия) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ёки унинг айrim жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади.

Олий Мажлиснинг ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиши тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради (78-модда).

Маҳаллий ҳокимият органларининг Конституциямиз томонидан белгиланган вазифалари қаторига жумладан қуйидагилар киради:

қонунийликни, ҳукуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳосил қилиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш (100-модда).

Сўнгги йилларда Олий Мажлис томонидан янги асрда аҳолининг хавфсизлигини кафолатловчи, фуқаролар масъулияти ва жамият тараққиётининг

ҳуқуқий заминини белгиловчи бир нечта қонунлар қабул қилинди. «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида», «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги, «Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги тўғрисида», «Гидротехник иншоотлар ҳавфсизлиги тўғрисида», «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зарапкунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Радиациявий ҳавфсизлик тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида», «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Юқорида санаб ўтилган қонунлар ичida Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий хужжатлардан бири ҳисобланади.

Ушбу қонун аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар келтирадиган талафотларни камайтириш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишни мақсад қилиб қўяди.

Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча даражадаги органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари, мақсадлари, вазифалари ва усуллари аниқланиб, мустаҳкамлаб қўйилган.

I бўлим “Умумий қоидалар” деб номланиб ўз ичига 1-5-моддаларни олади. Уларда қонуннинг асосий мақсади, фавқулодда вазиятлар бўйича асосий тушунчалар, қонун хужжатлари, муҳофазанинг асосий принциплари ва ахборот қандай бўлиши лозимлиги кўрсатиб берилган.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлигининг устуворлиги; ошкоралик; ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончли бўлиши; фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чораларининг олдиндан кўрилишидан иборат.

II бўлим - “Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни таъминлаш тизими” - 6-14-моддалар. Муҳофаза тизимини ташкил этувчи органлар, уларнинг вазифалари ҳақида сўз юритилади. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими, Вазирлар Маҳкамаси,

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мажбуриятлари белгилаб берилган, илк бор фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмаларининг иштироки кўрсатилган.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича маҳсус ваколатли давлат бошқаруви органи Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вазифалари 8-моддада келтирилган:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларда аҳоли ҳаёти ва соғлигини, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шунингдек фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва зарарни камайтириш юзасидан чоралар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида маҳсус дастурлар ишлаб чиқилиши ва илмий-тадқиқотлар амалга оширилишини ташкил этади;

ўз ваколати доирасида вазирлик ва идоралар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қиласди;

бошқарув органларининг, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш кучлари ва воситаларининг фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга тайёр бўлишини ташкил этади;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучлари ва воситалари бошқарувини амалга оширади, бошқарув пунктлари, хабар бериш ва алоқа тизимларини тузади;

фавқулодда вазиятлар шароитида авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар ўтказилишини ташкил этади;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ишлаб чиқариш ва ижтимоий обьектлар бўйича лойиҳалар ва қарорлар юзасидан давлат экспертизаси ўтказилишида иштирок этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

“Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” деб номланувчи III бўлим 15-19-моддаларни ўз ичига олади ва қонуннинг асосий бўлими ҳисобланади. Чунки ушбу қонун умуман айни инсонни, унинг ҳаётини, саломатлигини ва шахсий мулкини муҳофаза қилишга қаратилган. Бу бўлимда шахс, жамият ва давлат манфаатлари узвий бирликда кўриб чиқилган.

Бўлимнинг 18-19-моддалари аҳолини ва мутахассисларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш ва муҳофаза соҳасидаги билимларнинг тарғиботи масалаларига бағишлиланган. Эндиликда умумтаълим мактаблари,

академик лицейлар, касб-хунар колледжлари ҳамда олий ўқув юртларида, ишлаб чиқариш ва турага жойларда аҳолини фавқулодда вазиятлардан ҳаракат қилишга ўргатиш умумий ва мажбурийдир, деб қонунда белгилаб қўйилди.

20-25-моддалар қонуннинг IV бўлимни ташкил этади. Бу бўлим “Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш”га бағишиланган бўлиб, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун зарур бўлган куч ва воситалар, фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналар чегараси, қўшимча куч ва воситалар қаердан олинади каби саволларга жавоб беради.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар худуди ва обьектларида бундай вазият рўй берган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг, вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг кучлари ва воситалари билан амалга оширилади. Зарурат бўлганда қўшимча куч ва воситалар жалб қилинади.

“Якунловчи қоидалар” деб номланувчи V бўлим молиявий ва моддий ресурсларнинг захираларини барпо этиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди. Бу ерда шунингдек аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунни бузганлик учун ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар жавобгар бўлишлари таъкидлаб ўтилган.

“Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини оғишмай амалга ошириш, ҳақиқий хавф-хатар манбаларини ва уларнинг табиатини англаб этиш ҳар бир кишига ўзини юз бериши мумкин бўлган авария, ҳалокат, табиий оғатлардан муҳофаза қилинганини сезиш искониятини беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонуни “Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонундан фарқли ўлароқ ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши даври масалаларига бағишиланган. Ушбу қонун фуқаро муҳофазаси соҳасидаги асосий вазифаларни, уларни амалга оширишнинг ҳукуқий асосларини, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳукуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларини белгилайди.

Қонун 5 бўлим ва 23 моддадан иборат. I бўлим - “Умумий қоидалар” - бешта моддани ўз ичига олиб, бу моддаларда фуқаро муҳофазасининг асосий тушунчалари, вазифалари, қонун ҳужжатлари, ушбу қонунни бузганлик учун жавобгарлик ва халқаро ҳамкорлик тўғрисида маълумотлар берилган.

Фуқаро муҳофазасининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

аҳолини ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимояланиш усуллариға үргатиши;

объектларни ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимоялаш ҳаракатлари ва усуллариға тайёрлаш;

бошқарув, хабар бериш ва алоқа тизимларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш;

иктисодиёт объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар комплексини ўтказиш;

аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш;

фуқаро муҳофазаси ҳарбий тузилмаларининг шайлигини таъминлаш;

аҳолини умумий ва якка муҳофазаланиш воситалари билан таъминлаш тадбирларини ўтказиш;

аҳолининг ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтидаги ёки шу ҳаракатлар оқибатидаги ҳаёт фаолиятини таъминлаш;

радиацион, кимёвий ва биологик вазият устидан кузатиш ва лаборатория назорати олиб бориш;

кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш;

ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида зарар кўрган ҳудудларда жамоат тартибини йўлга қўйиш ва сақлаб туриш;

аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга ошириш.

“Фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, давлат органлари ва ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари” деб номланган II бўлим 7 та моддадан иборат бўлиб 6-12-моддаларни ўз ичига олади. Бўлимнинг асосий мақсади фуқаро муҳофазасига раҳбарликни амалга оширувчи, фуқаро муҳофазаси соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари нималардан иборат деган саволларга жавоб беришдан иборат.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фуқаро муҳофазаси соҳасидаги маҳсус ваколатли орган ҳисобланади. Унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қиласи;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси режа лойиҳасини ишлаб чиқади;

ҳарбий қисмлар ва фуқаро мухофазаси тузилмалари бошқарилишини ташкил этади;

фуқаро мухофазаси эҳтиёжларини кўзлаб зарур қурол-аслаҳалар, техника, мухофазаланиш воситалари ва бошқа моддий-техника воситалари етказиб берилиши учун давлат буюртмаси лойиҳасини шакллантиради;

хабар беришни ташкил этиш ва фуқаро мухофазаси тизимини шай ҳолатга келтириш бўйича директив ҳужжатлар ишлаб чиқади;

фуқаро мухофазаси кучлари ва воситаларининг жанговарлик ҳамда сафарбарлик тайёргарлигини таъминлайди;

шахсий таркиб ва аҳоли фуқаро мухофазаси соҳасида ўргатилишини ташкил этади;

фуқаро мухофазаси тадбирлари бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фуқаро мухофазаси соҳасидаги фуқароларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари III бўлимда келтирилган. Фуқаролар ўз ҳуқук ва мажбуриятларини амалга ошириш учун фуқаро мухофазаси соҳасида етарли билимга эга бўлишлари зарур. Шу сабабли ҳам уларни фуқаро мухофазаси соҳасида ўргатиш 16-модда билан умумий ва мажбурий деб белгилаб қўйилган.

IV бўлим - “Фуқаро мухофазаси хизматлари ва кучлари” - фуқаро мухофазаси тадбирларини амалга ошириш учун зарур хизматлар ва кучлар, тузилмаларнинг таркибини аниқлаб беради.

18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар баъзи ҳолларни мустасно қилган ҳолда фуқаро мухофазаси тузилмалари таркибиға қабул қилинадилар ва қидирув ишларини олиб борищ, тиббий ёрдам кўрсатиш, ёнғинларнинг тарқалишига йўл қўймаслик, жамоат тартибини сақлаш каби тузилмалар таркибида ҳаракат қиласилар.

Ва ниҳоят, V бўлим “Фуқаро мухофазасини молиявий таъминлаш. Фуқаро мухофазаси объектлари ва мол-мулки” деб номланган. Бу бўлимда фуқаро мухофазасини молиялаш, фуқаро мухофазаси қўшинларининг асосий фондлари, объектлари ва мол-мулки масаласи кўриб чиқилган.

Маълумки, республикамизда мавжуд бўлган гидротехник иншоотларда авария, ҳалокат юз бергудек бўлса, аҳоли ва ҳудудларимизга маълум миқдорда хавф туғдириши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида қабул қилинган қонунлардан яна бири “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонундир.

Қонун 15 моддадан иборат. Ушбу қонуннинг мақсади гидротехника иншоотларини лойихалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, уларни

реконструкция қилиш, консервациялаш ва тугатишда хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонунда гидротехника иншоотлари, фойдаланувчи ташкилот, фавқулодда вазият, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги, хавфсизлик декларацияси, хавфсизлик мезонлари, гидротехника иншооти авария хавфининг йўл қўйиладиган даражаси каби тушунчаларга таъриф берилган. Бундан ташқари қонунда Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари кўрсатиб берилган, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назорати ҳақида сўз юритилган.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги обьектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назоратини амалга оширувчи маҳсус ваколатли орган ҳисобланади.

Қонуннинг 15-моддасида гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айборд бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 31 августда қабул қилинган қонунлар орасида “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ти қонун алоҳида ўрин тутади. Ушбу қонуннинг мақсади радиациявий хавфсизликни, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, шунингдек, атроф муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг заарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Фавқулодда вазиятлар ичida ўзининг келтирадиган кулфатлари билан радиациявий авариялар алоҳида ажralиб турди. Бошқа турдаги фавқулодда вазиятлар каби инсон соғлиғига келтирадиган зиёни тезда қўзга қўринмайди. Шунинг учун ушбу қонун аҳоли ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутади.

Ушбу қонун 5 бўлим ва 28 моддадан иборат бўлиб, уларда асосий тушунчаларга таъриф берилган, радиациявий хавфсизликни тартибга солиш, радиациявий хавфсизликни таъминлашга қўйиладиган талаблар, радиациявий авария содир бўлганда радиациявий хавфсизликни таъминлаш каби масалалар кўриб чиқилган.

Қонуннинг I бўлими “Умумий қоидалар” (1-6-моддалар) деб аталиб, унда ушбу қонуннинг мақсади, қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар, радиациявий хавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари, фуқароларнинг радиациявий хавфсизликни таъминлашдаги хукуқ ва

мажбуриятлари, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси масалаларига ўрин берилган.

Иккинчи бўлим “Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини тартибга солиш” деб номланади ва 7-11-моддаларни ўз ичига олади. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан қандай тартибга солинади, назорат қандай олиб борилади, давлат экспертизаси қандай бўлади каби саволларга жавоб берилган. Бўлимнинг 8-моддасига асосан радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат назоратини Саноатда ва кончилиқда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси амалга оширади.

“Радиациявий хавфсизликни таъминлашга доир талаблар” III бўлимда (12-22-моддалар) келтирилган. Бўлимда табиий радионуклиидлар таъсир этиш чогида, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳамда ичимлик сувидан фойдаланишда, тиббий рентгенорадиологик муолажалар ўтказилганда хавфсизликни таъминлаш тартиблари ёритиб берилган.

“Радиациявий авария содир бўлганда радиациявий хавфсизликни таъминлаш”ни IV бўлимдаги 23-25-моддалар баён этади. Бу бўлимда фуқаролар ва атроф муҳит радиациявий авариялардан муҳофаза қилинишлари шартлиги (23-модда) билдирилган ва ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчининг авария содир бўлган пайтдаги мажбуриятлари (24-модда) келтирилган.

V бўлим - “Якуний қоидалар” халқаро шартномалар, низоларни ҳал этиш ва қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарликка бағишлиланган.

Республикамизда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун 2000 йил 15 декабря “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Қонуннинг мақсади терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, асосий вазифалари этиб шахс, жамият ва давлатнинг терроризмга қарши курашишни таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш, деб белгиланди.

Қонун “Умумий қоидалар”, “Давлат органларининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари”, “Террорчиликка қарши операциянинг ўтказилиши”, “Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган заарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси” ҳамда “Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси” деб номланувчи 5 бўлимдан иборат бўлиб, 31 моддани ўз ичига олади.

Терроризмга қарши курашни амалга оширишда давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдаор шахслар, фуқаролар кўмаклашишлари зарурлиги 6-моддада белгилаб берилган.

Терроризмга қарши курашни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги амалга оширади (8-модда). Жумладан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фавқулодда вазиятлардан аҳолини муҳофаза қилиш, террорчилар ҳаракат қилаётган зонада жойлашган алоҳида муҳим, тоифаланган ва бошқа обьектлар барқарор ишлашини, шунингдек террорчилик оқибатларини тугатиш юзасидан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда тадбирлар ўтказади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади (14-модда).

Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 28 сентябрдаги «**Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида**»ги қонуни хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Саноат хавфсизлиги шахс ва жамият ҳаётий муҳим манфаатларининг хавфли ишлаб чиқариш обьектларидағи авариялар ва нохуш ҳодисалардан ҳамда уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолатидир.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектларига портлаш-ёнғин хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган моддалар; тасдиқланган стандартларга мувофиқ тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра I, II ва III хавфлилик даражаларида (ўта хавфли, юқори даражада хавфли ва ўртача даражада хавфли) мансуб заарли моддалар; муайян турдаги ташқи таъсир чоғида иссиқлик ажратган ва газлар ҳосил қилган ҳолда ўз-ўзидан жуда тез тарқаладиган кимёвий ўзгарувчан портловчи моддалар; инсон соғлиғи ва атроф муҳит учун хавфли концентрацияли моддалар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган; 0,07 мегапаскалдан ортиқ босим остида ёки ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера босимидағи қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратда ишлайдиган

ускуналардан, кўчмас асосга ўрнатилган юк қўтариш механизлари, эскалаторлар, осма йўллар, фуникулёрлар (тоғ темир йўллари)дан фойдаланиладиган; қора ва рангли металлар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида қотишмалар олинадиган; кончилик ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, шунингдек ер ости шароитида иш олиб бориладиган корхоналар ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари ва бошқа ишлаб чиқариш обьектлари киради.

Қонун 23 моддадан иборат бўлиб, унда хавфли ишлаб чиқариш обьектини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга қабул қилиб олишга, фойдаланишга оид, шунингдек ходимларга оид саноат хавфсизлиги талаблари келтирилган. Қонунга мувофиқ саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ушбу обьектлардан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан текширилиши белгилаб қўйилган.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектида қўлланиладиган техника қурилмаларини сертификатлаштириш (13-модда), фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш (14-модда), саноат хавфсизлиги экспертизаси (15-модда), саноат хавфсизлиги декларацияси (19-модда) масалалари ёритиб берилган.

**Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 26 декабрьдаги «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонуни 5 боб, 31 моддадан иборат бўлиб, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.**

**Қутқарувчи** – муайян дастур бўйича қутқарув ишларига тайёрланган ва белгиланган тартибда аттестациядан ўтган Ўзбекистон Республкаси фуқароси.

**Қутқарув хизмати** – фаолияти бўйича ягона тизимга бирлаштирилган, асосини профессионал қутқарув тузилмалари ташкил этган, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир вазифаларни ҳал этиш учун мўлжалланган бошқарув органлари, кучлар ва воситалар мажмуи.

Қонуннинг 1-боби «Умумий қоидалар» деб номланиб, 6 моддани ўз ичига олади. Уларда асосий тушунчалар, қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчилар фаолиятининг асосий принциплари, асосий вазифалари ва қутқарув ишларининг турлари келтирилган. «Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари» деб номланган 2-боб (7-15-моддалар) қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ташкил этиш, сафини тўлдириш, аттестациядан ўтказиш, фаолияти, фаолиятни молиялаштириш масалаларини ёритади.

3-боб – Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишдаги иштироки – қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш (16-

модда), фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига раҳбарлик қилиш (17-модда) ва қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалариға ўз фаолиятини амалга оширишида қўмаклашиш (18-модда).

Қутқарувчилар ва уларнинг мақоми 4-бобда кўрилган. Унда қутқарувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларнинг иш вақти (хизматни ўташ) режими, меҳнатга ҳақ тўлаш, уй-жой билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш чоралари қандай бўлиши каби саволларга жавоб топиш мумкин. 28-31-моддаларни ўз ичига олган 5-боб «Якунловчи қоидалар» деб номланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 15 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунига мувофиқ, кодекс 204<sup>1</sup> ва 249<sup>1</sup>-моддалар билан тўлдирилган:

**204<sup>1</sup>-модда. Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек, фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик.**

Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек, фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик одамлар соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар этишига олиб келса, атроф табиий муҳитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солса, - фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни яшириш, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки улар ҳақида атайин сохта ахборот тақдим этиш этиш – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**249-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари.**

Ушбу кодекснинг 204-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.

**«Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришилар киритиш ҳақида (2010 йил 17 сентябрь) – 2 та модда. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 2, 8, 9 ва 22-моддаларига ўзгаришилар киритилган.**

### **1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, меъёрий ҳужжатлар.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июндаги “Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-3030-сонли Қарори: Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топган вақтдан бери аҳолини ва раҳбарлар таркибини фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар соҳасида тайёрлаш вазирликнинг устувор вазифаларидан бири деб белгиланган. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бўйича раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси институти (бундан кейин - Фуқаро муҳофазаси институти) ташкил этилган.

Ўтган йиллар давомида Фуқаро муҳофазаси институтида фуқаро муҳофазаси йўналиши бўйича 32068 тингловчи, сафарбарлик тайёргарлиги йўналиши бўйича 4196 тингловчи, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ва бошқа вазирлик ва идораларнинг 601 нафар шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилари ҳамда 2342 нафар қутқарув хизматларининг қутқарувчилари тайёргарликдан ўtkazildi.

Шу билан бирга, республикада ва хориж мамлакатларида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда фуқаро муҳофазаси соҳасида кадрлар тайёрлаш ишларининг ҳар томонлама танқидий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳада мутахассисларни тайёрлашнинг мавжуд тизими ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг (бундан кейин ФВДТ) бошқарув органлари ходимларини, фуқаро муҳофазаси кучларини, шунингдек, аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга, олий касбий маълумотли мутахассисларни магистр даражасида тайёрлашнинг ягона тизими мавжуд эмас. Амалдаги ўкув дастурлари тубдан қайта қўриб чиқиши талаб этади. Ушбу соҳада фундаментал ва амалий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаяпти.

Тайёргарлиқдан ўтказишнинг ягона тизимини яратиш, мутахассисларни ахолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш даражасини ва сифатини янада такомиллаштириш ва тубдан ўзгартериш, илмий-тадқиқотлар олиб бориш самарадорлигини ошириш, шунингдек, Фуқаро муҳофазаси институти моддий-техник базасини ривожлантириш мақсадида:

Фуқаро муҳофазаси институтининг асосий вазифалари:

республика ахолиси ва худудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек, фуқаро муҳофазаси соҳасида комплекс тадбирларни ташкил этиш ва бажариш бўйича ФВДТнинг республика ва маҳаллий бошқарув органлари мутахассислари ва мансабдор шахсларини ҳамда фуқаро муҳофазаси кучларини тайёрлашнинг ягона тизимини ташкил этиш, ривожлантириш ва ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш;

давлат стандартлари, жаҳон тажрибаси, фан ва таълим соҳасидаги инновацион технологиялар анъаналари талабларини ҳисобга олган ҳолда “Фавқулодда вазиятларда аҳоли хавфсизлиги” мутахассислиги бўйича магистр даражасига эга бўлган олий маълумотли, юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек, фуқаро муҳофазаси соҳасида Фавқулодда вазирлигининг контракт бўйича ҳарбий хизматчилари ва фуқаро ходимларини, таркибий ва худудий бўлинмалари қутқарув хизматлари қутқарувчиларини, ФВДТ таркибиға кирувчи бошқа вазирлик ва идораларнинг қутқарув тузилмаларини, шунингдек, мутахассислари ва мансабдор шахсларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларининг фуқароларни ҳамда вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларини тайёрлаш, шунингдек, умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус касб-хунар ва олий ўқув муассасаларининг ўқувчи ёшларини фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича фаолиятига ўқув-услубий раҳбарлик қилиш;

фуқаро муҳофазаси муаммоларини ҳал этишга, табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этишга йўналтирилган фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотлар, конструкторлик ишланмаларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш, табиий оғатлар, авария ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш, ҳаётий фаолият хавфсизлигини

таъминлаш, аҳолининг барча тоифаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга сафарбар этишга доир билимларни аҳоли ўртасида оммалаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси тузилмалари ва улар тузиладиган ташкилотларни белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом ҳамда тузилмаларни моддий-техник воситалар билан таъминлаш (табеллаштириш) меъёрини тасдиқлаш ҳақида”ги **369 – сонли қарори**.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 августдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **650-сонли қарори**.

“Маҳалла фуқаро муҳофазаси”нинг асосий вазифалари ҳисобланади:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларга фуқаролар йиғинлари даражасида фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларга тайёргарликка доир вазифаларни бажаришда кўмаклашиш;

аҳолини фавқулодда вазиятларда, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлардан ҳимояланиш усулларига ўқитиш ва тайёрлаш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларига аҳолини ихтиёрий равишда жалб қилишга кўмаклашиш.

“Маҳалла фуқаро муҳофазаси” ўзига юклangan вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларга фуқаролар йиғинлари даражасида фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларга тайёргарликка доир вазифаларни бажаришда кўмаклашиш соҳасида:*

кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажаришга мўлжалланган йиғма гурӯҳни тузади, таъминоти ва фаолиятини ташкиллаштиради;

ўз фуқаролар йиғинлари худудида фавқулодда вазиятлар ёки ҳарбий ҳаракатлар даврида фойдаланиш учун мўлжалланган моддий, тиббий ва бошқа ресурслар захираларини яратади ҳамда уларнинг сақланишини таъминлайди;

аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз худудлар (жойлар)га эвакуация қилишга тайёрлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда кўмаклашади;

шахсий ҳимоя воситаларини қабул қиласида ва аҳолига тарқатади;

тегишли худудда оммавий тадбирларни ўtkазиш даврида ва фавқулодда вазиятлар юзага келганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат тартибини сақлашда ёрдам кўрсатади;

аҳолига хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказиш автоматлаштирилган тизимининг терминал комплексларининг доимий тайёр ҳолатда сақланишини таъминлашда иштирок этади;

санитария-гигиена ва эпидемияга қарши, шунингдек одамлар ва ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш тадбирларида иштирок этади;

тегишли фуқаролар йигини ҳудудида жорий этилган фавқулодда вазият режимини сақлаб туришда ва фуқаро муҳофазаси тадбирларини ўтказиша иштирок этади;

*б) аҳолини фавқулодда вазиятларда, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлардан ҳимояланиши усулларига ўқитиши ва тайёrlаши соҳасида:*

ўқув-маслаҳат пунктларининг самарали фаолиятини ташкиллаштиради ва таъминлайди;

маҳалла фуқаролар йигини аҳолиси билан тизимли равишда фавқулодда вазиятларда, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлардан муҳофазаланиш усуллари бўйича суҳбатлар ва машғулотлар ўтказади;

қўмондонлик-штаб ва тактик-махсус ўқув машқларини ўтказиша иштирок этади;

*в) фавқулодда вазиятларнинг олдини олиши ва бартараф этиши тадбирларига аҳолини ихтиёрий равишда жалб қилишга қўмаклашиши соҳасида:*

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тадбирларига жалб этиш мақсадида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади;

маҳалла фуқаролар йигини ўқув-маслаҳат пунктларида тайёргарлиқдан ўтган аҳоли рўйхатини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрда қабул қилинган «Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида» 271-сонли қарорига тўртта Низом ва концепция илова қилинган:

1-илова. Хавфли ишлаб чиқариш обьектларини идентификациялаш тартиби тўғрисида Низом.

2-илова. Саноат хавфсизлиги экспертизаси тизими тўғрисида Низом.

3-илова. Ўзбекистон Республикасида путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси.

4-илова. Хавфли ишлаб чиқариш обьектининг саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқиши тартиби тўғрисида Низом.

5-илова. Хавфли ишлаб чиқариш обьектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказгандик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисида Низом.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 январдаги «**Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш хақида**»ги 2-сонли қарори қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини жалб қилиш соҳасида хуқуқий тартибга солишни белгилайди.

Қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш:

хизмат кўрсатилаётган обьектлар ва худудларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишга доир ҳаракатлар режасига мувофиқ;

фавқулодда вазиятлар рўй берган ва уларнинг кўлами кенгая бошлаган тақдирда белгиланган тартибда;

мазкур қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари фаолиятига раҳбарлик қилаётган ёки бунинг учун қонун хужжатларида белгиланган ваколатларга эга бўлган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, шу жумладан жамоат бирлашмалари мансабдор шахсларининг қарорига биноан амалга оширилади.

Йирик фавқулодда вазиятлар рўй берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг муҳандислик-сапёрлик бўлинмалари, ҳарбий-транспорт авиацияси ва ҳарбий-тиббий хизмат муассасалари жалб этилиши мумкин.

Қарорда шунингдек, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига раҳбарлик қилиш, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш штабининг функциялари, фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилинган қутқарув хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, жалб қилинган куч ва воситаларни моддий ва молиявий таъминлаш, қутқарув ишларини тўхтатиш масалалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги “**Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги 202-сонли қарори аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш масалаларини тартибга солиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг

самарадорлигини ошириш, қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш хизматлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратылған.

Ички ишлар, Қишлоқ ва сув хұжалиги, Соғлиқни сақлаш вазирліктер, Давлат табиатни муҳофаза қилиш құмитаси, Қарақалпоғистон Республикасы Вазирлар Кенгашы, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимліктері олдига вазифалар қўйилған. Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузурида қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари ташкил этиладиган шаҳарлар ва туманлар рўйхати (1-илова), аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалари (4-илова) келтирилған.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги “**Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида**”ги 208-сонли қарори билан тасдиқланган Дастурнинг асосий вазифалари:

аҳолининг барча қатламларини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш;

аҳолини ўқитиш билан қамраб олишни кенгайтириш;

кўнгилли қутқарув дружиналарини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш;

зилзила оқибатларининг сейсмик хавфи даражасини камайтириш;

аҳолига юзага келаётган сейсмик вазиятни баҳолаш кўнимларини сингдириш ва зилзила пайтида мутаносиб тарзда ҳаракат қилиш учун шартшароитларни таъминлаш;

таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги “**Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида**”ги 242-сонли қарори Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими ФВДТ бошқарув органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органларини, фавқулодда вазиятларда аҳолини ва худудларни ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган бошқа ташкилотларнинг куч ва воситаларини бирлаштиради ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш, улар юзага келганда аҳоли хавфсизлигини, атроф табиий мухитни муҳофаза қилишни ҳамда тинчлик

ва ҳарбий даврда давлат иқтисодиётига зарарни камайтиришни таъминлашга мўлжалланган.

Қарорда ФВДТнинг вазифалари, таркибий тузилмаси, ФВДТ раҳбар ва кундалик бошқарув органлари, куч ва воситалари, молиявий ва моддий ресурслар захиралари, хабар бериш, алоқа, бошқарув тизимлари, фаолият режимлари кенг, аниқ ва равshan ёритиб берилган. ФВДТ бошқарув органларининг республика, маҳаллий ва объектлар даражасидаги вазифалари белгиланган. Қарорга ФВДТ функционал қуи тизимини ташкил этувчи вазирлик ва идоралар рўйхати, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича функциялари илова қилинган бўлиб, улардан ҳар бирининг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифалари келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири-Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2008 йил 26.декабрдаги **«Вазирлик ва идоралар ўртасида фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича кундалик ўзаро ҳамкорлик ва ахборот бериш йўриқномасини тасдиқлаш ва амалга киритиш тўғрисида»**ги 3- сонли буйруғида фавқулодда вазиятларни рўйхатга олиш тартиби, ахборотни ижро этиш ва бериш тартиби, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотнинг мезонлари келтирилган. Иловада фавқулодда вазият таҳди迪, фавқулодда вазиятнинг параметрлари, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш тадбирлари, авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар, фавқулодда вазиятни бартараф этиш учун жалб қилинган куч ва воситалар тўғрисидаги ахборотни бериш шакллари кўрсатилган.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июнданги “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5066-сонли фармони қайси асосий ҳужжат вазифаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июнданги “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5066-сонли фармони билан қандай идора ва ташкилотлар ФВВ тизимида ўтказилган?

2. Фуқаро муҳофазаси институтида 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб 5А640103 – “Фавқулодда вазиятларда аҳоли хавфсизлиги” мутахассислиги бўйича магистратура йўналишини очиш қайси ҳужжат асосида амалга оширилди?

3. ФВВ ва ФВДТИга ишга қабул қилишга мўлжалланган ўрта-маҳсус маълумотга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш вазифаси юклатиладиган

касб-хунар колледжларида қутқарувчилар қандай мутахассисликлар асосида тайёрланади?

4. ФВВ ва ФВДТига ишга қабул қилишга мўлжалланган “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” мутахассислиги бўйича олий маълумотли бакалаврларни тайёрлаш вазифаси юклатиладиган олий таълим муассасаларини санаб беринг?
5. ЎР ФВВ қайси ҳужжат асосида ташкил топган?
6. ФВВ қандай мақсадда ташкил этилган?
7. Қандай вазият фавқулодда вазият дейилади?
8. Аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш деганда нимани тушунасиз?
9. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш деганда нимани тушунасиз?
10. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий принциплари нечта йўналишдан иборат ва қандай номланади?
11. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларни кимнинг Қарорига асосан жалб этилади?
12. Фуқаро муҳофазаси деганда нимани тушунасиз?
13. Ўзбекистон Республикасида ким фуқаро муҳофазасининг бошлиғи ҳисобланади?
14. Фуқаро муҳофазаси тузилмалари нима учун ташкил этилади ва қандай ишларни амалга оширади?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.– Т.: “Ўзбекистон”, 2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. 1996 йил 4-март кунидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги”ги ПФ-1378-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги 427-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 август кунидаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июнданги ПФ-5066-сонли “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июнданги ПҚ-3029-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июнданги “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3030-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5706-сонли “Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг сифатли янгича тизимини тадбиқ этиш тўғрисида”ги Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ-4276 –сонли “Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

## **2-мавзу: Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш**

### **Режа:**

1. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда ишлаб чиқиладиган режалар, уларни ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумотлар.

2. Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш ҳаракатлар режасининг тузилиши.

3. Фуқаро муҳофазаси режасининг тузилиши.

### **2.1.Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда ишлаб чиқиладиган режалар, уларни ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумотлар.**

Фуқаро муҳофазаси режаси умумдавлат миқёсида ишлаб чиқилади. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини барвақт амалга ошириш фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улар содир бўлгандаги зарап ва талафотларни камайтириш мақсадида республика, идоралар, ҳокимиятлар ва объектларнинг хатти-ҳаракат режалари, шунингдек ФВДТ ҳамма даражаларидаги ҳамкорлик режалари ишлаб чиқилади.

Ҳамкорлик режаси ҳарбий қўмондонлик органлари билан ишлаб чиқилади.

Режалаштириш тинчлик ва ҳарбий ҳаркатлар даврларига алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилади. Фавқулодда вазиятлар чоғида аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар режасини маҳаллий давлат ҳокимяти органлари ишлаб чиқадилар, ходимлар ва ишлаб чиқариш ва ижтимоий обьектларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича зарур чораларни режалаштириш корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини режалаштиришга Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкилий-услубий раҳбарлик қиласди.

**ФМ бошлиғи ўз ваколатлари доирасида қуйидаги хуқуқларга эга:**

- ФМнинг тегишли режаларини амалга жорий этиш;
- аҳолини, моддий ва маънавий бойликларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Фуқаро муҳофазаси бўйича директивалар, буйруқлар, қарорлар ва фармойишлар чиқариш.

Аҳолини ва ҳудудларни замонавий қирғин воситалари қўлланилиши оқибатларидан муҳофаза қилиш ва Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги тадбирларни амалга оширишга оид ҳаракатларни мувофиқлаштириш тегишли ҳудудлар, тармоқлар ва ташкилотларнинг Фуқаро муҳофазаси бошлиqlари зиммасига юкланди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:**

- Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ягона сиёсатни ўтказилишини таъминлайди;
  - Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси режасини тасдиқлади;
- Фуқаро муҳофазаси тадбирлари ҳудудларнинг иқтисодий, табиий ва бошқа тавсифларини, хусусиятларини ҳамда фавқулодда вазиятлар содир бўлиш хавфи қанчалик реаллигини ҳисобга олиб, олдиндан режалаштирилади ва амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири - Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг ҳар йили “Аҳоли ва ҳудудларни Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича жорий йилда бажарилган тадбирлар якуни ва келгуси йилдаги вазифалар тўғрисида” буйруғига кўра

- Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизимининг бошқарув органлари, қучлари ва аҳолини тайёрлаш бўйича ....йил учун ташкилий кўрсатма”, “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизимининг аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ..... йил учун асосий тадбирлар режаси” тасдиқланади.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, агентликлар, ўюшмалар, компаниялар ва идоралари раҳбарлари-Фуқаро муҳофазаси бошлиқлари:**

- икки ҳафта муддатда “Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат қўйи тизимининг аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ..... йил учун асосий тадбирлар режаси” ишлаб чиқилсин ва белгиланган вазифаларнинг белгиланган муддатда ва сифатли бажарилишини таъминласинлар.

- аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган тадбирлар, эришилган ютуқлар ва хал этилмаган масалалар тўғрисидаги хисботларнинг мазкур бўйруқнинг ташкилий кўрсатмасида белгиланган муддатларда Фавқулодда вазиятлар вазирлигига мунтазам равища тақдим этилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Профилактика бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган тавсияга асосан корхоналарда қўйидаги режалар тузилади:

- Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича бажариладиган асосий тадбирлар режаси;

- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳаракатлари режаси;

- алоҳида давр учун Фуқаро муҳофазаси режаси;

- обьект барқарорлигини ошириш режаси (ўта муҳим ва тоифаланган обьектлар учун).

- эвакуация режаси.

- ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиш режаси.

Республикамиз бўйича Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳаракат режаси” ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган. Режада республикамизда содир бўлиши мумкин бўлган барча табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар содир бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлган барча потенциал хавфли обьектлар хисобга олинган. фавқулодда вазиятлар содир бўлган тақдирда жалб этиладиган барча куч ва воситалар рўйхати берилган.

Юқори даражада муҳофаза қилиш мақсадида ҳамма Фуқаро муҳофазаси режаларига қўйидаги талаблар қўйилади:

- режа тўлиқ ишлаб чиқилиши;
- мазмуннинг қисқа бўлиши;
- вақтни қатъий ҳисобга олиниши;
- реаллик ва аниқлик;
- иктиносидий мақбуллик.

Режанинг тўлиқ ишлаб чиқилиши ўзини муваффақиятли бажарилишини ва бош вазифа-аҳоли ва моддий бойликлар мухофаза қилиниши ҳал этилишини таъминлайдиган тадбирлар комплекси ишлаб чиқилишидан иборат. Шунинг учун режада аниқ тадбирлар, уларнинг мазмуни, шакли, муддатлари ва бажарувчилари кўрсатилади.

Режа бўлимларининг баёни қисқа бўлиши улардан фойдаланиш осон бўлсин учун керак. Шунинг учун режанинг мазмунли бўлишига ундағи ҳамма тадбирлар тўлиқ ишлаб чиқилган график йўл билан эришилади. Бунинг учун схема-харитада обьектлар, иш турлари ва ҳажми шартли белгилар билан тасвирланади. Тушунтиришлар жадваллар, схемалар, графиклар, суратли шарҳлар, тушунтириш хатлари тарзида берилади (бу икки талабни режанинг илова тарзидаги жадвалда кўрсатилса бўлади).

Вақтни қатъий ҳисобга олиниши режалаштирилган ҳар бир тадбир сифатли ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши учун керак.

Режанинг аниқ(конкрет) ва реал бўлиши у бажарилишининг зарур тартиби ҳисобланади. Бунинг учун маҳаллий шароит маълумотлари синчиклаб ўрганилади: эҳтимол бўлган вайронлик, уюлма, талафотлар тузи, моддий заар олдиндан башоратланади, оқибатлари йўқотилиши учун керакли Фуқаро мухофазаси куч ва воситаларига бўлган талаб ҳисоблаб чиқилади.

Рахбарлар таркибининг профессионал тайёрлиги шароитни олдиндан таҳминлай олиши, тез қарорга кела билиши билан белгиланади.

Объектив реалликка баҳо бериш ва тадбирнинг бажарилиш вақтини белгилаш Фуқаро мухофазасидан тактик ўқув-машқларда, амалий машғулотларда, тренировкаларда бажарилади.

Иктиносидий мақбуллик-тинчлик даврида ҳам, алоҳида даврларда ҳам мухофаза иншоатларидан фойдаланишни ҳисобга олиб бориш имкониятидир. Улар тинчлик даврида маданий-маиший хоналар ва корхоналар (кафе, бар, кирхона, омбор, гараж, ер ости бўшлиқлари) бўлса, алоҳида даврда мухофаза иншоатлари бўлади.

Фуқаро мухофазаси режасига ягона талаб қўйилиши бир томондан келишиб олиш учун керак бўлса, иккинчи томондан зарур бўлиб қолганда режадан фойдаланиш қулай бўлиши учун керак.

Режа тузишдаги иш ҳажмининг ҳаммаси шартли равишда тўрт босқичга бўлинади:

- биринчи босқичда ижрочилар таркиби, уларнинг тайёрлиги аниқланади, бор маълумотлар ва справка маълумотлари, ҳужжатлар ўрганилади, материаллар умумлаштирилади, тақвим (календар) режа ишлаб чиқилади;

- иккинчи босқичда режа амалда ишлаб чиқилади ва режа ҳужжатлари тузилади;

- учинчи босқичда ҳамма тадбирлар бир-бирига мослаштирилади ва юқори ташкилот билан келишиб олинади, зарурият бўлса режа тузатиб тўғриланади ва тасдиқланади;

- тўртинчи босқичда ҳамма режалаштирилган тадбирлар, режа тасдиқлангандан кейин, тегишли ижрочиларга етказилади.

Фуқаро муҳофазаси режасини ишлаб чиқишини бевосита ташкил этиш тегишли Фуқаро муҳофазаси бошлиғига юклатилади, режаларни ишлаб чиқишига Фуқаро муҳофазаси штатли ходимлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, эвакуация комиссияси, Фуқаро муҳофазаси хизматлари ва бўлимлари, иқтисодиёт объектларининг бош мутахассислари жалб қилинади.

Режани ишлаб чиқишига жалб этиладиган мансабдор шахслар Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг буйруғида белгиланади.

Гурӯҳдаги мутахассисларнинг тоифаларига қараб, режани қаерга мослаштириб тузилаётганлигини инобатга олиб, маълумотларни келтирилади.

Вилоят, туман ва шаҳарлар миқёсида режалар ва унинг иловаларини ишлаб чиқиши учун қўйидаги дастлабки маълумотлар (материаллар) тўплаб олинади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг Фуқаро муҳофазасини ташкил этиш ва фаолиятига оид фармонлари ва қарорлари, кўрсатмалари.

2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг низомлари, кўрсатмалари ва тавсиялари, Фуқаро муҳофазаси раҳбар ва меъёрий ҳужжатларининг талаблари.

3. Юқори органларнинг кўрсатмалари ва тавсиялари.

4. Фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг сони, шахсий таркиби ҳамда аҳолини ва моддий бойликларни муҳофaza қилиш имкониятлари ҳақидаги маълумот.

5. Панажойлар сони, уларнинг сиғими, бошқа муҳофаза иншоотларидан фойдаланиш имконияти.

6. Объектнинг тавсифи, унинг мудофаа ва иқтисодий имконияти.

7. Тоифаланган шаҳарга фавқулодда вазиятларда ёрдам бериш имконияти.

8. Тоифаланган шаҳар иқтисодиёт объектларининг рўйхатлари:

- а) фавқулодда вазиятларда ўз ишини давом эттирадиган объектлар;
- б) эвакуация қилинадиган объектлар.

9. Потенциал хавфли, шунингдек тасарруфида кимёвий, шунингдек портлаш-ёнғин хавфи ва хавфли қисмлари бор обьектлар (нефть омборлари, нефть-газ қувурлари, кучли таъсирчан заҳарли моддалар (КТЭЗМ) ва заҳарловчи моддалар ташиладиган темир йўл магистраллари, аэропортлар, қўприклар ва бошқа обьектлар) рўйхати.

10. Хавфли зоналардаги аҳоли пунктлари ҳақидаги маълумотлар.

11. Тоифаланмаган шаҳарнинг ва қишлоқ туманининг Фуқаро муҳофазаси тадбирларини тайёрлаш ва ўтқазиш ҳамда эвакуация қилинган аҳолини қабул қилувчи ва жойлаштирувчи Фуқаро муҳофазаси кучлари гурухини тузиш имкониятлари.

12. Фуқаро муҳофазаси вазифалари бажарилишига таъсир этадиган маҳаллий хусусиятлар кўрсатилган физика-жўғрофий маълумотлар.

13. Фавқулодда вазиятда юзага келиши мумкин бўлган шароитга берилган баҳодан чиқарилган хulosалар.

Объектларда фуқаро муҳофазаси режаларинишилаб чиқиш учун қўйидаги маълумотлар йиғилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг Фуқаро муҳофазасини ташкил этиш ва фаолиятига оид фармонлари ва қарорлари, кўрсатмалари.

2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг низомлари, кўрсатмалари ва тавсиялари, Фуқаро муҳофазаси раҳбар ва меъёрий ҳужжатларининг талаблари.

Мисол тариқасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Кимёвий, радиацион ва биологик (бактериологик) вазиятларни баҳолаш юзасидан услубий қўлланма”ни келтириш мумкин. Ушбу қўлланмадан фойдаланиб кимёвий авариялар содир бўлганда заҳарланиш ҳудудларининг кенглиги ва узунлигини ҳисоблаш формулалари, жадваллари берилган. Мисоллар орқали тушунтириб берилган. Булардан ташқари режа тузишда таълаб этиладиган жабраниши мумкин бўлган кишиларни ҳисоблаш бўйича, тиббий йўқотишларни аниқлаш бўйича формулалар келтирилган.

3. Вазирлик, бошқарма, хокимият органларининг кўрсатмалари ва тавсиялари.

4. Фуқаро муҳофазаси тузилмалари, шахсий таркибларида кишилар тўғрисида маълумот. (телефон номерлари, адресларилари, маълумотлари, малакаси бўйича маълумот).

5. Панажойларнинг тайёрлик ҳолати, сигими, бошқа муҳофаза иншоотлари тўғрисида маълумот.

6. Объектнинг ички хусусиятлари (иморатларнинг конструкциялари), асосий режаси, генплан, ситуационный план) жойланиш режаси, муҳандислик тизимларининг (электр, сув, газ, канализация, алоқа тизимларининг) схемаси.

Ёқилғи-мойловчи моддалар заҳираси, ёнфиндан хавфли моддалар заҳираси, КТЭЗМ заҳираси, электр подстанциялари, буғқозон ўрнатилган бино, сув гидрантларининг жойлашиш ўрни тўғрисида маълумотлар йигилади.

7. Объект атрофида жойлашган потенциал хавфли объектлар, темир йўл, ёнфиндан хавфли объектлар уларнинг таъсири тўғрисида.

8. Эвакуация қилинадиган корхона ишчиларини қабул қилиш жойи, унинг ҳолати тўғрисида маълумот.

9. Фуқаро муҳофазаси вазифалари бажарилишига таъсир этадиган маҳаллий хусусиятлар кўрсатилган физика-жуғрофий маълумотлар.

10. Фавқулодда вазиятда юзага келиши мумкин бўлган шароитга берилган баҳодан чиқарилган хulosалар.

Фуқаро муҳофазаси режаларини ишлаб чиқишида Фуқаро муҳофазаси кучлари гуруҳига катта эътибор берилади. Гуруҳ деганда Фуқаро муҳофазаси кучларининг белгиланган жойдаги авария-қутқариш ишларини ўтказишга мўлжалланган қисми тушунилади. У икки эшалондан бири ва заҳирадан иборат бўлиши мумкин. Объектидаги кучлар гуруҳи, одатда, бир нечта сменалардан иборат бўлади. Шикаст ўчогининг ёки оғат зonasининг фуқаро муҳофазаси кучлари киритиладиган ҳар бир йўналишига разведка кучлари ажратилади ва ҳаракатни таъминлаш отряди (ХТО) тузилади. Разведкани режалаштириш шароит ҳақидаги маълумотларни тезда олиб, шартли белги тарзида харитага тушириш учун амалга оширилади.

Авария-қутқариш ишларини режалаштириш ва ўтказишнинг ҳудуддан ва иқтисодиёт объектидан қатъи назар, қуйидаги тартиби белгиланган:

1. Шикаст ўчоқларини ва оғат жойларини разведка қилиш, қидиув-қутқариш ишлари комплексини ўтказиши.

2. Аҳолини, қишлоқ хўжалиги молларини, ўсимликларни, саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, моддий бойликларни муҳофаза қилиш тадбирлари.

3. Шикастланган аҳоли ҳаёт фаолиятини ташкил қилиш, ҳалок бўлганларни ҳисобга олиш ва қўмиш, ярадорларни касалхоналарга ётқизиши.

4. Карантин-обсервацион, санитар-гигиеник, эпидемияга қарши тадбирлар.

5. Маҳаллий органлар ва ҳарбий қўмондонлик органлари билан ҳамкорлик.

Эвакуация тадбирларини режалаштиришда транспортда ва пиёда олиб чиқиладиган аҳоли сонини аниқ билиши, қанча транспорт воситалари кераклигини, одамларни транспортда (пиёда) олиб чиқиш тартибини, қимматбаҳо ускуналарни, озиқ-овқатни олиб чиқиш тартиби ва муддатларини ҳисоблаб қўйиши керак.

Объект ишлаши барқарорлигини ошириш барқарорлик юзасидан илмий тадқиқотлар асосида ва объект жойлашаг худуднинг иқлимини ҳисобга олиб режалаштирилади.

Мұхандислик, тиббий ва бошқа тур таъминотни режалаштиришда ишлар ҳажми, тадбирлари, бажарилиш тартиби ҳар қайси тур таъминотнинг асосий вазифалари қандайлигига қараб белгиланади.

Фуқаро муҳофазаси бошқармалари, бўлимлари ва хизматлари режа бажарилишини таъминлашлари учун ҳужжатларни олдиндан ишлаб чиқлади. Таъминотнинг ҳамма турлари учун талаб-билдирувлар, нарядлар, юхатлар, буюм ва техникани олиш учун ишончномалар, шаҳар ташқарисидаги зонага эвакуация даврида турадиган хонанини эгаллаш учун ордерлар олдиндан тайёрлаб қўйилади. Бу ҳужжатлар, дастлабки ва справка материаллари Фуқаро муҳофазаси режаларига илова қилинмайди, балки бевосита ижроиларнинг иш папкаларида сақланади.

Вазирликлар ва идоралар фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар режасини, низомлар, қоидалар ва йўриқномаларни келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тақдим этишлари керак.

Режаларга ҳар йили 1 январдаги ҳолатга мувофиқ йилнинг биринчи чораги давомида тузатишлар киритилади. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда режага дарҳол аниқликлар ва тузатишлар киритилиши керак. Режа икки нусхада тузилади. Нусҳалардан бири объектнинг бошқариш пунктида, иккинчиси юқори ташкилотда сақланади.

Режа ҳужжатлари мазмунли, аниқ ҳамда штабга муносиб юқори савияли қилиб ишлаб чиқилиши керак. Режалаштиришда тақлидчиликка, юзаки ва асоссиз ёндашишларга йўл қўйиб бўлмайди.

## **2.2. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳаракатлар режасининг тузилиши.**

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларининг ҳажми, бажарилиш муддатлари, тартиби назарда тутилади.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш фавқулодда вазиятлар рўй берганда одамлар ҳаёти ва соғлигини сақлаш, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талофатлар микдорини камайтиришга,

шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарни ҳалқага олиб, хавфли омиллар таъсирини тугатишига қаратилган авария-қутқарув ишлари ва кечикириб бўлмайдиган бошқа ишлар комплексидир. Бу ишларни амалга ошириш учун ФВДТнинг фавқулодда вазиятларни тугатувчи куч ва воситаларидан фойданилади. Бу куч ва воситалар фавқулодда вазиятлар вазирлигига бевосита ва тезкор бўйсунадиган Фуқаро муҳофазаси қўшинларидан, республика ихтисослашган тузилмаларидан, вазирлик ва идораларнинг ҳарбийлашган ва профессионал ихтисослашган авария-қайта тиклаш тузилмаларидан, маҳаллий ҳокимлик органларининг (Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг) тузилмаларидан, объектларнинг ихтисослашган тузилмаларидан, худудлар ва объектларнинг умумий ва маҳсус тузилмаларидан иборат бўлади.

ФВДТнинг иш режимидағи асосий тадбирлар режанинг бўлимларида ва иловасида келтирилади.

Худудий даражада ишлаб чиқиладиган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳаракатлари режаси икки бўлим ва тўрт иловадан (матн қисми ва иловалардан) иборат бўлади.

Биринчи бўлимда йирик ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлари ва табиий оғатлар рўй берганда вилоят ҳудудидаги бўлиши мумкин бўлган шароитга қисқача баҳо берилиб қўйидагилар ёритилади:

1. Радиацион кимёвий ва ёнгиндан хавфли шаҳарларнинг ва аҳоли пунктларининг, КТЗМ, портлаш хавфи ва биологик моддалари бор объектларнинг, шундай моддалар ортилган транспорт воситалари тўпланиб қолиши эҳтимол бўлган темир йўл узелларининг, бу моддалар ташиладиган магистралларнинг, нефть-газ конлари, нефть қувурлари, гидроузеллар ва ҳ.к. объектларнинг рўйхати.

Вилоят ҳудудидаги, шунингдек қўшни вилоятлардаги ва муайян мамлакатлар ҳудудларидағи эпидемиологик, эпизоотик, эпифитотик ва сейсмик жиҳатдан нокулай жойлар, табиий оғатлар (кўчкilar, ўпирилишлар, қор кўчкilar, сув босишлар).

Шу жойларда яшаётган аҳоли сони, тахминан кўриладиган талафот.

Саноат ва қишлоқхўжалик ишлаб чиқаришига етиши мумкин бўлган заарар.

2. Йирик ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлари ва табиий оғатлар олдини олиш ёки улар оқибатларини камайтириши юзасидан, аҳоли, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва ўсимликларини, моддий ва маданий бойликларни муҳофaza қилиш юзасидан бўлажак тадбирлар ва уларнинг тахминий ҳажмлари, шунингдек юқоридаги ҳодисалар рўй берганда ўтказиладиган қутқариш ва

бошқа шошилинч ишлар ҳамда вилоятнинг бўлажак тадбирлар бажарилишига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа хусусиятлари.

Бўлиши мумкин бўлган шароитдан келиб чиқиб, қуйидаги конкрет тадбирлар режалаштирилади:

- бошқаришни, хабарлашни ва алоқани ташкил этиш;
- разведкани, кузатишни ва назорат қилишни ташкил этиш;
- Фуқаро муҳофазаси кучлари гурухини ташкил этиш;
- одамларни ва моддий бойликларни муҳофаза қилиш тадбирлари;
- моддий ва молиявий таъминотнинг ҳамма турларини ташкил этиш;
- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни тугатишни ташкил этиш.

Режа объектлар учун ишлаб чиқарилаётган бўлса биринчи бўлимни иккисимдан иборат бўлади.

### 1. Объектнинг тавсифи (характеристикаси) ёритилади.

Унга асосан объектнинг тавсифи:

- жойлашган жойи,
- ишчиларнинг сони,
- иш сменаларининг бошланиши ва тугаши,
- мухандистлик тизимлари ва қўшимча манбалар
- иморатларнинг конструкцияси,
- омборлар, улардаги моддаларнинг тури ва миқдори
- муҳофаза иншоотлари, шахсий муҳофаза тўғрисида маълумот.
- таъсир этиши мумкин бўлган атрофдаги потенциал хавфли объектлар, темир йўллар тўғрисида маълумот.

### 2. Эҳтимоли мавжуд фавқулодда вазиятларга характеристика берилади.

Фавқулодда вазиятнинг кўлами, келтирадиган заарлари, оқибатлари, жабрланиши мумкин бўлган кишилар сони, ёнгинлар содир бўлиши эҳтимоли мавжуд жойлар кўрсатилади ва ҳар бир фавқулодда вазият тури учун алоҳида ёзилади.

Масалан. Зилзила максимал 9 балл бўлиш эҳтимоли мавжуд. 1-цехнинг иморати кучли бузилиши мумкин. Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сақланадиган омборда ёнгин бўлиши, сув ва канализация тизимида шикастланишлар эҳтимоли мавжуд.

----- та киши жабрланиши, -----млн. сумлик моддий зарар кўриш эҳтимоли мавжуд.

Режанинг иккинчи бўлимидаги йирик ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлари ва табиий оғатлар содир бўлиш хавфи туғилгандаги ва содир бўлгандаги қуйидаги тадбирлар режалаштирилади: (бўлим иккисимдан иборат бўлади).

**I-қисм. Йирик ишлаб чиқариш авариялари, халокатлари табиий оғатлар содир бўлиш хавфи туғилганда** (юқори тайёргарлик режимида):

1. Фавқулодда вазият содир бўлиш хавфи туғилгани ҳақида бошқарув органларини, ишчилар ва хизматчиларни ва қолган аҳолини хабардор қилиш тартиби;
2. Фавқулодда вазиятнинг олдини олиш ёки улар таъсирини камайтириш тадбирларининг ҳажми, амалга оширилиш муддатлари ва тартиби, жалб этиладиган кучлар ва воситалар.
3. Фуқаро муҳофазаси (ФВДТ) кучларини, мавжуд муҳофаза иншоотларини шай ҳолга келтириш.
4. Шахсий муҳофаза воситаларини ишчи ва хизматчиларга беришга тайёрлаш ва бериш.
5. Одамларни эвакуация қилиш ва кўчириш учун автотранспортни ва шаҳардан ташқари зонани тайёр ҳолга келтириш.
6. Аҳолини тиббий ва эпидемияга қарши муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш.
7. Ёнгиндан сақлаш профилактик тадбирлар ўтказиш.
8. Ишлаб чиқаришни авариясиз тўхтатишга тайёрлаш.

**ФВДТ ишида амалга ошириладиган асосий тадбирлар қуйидагилар ҳисобланади:**

- тегишли бошқарув органлари ФВДТ кичик тизимларига ва бўғинларига бевосита раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олиши;
- зарурат бўлса шароит ёмонлашгани сабабларини эҳтимоли бор фалокат жойининг бевосита ўзида аниқлаш учун, шароитни нормаллаштириш таклифларини ишлаб чиқиш учун оператив гурухлар тузиш;
- доимий дислокация пунктларида раҳбарлар таркибининг кеча кундуз навбатчилик қилишини ташкил этиш;
- оператив навбатчилик хизматини кучайтириш;
- атроф табиий муҳит аҳволини, потенциал хавфли обьектлардаги ва унга туташ ҳудудлардаги шаротини кузатиш ва назорат қилишни кучайтириш;
- бошқарувни ташкил этиш;
- раҳбарлар таркибига Фуқаро муҳофазаси тузилмаларига хабар бериш, йифиши, тақвим режасига, вазифаларга аниқлиқ киритиш;
- разведкани, назоратни, кузатишни ташкил этиш;
- вазият ривожини олдиндан таҳминлаш режалаштирилади.

Демак, ҳар бир фавқулодда вазият учун алоҳида –aloҳида режанинг бўлимлари, яъни сув тошқини хавфи сезилганда, кимёвий захарланиш хавфи

сезилганда каби аввалдан аниқланган фавқулодда вазияттар учун бўлимлар ишлаб чиқилади.

**II-қисм. Йирик ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлари ва табиий оғатлар содир бўлганда (фавқулодда режимида):**

Бу бўлимда ҳам ҳар бир фавқулодда вазият учун алоҳида-алоҳида яъни зилзила содир бўлганда, ёнғин содир бўлганда каби бўлимлар ишлаб чиқилади. Бўлимни ичида қўйидаги тадбирларини режалаштириш таълаб этилади:

- фавқулодда вазият содир бўлганиҳақида бошқарув органларига, ишчи ва хизматчиларга, қолган аҳолига хабар бериш тартиби. Фавқулодда вазият ўчоғида разведкани ташкил этиш ва шароитни олдиндан башоратлаш;
- қутқариш ва бошқа шошилинч ишларга жалб қилинган қуч ва воситаларни шайлик ҳолатига келтириш ва йўлга қўйиш. Уларнинг таркиби, шай бўлиш муддати, вазифалари. Ишларни ташкил этиш;
- аҳолини муҳофаза қилиш: муҳофаза иншоотларига яшириш, шахсий муҳофаза воситалари (ШМВ), дозиметрик ва кимёвий приборлар билан таъминлаш, даволаш ва эпидемияга қарши тадбирлар. Аҳолини эвакуация қилиш ва кўчириш, уларнинг ҳажми, муддатлари, тартиби ва бунинг учун жалб қилинадиган қучлар ва воситалар;
- қутқариш ва бошқа шошилинч ишлар ўтказишга жалб этиладиган, шунингдек аҳолини, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, чорвачилик ва экин маҳсулотларини, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш тадбирлари ўтказилишига жалб қилинадиган ФВДТ ҳудудий кичик тизими қуч ва воситаларининг фаолиятини таъминлаш;
- одамлар ҳаёти ва саломатлигига бевосита хавфни йўққилиш юзасидан қутқариш ва бошқа шошилинч ишларни ўтказиш, аҳоли ҳаёт фаолиятини қайта тиклаш;
- ҳарбий қўмонданлик органлари, Фуқаро муҳофазаси хизматлари билан ҳамкорлик қилиш;
- ФВДТ ҳудудий кичик тизими тадбирларини бошқариш, бошқариш пунктларига жойлашиш тартиби, ФВДТ бошқарув органлари қучларини, ишчилар, хизматчилар ва қолган аҳолини шароит ҳақида, уларнинг фавқулодда вазият ўчоғидаги фаолиятлари ва хатти-ҳаракат қоидалари ҳақида хабарлаш ва ахборот билан таъминлаш, бўйсунувчи, юқори ва ҳамкорлик қилувчи бошқарув органлари билан алоқа ташкил этиш;
- фавқулодда вазият жойида атроф табиий муҳит ҳолатини, авария ҳолатидаги обьектлар ва уларга туташ ҳудудлардаги шароитни узлуксиз назорат қилиш режалаштирилади.

## **Режасига қуидагилар илова қилинади:**

1. Фуқаро мухофазаси бошлигининг фавқулодда вазиятни тугатиш қарори (вилоят харитаси ва шаҳарларнинг режаси).

2. ФВДТ ҳудудий кичик тизимининг ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлари ва табиий оғатлар хавфи туғилгандаги ва улар содир бўлгандағи асосий тадбирларининг календар режаси.

3. ФВДТ ҳудудий кичик тизимининг ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлари ва табиий оғатлар хавфи туғилгандаги ва улар содир бўлгандағи тадбирларини бажаришга жалб қилинадиган куч ва воситаларининг ҳисоби (ҳар бир тадбир ҳакидаги умумий маълумотлар).

4. Ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлари ва табиий оғатлар хавфи туғилганда бошқарув, хабарлаш ва алоқани ташкил қилиш (схемаси).

## **Изоҳлар:**

- Республика, шаҳар, туман, қўрғон, жамоа хўжалиги, қишлоқ кенгаши, маҳалла қўмитаси ва иқтисодиёт обьекти (ИО) режалари бир хил структурада ишлаб чиқилади;
- иккинчи бўлим ишлаб чиқариш аварияси, ҳалокати ва табиий оғатнинг вилоят учун эҳтимоли бор ҳар қайси тури бўйича ишлаб чиқилади;
- режаларни тегишли Фуқаро мухофазаси бошлиқлари тасдиқлайди, итоат тартибига биноан келишиб олинади, режа икки нусхада тузилиб, иккинчи нусхаси юқори ташкилотга жўнатилади.

## **2.3. Фуқаро мухофазаси режасининг тузилиши**

Ўзбекистон Республикаси "Фуқаро мухофазаси тўғрисида"ги қонунининг 8- моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қиласи;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фуқаро мухофазасининг режаси лойиҳасини ишлаб чиқади;

10-моддасида Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Фуқаро мухофазаси режаларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг тегишли ҳудудда амалга оширилишига раҳбарлик қиласи;

- тегишли ҳудуддаги ташкилотлар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан ФМ тадбирлари ни бажарилишини ташкил этадилар ва назорат қилиб борадилар;

11-моддаси "Ташкилотларнинг Фуқаро мухофазаси соҳасидаги ваколатлари" моддасида ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида Фуқаро

муҳофазаси тадбирларини режалаштирадилар ва амалга оширадилар деб белгиланган.

Қонун талабларини инобатга олган ҳолда, худудларда ва ташкилотларда Фуқаро муҳофазаси режалари ишлаб чиқилади. Ушбу режа ҳарбий дарвда яъни алоҳида даврларда аҳолини муҳофаза қилишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги тузилишга эга. Режа 3 та бўлим ва 8 та иловадан иборот.

**Асосий бўлимлари:**

1. Объектда душман ҳужуми таъсирида содир бўлиши мумкин бўлган вазиятларни қисқача баҳолаш.

2. Тинчлик давридан ҳарбий даврга режа асосида ўтишда объектда Фуқаро муҳофазаси тадбирларининг бажарилиши.

3. Душман тўсатдан ҳужум қилганда объектда Фуқаро муҳофазаси тадбирларини амалга оширилиши.

**Иловалар:**

1. Объект ҳудудида бўлиши мумкин бўлган вазият (Объектнинг асосий режаси , тушунтириш хати билан)

2. Объектни тинчлик давридан ҳарбий даврга ўтказишида бажариладиган асосий тадбирларнинг тақвим режаси.

3. Ходимларни муҳофаза қилиш ва авария қутқарув ва бошқа тадбирларни амалга ошириш режаси.

4. Объект ходимларини объектдаги муҳофаза иншотларига, хавфсиз ҳудудга яшириш ҳисоби.

5. Муҳофаза иншотларини шай ҳолатга келтириш режаси.

6. Фуқаро муҳофазаси куч ва воситалар ҳисоби.

7. Шахсий муҳофаза воситаларини объект ходимларига тарқатиш тартиби.

8. Бошқарув алоқа ва хабар бериш чизмаси.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014.

2. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. – Т., “Ўзбекистон”, 2016.

3. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. – Т., “Ўзбекистон”, 2017.

4. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. - Т., “Ўзбекистон”, 1997.

5. Каримов И.А. “Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон ва ҳеч кимга қарам бўлмайди”. - Т., “Ўзбекистон”, 2005.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июнданги “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5066-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июнданги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3029-сонли қарори

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июнданги “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3030-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 августдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 650-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 271-сонли қарори.

12. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар тўплами). I том. – 2007.– 328 б.

13. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар тўплами). II том. – 2012.–368 б.

## **З-мавзу: Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ҳалқаро ташкилотлар ва хориж мамлакатлари билан ҳамкорлик**

### **РЕЖА:**

1. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи ҳалқаро ташкилотлар

2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳалқаро ҳамкорлиги

3. Хориж мамлакатларида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизими

**Таянч иборалар:** аҳоли ва худудларни табиий фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, аҳоли ва худудларни техноген ва ҳарбий хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик, Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги, Фуқаро мудофааси ҳалқаро ташкилоти, Корея ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги, табиий оғатлар хавфини камайтириш Осиё маркази, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти

### **3.1. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи ҳалқаро ташкилотлар**

“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида шундай жумлалар бор “Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қола олмайди. Уларни бутун сайёрамиз кўламида ҳал қилиш зарур. Кўриниб турибдики, табиий мухитни инсон юритадиган хўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ қўпгина муаммолар кенг кўлам касб этади. Шу сабабли улар фақат ҳалқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши мумкин”

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи устувор йўналишида эса “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритиш” - Республиканинг Конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, киберхавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-хуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, шунингдек Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёsatнинг устувор йўналишлари

концепциясини ҳамда Диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиши назарда тутилмоқда.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича шуғулланувчи ҳалқаро ташкилотлар, жумладан,

- БМТ ТД (БМТнинг Тараққиёт дастури)
- ЕХХТ (Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти)
- БМТ ИЁМБ (БМТнинг инсонпарварлик ёрдами малалалари бўйича бошқармаси)
- ADRC (Табиий оғатлар хавфини камайтириш Осиё маркази)
- ЛІСА (Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги)
- KOICA (Корея ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги)
- ФМХТ (Фуқаро мудофааси ҳалқаро ташкилоти)

### **Фуқаро мудофааси ҳалқаро ташкилоти (ФМХТ)**

1931 йил – Парижда «Женева зоналари ассоциацияси» ташкил этилди, 1958 йил - «Женева зоналари ассоциацияси» Фуқаро мудофааси ҳалқаро ташкилотига қайта ташкиллаштирилди. 1972 йил – ФМХТ ҳукуматлараро мақомига эга бўлди ва 1972 йилдан бошлаб, 1 март – Бутунжаҳон фуқаро мудофааси куни деб белгиланди.

ФМХТнинг асосий вазифалари – фуқаро мудофааси миллий ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш, аҳолини муҳофаза қилиш соҳасида тадқиқотлар ўтказишга кўмаклашиш, фавқулодда вазиятларни олдини олиш, улар содир бўлганда аҳолини ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича тажриба алмашишни амалга оширишдан иборат.

### **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)**

Штаб-квартираси: Пекин шаҳрида — ШХТ Котибияти, Тошкент шаҳрида — ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ). 2001 йил 15 июнь ШХТ ташкил топган кун.

Ташкилотнинг асосий вазифалари: иштирокчи мамлакатларни бирлаштирувчи кенг майдонда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотрафикка қарши кураш, иқтисодий ҳамкорликни, илмий ва маданий ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришdir.

### **Атом энергияси ҳалқаро агентлиги**

Атом энергияси ҳалқаро агентлиги 1957 йил БМТ қарорига асосан ташкил топган. Штаб-квартираси Венада (Ҳалқаро Вена маркази).

Атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ҳалқаро агентлиги.

### **3.2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг халқаро ҳамкорлиги**

2017 йилнинг 24 август куни Қирғизистон Республикасининг Ҷўлпон ота шаҳрида ШХТга аъзо давлатларнинг фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш масалалари билан шуғулланувчи идоралари раҳбарларининг тўққизинчи йигилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси ФВВ ҳамда ФМХТнинг иккитомонлама учрашуви бўлиб ўтди. 2018-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик режаси имзоланди.

2017 йилнинг 24 август куни Қирғизистон Республикасининг Ҷўлпон ота шаҳрида ШХТга аъзо давлатларнинг фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш масалалари билан шуғулланувчи идоралари раҳбарларининг тўққизинчи йигилиши бўлиб ўтди. 2016-2017 йиллар сарҳисоби муҳокама этилди, 2018-2019 йилларда амалга ошириладиган тадбирлар режаси тасдиқланди.

ШХТга аъзо давлатларнинг 9-йигилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси ФВВ ҳамда Россия Федерацияси ФВВнинг иккитомонлама учрашуви бўлиб ўтди. 2018-2019 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик режаси имзоланди.

2017 йилнинг 2 октябрь куни Озарбайжоннинг Баку шаҳрида МДҲга аъзо давлатларнинг табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар бўйича давлатларапо кенгашининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ФВВ ҳамда Озарбайжон Республикаси ФВВнинг 2018-2019 йилларга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик режаси имзоланди.

2017 йил 13 декабрь куни “Кўксарой”да Ўзбекистон Республикаси ФВВ ва Қирғизистон Республикаси ФВВ томонидан 2018 йилга ҳамкорлик режаси имзоланди.

### **3.3. Хориж мамлакатларида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизими**

Турли мамлакатларда ўзларига яраша алоҳида хусусиятлари мавжуд. Масалан, АҚШ, Буюк Британия ва Канадада аҳоли фуқаро мудофааси тузилмаларида хизмат қилишга кўнгилли равишда жалб қилинади.

**Америка Қўшма Штатларида** ҳалокат ва табиий оғатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиши ва давлат сиёсатини амалга ошириш ишларига давлат миқёсида бевосита мамлакат Президентига бўйсунувчи қатор идоралар жавоб беради.

Ҳалокатлар содир бўлганда 1979 йили АҚШ Президентининг буйруғи билан ташкил этилган Фавқулодда шароитларда ҳаракат қилиш федерал агентлиги (FEMA) алоҳида рол ўйнайди. FEMA Мудофаа вазирлиги, Сафарбарлик

тайёргарлиги федерал бошқармаси, Ёнғиндан мухофаза қилиш маъмурияти, Ҳалокатларда аҳолига ёрдам қўрсатиш федерал бошқармаси ва Федерал суғурта маъмурияти негизида аввало йирик ракета-ядро уруши шароитларида, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда мамлакат иқтисодиётини бошқаришга қаратилган хатти-ҳаракатларни битта қўл остида мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган.

Бундан ташқари FEMA авария-қутқарув ишларига марказий раҳбарликни амалга оширади, маҳаллий ҳокимият органлари ва жабрланган аҳолига зарур молиявий ва моддий-техник ёрдам кўрсатади.

**Европа мамлакатлари.** **Финляндия**да 100 йилдан ортиқ мустақил ташкилот сифатида фаолият кўрсатиб келган ёнғин хавфсизлиги хизмати 1975 йилда қабул қилинган қонунга мувофиқ қайта ташкил этилиб, ягона Кутқарув хизматига айлантирилди. Бундан ташқари Кутқарув хизмати тез ёрдам вазифасини ҳам ўтайди.

Кутқарув хизматининг таркиб топиши бир неча йил давом этиб, 1991 йилга келибгина аҳолини турли фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш ва хавфсизликни таъминлаш талабларига жавоб бера оладиган бўлди. Бундай қайта ташкил этишдан мақсад махсус қутқарув ташкилотларини функционал-тезкор, замонавий тактик, техник ва иқтисодий талабларга жавоб берувчи, аҳолининг ҳар томонлама хавфсизлигини таъминловчи моделга ўтказишдан иборат эди.

Кутқарув хизмати маҳаллий бюджет ҳисобидан маблағ билан таъминланади.

**Финляндия**да аҳолини мухофаза иншоотлари билан таъминланиши масаласига ҳал қилувчи ўрин берилган. Хусусан, Хельсинкида 4400 дан ортиқ бомбадан беркиниш жойлари мавжуд. Кутқарув хизмати билан боғланиш учун 112 рақамини териш кифоя.

**Швейцария**да мамлакат Конституциясига асосан аҳолини ва ҳудудларни табиий, техноген ва ҳарбий хусусиятли фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш вазифаси Конфедерация зиммасига юклатилган.

Швейцария хавфсизлик доктринасининг бош тамойили - биринчи навбатда маҳаллий куч ва воситаларга ҳамда бошқарувнинг қуи звеноларига таянишдан иборат. Тайёргарлик ва мухофаза тадбирларининг асосий қисми коммуналар даражасида олиб борилади.

**Германия**да аҳоли ва ҳудудларни табиий, техноген ва ҳарбий хусусиятли фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал этиш Ички ишлар вазирлигига юклатилган. Ички ишлар вазирлигиИИВ қошида доимий Фуқаро мудофааси штаби ташкил этилган. Бу қўмита таркибига киради,

унга жойлардаги Ички ишлар вазирлиги Фуқаро мудофааси бўлимлари тобе ҳисобланади.

**Францияда** тинчлик ва ҳарбий даврда аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимиға умумий раҳбарликни Ички ишлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси департаменти орқали амалга оширади

**Буюк Британиядаги** аҳоли ва худудларни табиий, техноген ва ҳарбий хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизими Германия ва Франция тизимидан деярли фарқ қилмайди. Бу тизимга умумий раҳбарлик Ички ишлар вазирлигига тегишли бошқарма ҳамда вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Вазирликлараро режа қўмитаси орқали амалга оширади. Маҳаллий даражада асосий тадбирларнинг бажарилишини графликлар, маъмурий районлар, шахарлар муниципалитетлари кенгашлари маҳсус тузилган қўмиталар орқали ташкил этадилар.

**Италияда** маҳсус ташкилий тизим - Фуқаро муҳофазаси миллий хизмати (ФММХ) ташкил этилган. ФММХ фаолиятига умумий раҳбарлик ва мувофиқлаштиришни Фуқаро муҳофазасини мувофиқлаштириш вазири Фуқаро муҳофазаси вазирлиги орқали амалга оширади.

**Швецияда** ҳалокатларда тиббий тез ёрдам хизмати французларникига ўхшаб мамлакат Ички ишлар вазирлигининг ўт ўчириш бошқармаси тасарруфидан. 1986 йили Қутқарув хизмати миллий бошқармаси тузилган бўлиб, у фавқулодда вазиятларда 284 та маҳаллий ўз-ўзини бошқариш бошқармалари қутқарувчилари ишига раҳбарликни амалга оширади. Бошқарма муниципал ва коммуналарнинг қутқарув хизматларини ташкил этиш ва ўқитишга масъул, фавқулодда вазиятларда уларнинг ишларида ахборот-маслаҳат ёрдамини беради, аҳолини зарур ахборотлар билан таъминлайди ва ҳ.к.

**Бельгияда** Ички ишлар вазирлиги раҳбарлигидаги фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тез ишга киришиш тизими 5 та критик вазиятлар марказини ўз ичига олади.

**Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари.** Россияда аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ишлари 1990 йил 27 декабрда РСФСР хукумати қарори билан Россия кутқарувчилар корпуси тузилиши билан бошланган. 1994 йил январида Фуқаро мудофааси, фавқулодда вазиятлар ва табиий оғатлар оқибатларини тугатиш ишлари бўйича давлат қўмитаси негизида шу номдаги вазирликнинг ташкил этилиши муҳим қадамлардан бири бўлди.

1992 йил апрель ойида Россия хукуматининг қарори билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва огоҳлантириш Россия тизими ташкил этилди. Шу йили июль ойида Қидирув-қутқарув хизматини ва Давлат марказий аэромобиль

отрядини ташкил этиш бошланди.

**Белоруссия Республикаси** Президенти 1998 йилнинг 11 сентябрида Фавқулодда вазиятлар вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Фармонга асосан Ички ишлар вазирлигидан ҳарбийлаштирилган ёнғин хизмати (ҲЁХ) ажратиб олинди ва у ФВВ нинг негизи бўлиб қолди. Унга аввал ташкил этилган Чернобиль АЭСи ҳалокати оқибатлари муаммолари бўйича қўмита, Саноатда ва ядро энергетикасида ишларни хавфсиз олиб боришни назорат қилиш қўмитаси, шунингдек Минск шаҳар ҳарбийлаштирилган ёнғин қисми бошқармаси тўлиқ таркибда ва Белоруссия ҲЁХнинг тўла таркиби қўшилди.

**Қозоғистон Республикасида** 2004 йили ташкил этилган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолият кўрсатади. У йирик авария, ҳалокат ва табиий оғатларда тезкор ҳаракатни амалга оширади, фавқулодда вазиятнинг олдини олиш тадбирларини мувофиқлаштиради, саноатда техника хавфсизлиги устидан назорат олиб боради, давлат ёнғин хавфсизлиги хизматига раҳбарлик қиласи, мамлакат фуқаро мудофааси тизими фаолиятини таъминлайди.

2014 йил Қозоғистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қисқартирилди. Ҳозирда Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфида фавқулодда вазиятлар қўмитаси фаолият юритмоқда.

**Кирғизистон Республикасида** фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масалалари билан шуғулланувчи давлат органи 1991 йилда ташкил этилган. Қирғизистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги техноген, табиий, экологик ва ижтимоий хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга тезкор муносабат билдирувчи давлат ташкилотларини бирлаштириш асосида дунёга келган. Вазирлик таркибида ташкил этилган фавқулодда вазиятлар мониторинги, башоратлаш ва радиациявий чиқиндиҳоналар билан ишлаш департаменти Миллий Фанлар Академияси институтлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорликда тез-тез юз берадиган хавфли табиий жараёнлар бўйича башоратлаш ишларини амалга оширади ҳамда маълумотларни давлат идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига етказади.

**Тожикистон Республикаси** ҳуқумати қошидаги фавқулодда вазиятлар ва фуқаро мудофааси қўмитаси 1994 йил 17 августда Фуқаро мудофааси штаби негизида ташкил этилган. Кейинчалик у Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро мудофааси вазирлигига айлантирилди. Бу билан республикада фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш давлат тизимини куриш йўлидаги биринчи қадам ташланди.

Бош вазирнинг ўринбосарларидан бири раҳбарлик қиласиган давлат тизими фавқулодда вазиятлар комиссиялари каби бошқарув органларини ўзида бирлаштиради.

Хориж мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатиб бердики, фавқулодда вазиятларда аҳоли ва худудларни муҳофаза қилиш ва қутқариш тизимини ташкил этишда ҳар мамлакат ўзига хос хусусиятга эга.

### **Назорат саволлари:**

1. БМТ ТДнинг фаолияти.
2. БМТ “ЮНИСЕФ” болалар фонди фаолияти.
3. ШХТнинг асосий вазифалари.
4. Атом энергияси ҳалқаро агентлиги фаолияти.
5. Россия Федерацияси фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизими фаолияти.
6. Белоруссия Республикаси фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизими фаолияти.
7. Қозоғистон Республикаси фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизими фаолияти.
8. Япониянинг Ҳалқаро ЛСА ташкилоти билан ҳамкорлик.
9. Хориж мамлакатларида аҳоли тайёргарлиги.
10. “Ёш қутқарувчи”, “Кўнгиллилар” хизматларини ташкил этилиши (Ўзбекистон, Япония, Германия мисолида).

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.– Т.: “Ўзбекистон”, 2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
- 3.1996 йил 4-март кунидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги”ги ПФ-1378- сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги 427-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 август қунидаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июнданги ПФ-5066-сонли “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июнданги ПҚ-3029-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июнданги “Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3030-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5706-сонли “Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг сифатли янгича тизимини тадбиқ этиш тўғрисида”ги Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ-4276 – сонли “Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

#### **4-мавзу: Халқаро терроризмнинг оқибатлари ва унга қарши курашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни**

##### **Режа:**

1. Терроризм ва унинг моҳияти.
2. Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш усуслари ва воситалари.
3. Терроризмга қарши кураш.
4. Терроризм билан боғлиқ экстремал ва фавқулодда вазиятларда аҳолининг ҳаракатлари.

**Таянч иборалар:** фавқулодда вазиятларда аҳолининг ҳаракатлари, сиёсий терроризм, мафкуравий терроризм, миллатчилик терроризми, дунёқарааш билан боғлиқ терроризм, ядроий терроризм, кимёвий терроризм, биологик терроризм, кибертерроризм, руҳий терроризм.

##### **4.1. Терроризм ва унинг моҳияти**

Дунё ҳамжамияти терроризмнинг ҳар қандай кўринишларини, жумладан, ижтимоий-сиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги восита сифатида ҳам қоралайди. Бироқ, шунга қарамай терроризм ҳамон қатор экстремистик гурӯхларнинг қуроли бўлиб қолмоқда. Шу сабабли ушбу ҳодисанинг кўлами ва хавфини ҳисобга олган ҳолда унга қарши кураш Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти томонидан халқаро сиёсатнинг устувор масалаларидан бири деб эълон қилинган. Шу муносабат билан терроризмнинг моҳиятини тушуниб этиш ўта муҳим бўлиб, у терроризмга қарши қурашнинг восита, шакл ва усуllibарини аниқлашга имкон беради. Терроризмнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, шу билан бирга моҳияти шундан иборатки, террорчилар ўз мақсадларига эришиш йўлида одамларни қўрқув, даҳшатга солиш, кўпинча эса умуман айбиз инсонларни йўқ қилишдан ҳам тап тортишмайди.

Терроризм аниқ бир мақсадларга эришиш воситаси сифатида қадим замонлардан бери маълум. Энг ёрқин мисол сифатида француз революцион ҳукуматининг контреволюцион оппозицияга қарши 1793 йилги сиёсатини келтириш мумкин. XIX асрнинг иккинчи ярмида терроризм бомба портлашларию, миллатчилар гурухлари томонидан амалга оширилган қотилликлар ва вайроналикларда намоён бўлади.

XX асрнинг охирги ўн йиллиги террорчилик ҳаракатлари авж олган йиллар бўлди, десак асло янглишмаймиз. Статистик маълумотлар ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибли. 1968-1991 йиллар давомида дунё мамлакатларида 6850 марта террорчилик хуружлари амалга оширилган, уларда 5683 киши ҳалок бўлган, 15462 киши тан жароҳати олган. 1992 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда эса 2054 та террорчилик ҳаракати содир этилиб, оқибатда 2547 киши ҳалок бўлди, 20555 киши жароҳатланди.

Биз XXI аср экстремистларининг ҳар бир чиқишига тайёр турмоғимиз зарур. Бунинг учун аввало терроризмнинг келиб чиқиш сабаблари, мақсадлари ва келтирадиган талафотларини билиб олишимиз зарур.

Терроризм – ҳозирги куннинг энг хавфли жараёни бўлиб, XXI асрда инсоният ва давлат олдида турган вазифаларни ҳал этиш йўлидаги асосий тўсиқлардан биридир.

2000 йил 15 декабр кунидаги Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши қураш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган ва унда терроризмнинг асосий тушунчалари берилган:

Ҳозирги кунда терроризм – жиноятчилик фаолиятининг энг хавфли шаклларидан биридир. Бир қатор ривожланган мамлакатларнинг қонунларида ва халқаро ҳужжатларда (масалан, 1977 йил 27 январдаги Европа Терроризмга қарши қураш конвенциясида) ҳам у келиб чиқиш сабаби, мақсадидан қатъий назар жиноят деб таснифланади.

Охирги вақтларда юз берган ҳодисалар: Тошкентдаги Истроил ва АҚШ элчихоналари олдида, Испаниядаги темир йўл транспортида содир этилган портлашлар, Чеченистон Республикаси Президентининг ўлдирилиши, Россия самолётларининг ҳавода портлатилиши, Беслан шаҳрида болаларнинг

қонхўрларча йўқ қилиниши, Америка, Ироқ, Исройл ва бошқа давлатлардаги оммавий террорчилик ҳаракатлари инсониятнинг келажак тараққиётини хавф остига қўйди. Глобаль экстремизм Ер юзининг барча жойларига ёйилиб бормоқда.

Терроризмнинг кенг географияси ва ранг-баранг хусусиятларига қарамай, унинг моҳияти битта – ўзи тўғрисида билдириш, жамиятни ларзага тушишга мажбур этиш, қўрқувга солиш, ҳукуматни террорчилар талабларини бажаришга ундашдан иборатdir. Террорчилар босқинчиларча ҳаракат қилсалар-да, ўзларини босқинчи, деб ҳисоблашмайди. Улар чиройли сиёсий «кийим»ларга ўраниб олишади, ўзларини буюк ғоялар курашчилари каби кўрсатишади, аммо бир вақтнинг ўзида бирор бир айби бўлмаган одамлар ҳаётини хавф остига қўйиш ҳуқуқига эга деб биладилар.

### **Террорчилар фаолиятининг хусусиятига кўра терроризм қуидагиларга бўлинади:**

- 1. Ички:** фуқароларнинг ўз худудида ўз давлатига қарши ҳаракатлари.
- 2. Трансмиллий:** фуқароларнинг бошқа давлатдан туриб ўз ватандошларига қарши ҳаракатлари.
- 3. Халқаро:** террорчилар халқаро, миллатлараро гурухларининг бошқа давлат ёки давлатларга қарши ҳаракатлари.

### **Террорчилик фаолияти сабаблари бўйича терроризм қуидаги мустақил турларга бўлинади:**

**1. Сиёсий терроризм:** тарафдорлари уни сиёсий кураш методларидан бири, деб ҳисоблашади. Ушбу методнинг моҳияти сиёсий душманларни бартараф этиш, ҳокимият тузилмаларини муайян ишни қилишга ёки қандайдир ишни қилмасликка мажбурлаш мақсадида амалда ўта зўравонлик чораларини қўриш ёки шундай қилиш билан таҳдид солишдан иборат.

**2. Мафкуравий терроризм:** туб ички ижтимоий-сиёсий можаролар негизида шаклланади ҳамда сўл ва ўнг терроризмда намоён бўлади (унинг субъектлари дунёни, мамлакатни ўз мафкуравий концепцияларига мувофиқ ижтимоий қайта қуришнинг турли вариантларини олға суришади).

**3. Миллатчилик терроризми:** этник белгиларга кўра амалга оширилади. Айрим миллатлар ва этносларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари чинакам ёки сохта бузилишига қарши курашдек номонанд шаклда бўлади. Лекин террорнинг бу тури, сиёсий мақсадларга - мавжуд конституциявий тузумни, мамлакатнинг давлат тузилишини, маъмурий-худудий тузилмаларни ва ш.к.ни зўравонлик билан ўзгартиришга ҳам йўналтирилган бўлади.

**4. Дунёқараш билан боғлиқ терроризм:** хукмон нормалар ва муносабатлар билан мутлақо келишмаслик сабабларига кўра амалга оширилади.

Бу турга диний терроризм киради. Диний фанатизм “кофирларни” ўлдирған киши жаннатта тушади, деган мутлақ эътиқодга асосланади.

### **5. Наркотерроризм.**

**Террорнинг намоён бўлиш шакли асосида терроризм қўйидагиларга бўлинади:**

- 1. Портловчи қурилмалардан террорчилик мақсадида фойдаланиш.**
- 2. Транспорт воситаларидан террорчилик ҳаракатларида фойдаланиш.**
- 3. Гаровга олиш.**
- 4. Телефон терроризми.** Ёвуз, ғаразли мақсадли кенг ёйилган “хазил”. Аҳоли ўртасида ваҳима уйғотиш, техноген авария ёки экологик ҳалокат содир бўлганлиги тўғрисидаги ёлғон хабарларни тарқатиш.

**5. Ядрорий терроризм.** Уни юзага келтирувчи шарт-шароит: ядро қуролига эга мамлакатларнинг кўплиги; ядро қуроли яратиш бўсағасида турган мамлакатлар мавжудлиги, тадқиқот реакторларининг мавжудлиги, хилма-хил ядрорий обьектлар борлиги.

**6. Кимёвий терроризм.** Кимёвий қуролларни, уларнинг элементлари ёки заҳарловчи моддаларни жамоат жойларида қўллаш, кимёвий қуроллар сақланадиган жойларда техноген ёки экологик ҳолатларни ташкил этиш билан таҳдид қилиш, аҳоли ўртасида ваҳима уйғотиш.

**7. Биологик терроризм.** Биологик воситалар – бактериялар, вируслар, риккетсиялар ва ҳ.к.дан фойдаланилади.

**8. Кибертерроризм.** Компьютер воситасида ишлов бериладиган ахборотга, компьютер тизимлари ёки тармоғига қасдан ҳужум қилиш, кишилар ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдириш, аҳолини чўчитиш, ҳарбий тўқнашувларни келтириб чиқариш мақсадида оғир оқибатларни юзага келтириш.

**9. “Руҳий терроризм”.** Руҳий шантаж йўли билан жамоатчиликка тазийқ ўтказиш ва б..

Терроризм намоён бўлишининг асосий шакллари тавсифи қисқача шулардан иборат. Лекин бундай таснифни кўпинча шартли, деб аташ мумкин, чунки амалда конкрет шакллар “соғ” ҳолда ҳам, “аралаш” ҳолда ҳам учрайди.

Терроризмнинг халқаро ва миллий миқёсда намоён бўлиши (халқаро ҳукуқий ҳужжатлар, хусусан, 1999 йил 4 июндаги терроризмга қарши кураш бўйича МДҲ иштирокчи-давлатлар ҳамкорлиги шартномасига мувофик) қўйидагиларда белгиланади:

жисмоний ёки юридик шахсларга нисбатан зўрлик ёки унинг қўлланилиш таҳдиди;

одамлар ўлими хавфини келтириб чиқарадиган мол-мулк ва бошқа моддий обьектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши);

одамлар ўлими хавфини келтириб чиқарадиган мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) билан қўрқитиш;

мол-мулкка жиддий зарар етказиш ёхуд ижтимоий хавфли жиноятларни амалга ошириш;

давлат ёки жамоат арбобининг давлат ёки бошқа сиёсий фаолиятини тўхтатиш ёхуд бундай фаолият учун ўч олиш мақсадида унинг ҳаётига таҳдид солиш;

халқаро ҳимоя остидаги хорижий давлат вакили ёки халқаро ташкилот ходимига ҳужум қилиш;

халқаро ҳимоя остидаги шахсларнинг хизмат хоналари ёхуд транспорт воситаларига ҳужум қилиш;

ядровий, кимёвий ёки бошқа юқори технологик ва экологик хавфли объектларни босиб олиш, ишдан чиқариш ва вайрон қилиш;

агар бу ҳаракатлар жамоат хавфсизлигига путур етказиш, аҳолини қўрқитиш, ҳокимият органларининг қарор қабул қилишига таъсир кўрсатиш, сиёсий, гаразли ёхуд бошқа ихтиёрий мақсадларга эришиш мақсадида амалга оширилган бўлса, шаҳар ва аҳоли манзилгоҳларнинг ҳаётий фаолият тизимларини босиб олиш, ишдан чиқариш ва вайрон қилиш;

худди шу мақсадларда юқорида қайд этилган жиноятларни амалга оширишга уриниш;

юқорида қайд этилган жиноятларни амалга ошираётган ёки амалга оширишга уринаётган шахсга ҳамкор ёки кўмакчи сифатида раҳбарлик қилиш, молиялаш ёки иштирок этиш.

Терроризм ижтимоий-хуқуқий жараён сифатида бир қатор асосларга, жумладан, ҳаракатлар кўлами, мақсад ва йўналғанлигига, оқибатларига (амалга оширилган ёки кутилаётган), одамларга қўлланилиш кўламига – оммавий, гурух, якка; моддий зарарига - ҳалокатли, ўта йирик, йирик; маънавий-руҳий зарарига – ваҳима юзага келтирган, аҳолини қўрқитган, ҳукumatга ишончсизлик уйғотган, қатнашчиларнинг сони ва уюшганлигига (секта ва яширин террорчилик ташкилотларини қўшган ҳолда) қўра таснифланиши мумкин. Қўлланилган қуроллари, усувлари ва молиявий воситаларига қўра ҳам таснифланиши мумкин: оммавий қирғин қуроллари – оддий автоматик ўқ отар қуроллари, яқин жанг қуроллари, ўлимга олиб келмайдиган қуроллар, маҳсус воситалар ва х.к. Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш усувларининг таснифини қўлланиладиган воситалар (портловчи модда, ўқ отар ёки совуқ қурол, оммавий қирғин қуроллари, биологик ви вирусларнинг янги турлари; ахборот, ахборот ташувчилар - шахсий компьютер вируслари, дастурли маҳсулотлар, дастурлар, алгоритм тиллари) таснифи билан тўлдириш лозим.

Террорчилик ҳаракатлари одатда, ўқ отар қуролларни қўллаш, ёнғин ва портлашларни келтириб чиқариш, одамларни гаровга олиш, кимёвий, радиоактив моддаларни, биологик ёки бактериологик воситаларни қўллаш, ишлаб чиқариш аварияларини келтириб чиқариш, транспорт воситаларини йўқ қилиб ташлаш ёки олиб қочиш, турли миш-мишларни тарқатиш ва бошқа йўллар билан амалга оширилиши мумкин.

Террорчилик ҳаракатлари юзага келишига сабаб жамият, давлат ва дунёдаги ижтимоий ва иқтисодий тенгсизлик, миллий-диний қарама-каршилик, одамлар моддий ахволининг ночорлашиб қолиши, ишсизлик, жиноятчиликка қарши олиб борилаётган курашнинг самарали ташкил этилмаганлиги бўлиши мумкин.

Агар авваллари террорчининг асосий қуроли бомба ёки пистолет бўлса, ҳозирги кунда у инсон томонидан кашф этилган ихтиёрий восита: ўқ отар ва совук қурол, портловчи ва заҳарловчи моддалар, биологик агентлар, радиоактив моддалар ва ядро зарядлари, оммавий ахборот воситалари ва ҳоказоларни қўллаши мумкин.

1998 йили АҚШда содир этилган қотиллик кибержиноятчиликка доир дастлабки мисоллардан бири ҳисобланади. АҚШ даги клиникалардан бирига Федерал Разведка Бюроси томонидан қўриқланаётган ўта муҳим гувоҳ жойлаштирилганди. Интернет тармоғи орқали клиниканинг маҳаллий тармоғига қатор муҳофаза тўсиқларини енгиб ўтган ҳолда рухсатсиз кира олган хакер-қотил беморнинг юрак фаолиятини таъминлаб турган қурилмани қайта созлаб қўйиши оқибатида бемор ҳаётдан кўз юмган.

2017 йилнинг сентябрь – октябрь ойларида Россия Федерациисининг Москва шаҳри ва вилояти, Ростов – Дон, Краснодар ўлкалари ва бошқа ҳудудларида 850 дан ортиқ террор ҳақида ёлғон хабарлар тарқатилган ва бунда 1 миллиондан ортиқ фуқаролар эвакуация қилинган.

Замонавий терроризмнинг мақсади – давлат сиёсати ва давлат қурилишини зўрлик йўли билан ўзgartириш, шунингдек ўз халқи ва дунё ҳамжамияти кўз ўнгida бекарорлаштириш; давлатнинг жиноятчиликка қарши курашдаги уринишларини бекарорлаштириш ва бузиш, ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал этиш, дунё ҳамжамиятига интеграция қилиниш қурдатига эга демократик сиёсий тузумни яратиш ва мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинаётган қарорларни бекарорлаштириш ва бузиш; шахсга, жамиятга, давлатга тўғри келмайдиган сиёсий, иқтисодий ва маънавий зарар келтиришдан иборатdir.

## **4.2. Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш усуллари ва воситалари**

Ўз мақсадларини амалга ошириш учун террорчилар қўллаётган усуллар кундан кунга кўпайиб бормоқда. Анъанавий бўлиб қолган қотиллик, портлатиш, гаровга олиш каби усуллардан ташқари кимёвий ва биологик моддалардан ҳам фойдаланилмоқда. Агар авваллари босқинчиларнинг асосий қуроллари граната ва пистолет бўлган бўлса, эндиликда эса, маълумки, улар инсоният томонидан кашф этилган барча воситаларни қўллашлари мумкин бўлиб қолди: ихтиёрий совуқ ва ўт отар қурол, портловчи ва заҳарловчи моддалар, биологик агентлар, радиоактив моддалар, электромагнит импульслари тарқатувчилар, кенг тарқалган алоқа воситалари (почта, телефон, компьютер) ва х.к.

### **Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган воситалар**

Совуқ қурол лар	Ўқ отар қурол лар	Порт ловчи модда лар	Захар ловчи модда лар	Био логик агент лар	Радио актив модда лар	Ядро заряд лари	Электро магнит импульси тарқатув чилар	Транс порт восита лари
-----------------	-------------------	----------------------	-----------------------	---------------------	-----------------------	-----------------	--	------------------------

Экспертлар фикрига кўра, ҳозирги кунда террорчилар учун ҳатто радиоактив изотоплар, кимёвий ва биологик қуролларнинг таркибий қисмлари, парчаланувчи материаллар, жумладан, юқори бойитилган уран ва плутонийдан ҳам осонгина фойдаланишлари мумкин. Бу ҳолат компьютер тармоқларини «буза олиш» эҳтимоллиги, чегараларнинг «шаффофлиги», экспорт назоратининг бўшлиги, янги ишлаб чиқилган қуролланиш турлари тўғрисидаги маълумотларнинг ошкоралиги, жиноятчиликнинг интернационаллашуви кучайиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Терроризм кўркитишнинг янги ва янги, янада қаҳрлироқ усулларини қидириб топмоқда. Террорчилар принципиал чегарадан ўтиб кетиши – оммавий қирғин воситаларини қўллай бошлишди (Япония метросида). Хорижий эксперталар баҳосига кўра, террорчилар бундан аввал ҳам бир неча бор оммавий қирғин қуролларига эга чиқиш йўлларини қидириб кўришган, уларга эга чиқмоқчи ёки ишлаб чиқармоқчи бўлишган, ядро муассасалари ёки обьектларига киришга, кучли таъсир қилувчи заҳарли моддаларни қўллашга, ишлаб турган ёки қурилаётган атом қурилмалари ва АЭСларга қарши қўпорувчилик ишларини амалга оширишга уриниб кўришганди.

Терроризмнинг юқори токсик кимёвий заҳарловчи моддаларни ва биологик бирикмаларни қўллайдиган нисбатан янги тури хавотир уйғотади. Қатор мамлакатларда ёвуз ниятли террорчилар Эбола вирусига ўхшаш биологик рецепталар ва айрим этник гуруҳ ва ирқларга таъсир кўрсата оловчи

микроорганизмларнинг патоген турларини яратиш йўлида ишлар олиб бориши мөқда. Бунинг устига террорчилар ва уларнинг раҳнамолари кимёвий ва биологик қуроллар тўғрисидаги маълумотларни Интернет тармоғи орқали айирбошлишлари ҳам мумкин.

Террорчилар гурухларини тайёрлаш дастурларидан зарин типидаги заҳарли моддалар ва газлар билан ишлаш бўлимлари мавжуд. Ушбу гурух аъзолари сув ҳавзаларини заарлаш учун очиқ савдода мавжуд бўлган кимёвий препаратлар асосида кучли таъсир этувчи заҳарловчи моддаларни тайёрлаш усуллари ўргатилади.

Канада стратегик таҳлил маркази содир этилган 200 та кимёвий-биологик террорчилик ҳаракатларини ўрганиб чиқиб, жиноятчилар томонидан энг кўп қўлланиладиган, кенг тарқалган ва олиш осон бўлган кимёвий ва биологик агентлар куйидагилар деган хulosага келди:

заҳарли гербицид ва заҳарли инсектицидлар;

кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар: хлор, фосген, синил кислотаси;

заҳарловчи моддалар: зарин, зоман, иприт, люизит;

психоген ва гиёхванд моддалар;

Сибирь яраси, табиий чечак, туляремия каби хавфли инфекциялар қўзғатувчилар;

табиий заҳар ва токсинлар: стрихнин, рицин, бутулотоксин, нейтронотоксинлар.

Хозирги кунда юқори токсик кимёвий моддалар ва ўта хавфли биологик агентларни олиш террорчи учун ҳал этиб бўлмайдиган масалалар қаторига кирмайди. Бу моддаларни қўллаган ҳолда террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун самарали ва ишончли қурилмаларни яратиш қийинроқдир. Бундай қуролнинг таъсир обьекти метрополитенлар, аэропортлар ва темир йўл вокзаллари, идоралар, магазинлар ва супермаркетлар, ёпиқ спорт ва концерт заллари, қўргазма павильонлари, шунингдек катта шаҳарларни сув билан таъминлаш тизими, озиқ-овқат маҳсулотлари партиялари бўлиши мумкин.

Тез таъсир қилувчи фосфорорганик заҳарловчи моддалар айниқса катта хавф туғдиради. Бундай моддаларни одамлар кўп тўпланадиган шамоллатиши тизими бўлган ёпиқ жойларда террорчилик мақсадларида қўлланилиши курбонлар сонининг жуда катта бўлишига олиб келади.

Террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун энг кўп тарқалган воситалар одамлар ўлимига олиб келувчи ёки анчагина катта моддий заар келтирадиган портлатиши қурилмалари, шунингдек алоқанинг турли каналлари (почта, кўпроқ телефон) хисобланади. Улар орқали жиноятчилар зўравонлик ёки жисмоний ўч олиш таҳдидларини юборадилар. Портловчи қурилмаларни қўллаш

билин боғлиқ хавфли ҳаракатлар аҳолига салбий маънавий-рухий таъсир кўрсатади, одамларда ўз ҳаётлари учун асосланган қўркув уйғотади, аҳоли манзилгоҳлари, туманлар ва бутун бошли мамлакатларда шароитни бекарорлаштириши мумкин.

#### **4.3. Терроризмга қарши кураш**

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ республикамизда терроризмга қарши кураш қонунийлик, шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, терроризмнинг олдини олиш чоралари устуворлиги, жазонинг муқаррарлиги, терроризмга қарши кураш ошкора ва ноошкора чоралари уйғунлиги, жалб этиладиган кучлар ва воситалар томонидан террорчиликка қарши ўтказиладиган операцияга раҳбарлик қилишда яккабошчилик тамойиллари асосида олиб борилади.

Кўплаб мамлакатларнинг мутахассислари терроризм билан кураш мураккаб характерга эга бўлиб, давлат ва жамиятдан максимум куч талаб этади. Унга барча: ҳокимят органлари ҳам, қуролли кучлар ҳам, аҳоли ҳам ташкилий тадбирларнинг, техника ва бошқа воситаларнинг барча арсеналидан фойдаланган ҳолда тайёргарлик кўриши лозим. Эҳтимолий террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида терроризмга қарши курашда Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари иштирок этади.

Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

#### **Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари:**

террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш йўли билан терроризмга, шу жумладан халқаро терроризмга қарши курашни амалга оширади;

террорчилар, террорчилик гурухлари ва террорчилик ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ҳамда таҳлил қиласи, улардан келиб чиқаётган таҳдиднинг миллий хавфсизликка қай даражада хавфли эканлигини баҳолайди, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга зарур ахборотлар тақдим этади;

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва категорияланган объектларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган давлат муассасаларини, ушбу муассасаларнинг ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган даврда чет эл давлатлари, ҳукуматлари бошлиқлари ва халқаро ташкилотлар раҳбарларининг хавфсизлигини ва кўриқланишини таъминлайди;

халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида чет эл давлатларининг ва халқаро ташкилотларнинг тегишли органлари билан ҳамкорлик қиласди;

террорчиликка қарши курашувчи қўшинлар, бўлинмалар ва муассасаларнинг террорчилик групкалари ва ташкилотларини аниқлаш, заарсизлантириш ва йўқ қилиш ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

террорчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришидан Давлат чегарасининг қўриқланиши ва ҳимоя қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив, биологик, шунингдек кимёвий ёки бошқа заҳарловчи моддаларнинг, террорчилик ҳаракатини содир этиш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин бўлган предмет ёки материалларнинг ноқонуний олиб ўтилишини аниқлаш ва унга чек қўйиш чораларини кўради;

чегара олди минтақасида ва чегара олди зонасида террорчиларни заарсизлантиради, қаршилик кўрсатилган тақдирда йўқ қилиш чораларини кўради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари:**

террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ҳамда унинг оқибатларини минималлаштириш йўли билан терроризмга қарши курашни амалга оширади;

алоҳида муҳим, категорияланган ва бошқа объектларнинг қўриқланишини ва хавфсизлигини таъминлайди;

давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли органларига террорчилик фаолиятига алоқадор шахслар, групкалар ва ташкилотлар тўғрисида ахборот тақдим этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида гиёхвандлик воситалари, психотроп ва портловчи моддалар, портлатиши қурилмалари, курол-яроғлар, куроллар ва ўқ-дорилар, ядрорий, биологик, кимёвий ёки бошқа турдаги ялпи қирғин қуроллари, террорчилик ҳаракатларида ишлатилиши мумкин бўлган материаллар ва асбоб-ускуналарни ноқонуний олиб ўтишга уринишларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари:**

Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғи хавфсизлигини, мамлакат маъмурий, саноат-иктисодий марказлари ва ҳудудлари, муҳим ҳарбий ва бошқа обьектларнинг ҳаводан бериладиган зарбадан ҳимоя қилиниши ва қўриқланишини таъминлайди;

ўз тасарруфидаги ҳарбий обьектларнинг қўриқланиши ва мудофаа қилинишини амалга оширади;

террорчиликка қарши операцияларда иштирок этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари:**

фавқулодда вазиятлардан аҳолини ҳимоя қилиш, террорчилар ҳаракат қилаётган зонада жойлашган алоҳида муҳим, категорияланган ва бошқа обьектлар барқарор ишлашини, шунингдек террорчилик ҳаракатлари оқибатларини тугатиш юзасидан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда тадбирлар ўтказади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига қўмаклашадилар ва зарур ёрдам берадилар.

Ҳозирги кунда терроризмга қарши кураш унинг аниқ бир шакл ва тарихий хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда комплекс ҳолда, бир неча йўналиш бўйича олиб борилиши лозим:

1. Терроризмга қарши курашиш бевосита вазифаси ҳисобланган маҳсус структуралар фаолиятини такомиллаштириш йўли билан. Ҳозирги шароитда

террорчилик ҳаракатларининг олдини ола олувчи разведка тадбирларининг ўрни кескин ошиб бормоқда.

2. Жанговар операцияларни ўтказиш йўли билан. Халқаро хуқуқ террорчилик ҳаракатларининг ижроиси шубҳа туғдирмаган вақтда террорчиларга қарши жавоб ҳаракатларини амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблайди.

3. Террорчилик фаолиятига чек қўйишига қаратилган музокара жараёнларидан фойдаланиш, ўткир ижтимоий дастурларни секин-аста ҳал этиш ва мамлакатда ёки регионда мустаҳкам тинчликни ўрнатиш билан.

Халқаро тажриба музокаралар ютуққа эришиши мумкин эканлигини кўрсатди.

4. Халқаро терроризмнинг глобал таҳдидга айланиши муносабати билан дунё мамлакатларининг терроризмга қарши курашиш ва унга қарши туриш учун уринишларини мувофиқлаштириш зарур.

Терроризмга қарши курашнинг муҳим шарти қатъиятлилик, келиша олмаслик ва жавоб реакцияларининг қаттиқлиги, яхши ўқитилган, машқ қилдирилган, техник томондан жиҳозланган ва кийим-бош билан таъминланган маҳсус бўлинмалар ҳисобланади.

### **Террорчилик ҳаракатларида иштирок этганлик учун жазо**

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида террорчилик фаолияти билан боғлиқ жазо чоралари кўзда тутилган:

#### **155-модда. Терроризм**

Халқаро муносабатларни чигаллаштириш, уруш чиқариш учун иғво қилиш ёки Ўзбекистон Республикасидаги вазиятни бекарорлаштириш мақсадида давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсни бирон ҳаракат содир этишига ёки бирон ҳаракат содир этишдан ўзини тийишига мажбур қлишга қаратилган ҳаракатлар, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш, мол-мулкни босиб олиш ёки қўлда тутиб туриш ёки шахсни гаров сифатида ушлаб туриш билан қўрқитиб, халқаро ҳимоя остида бўлган чет эл давлатлари ваколатхоналарининг ёки халқаро ташкилотларнинг хизмат биноларига, уларга қарашли ёки улар ижарага олган уй-жой биноларига ҳужум қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса мол-мулк мусодара қилиниб, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вазиятни бекарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига

сиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса мол-мулк мусодара қилиниб, ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади.

### **157-модда. Давлатга хоинлик қилиш**

Давлатга хоинлик қилиш, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, худудий дахлизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти ёки иқтисодиётига зарар етказган ҳолда қасдан содир этган қилмиши: душман томонига ўтиш; жосуслик; давлат сирларини чет эл давлатига етказиш; Ўзбекистон Республикаси қарши душманлик фаолияти олиб боришда чет эл давлатига ёрдам кўрсатиш мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади.

Чет эл давлат ёки ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикаси қарши қаратилган давлатга зарар етказувчи фаолиятни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш учун жалб қилинган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ўзининг бунлдай ҳамкорлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда арз қиласа, унинг фаолияти эса республика манбаатларига зарар етказмаган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, ўз қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилиб, жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва бунинг натижасида давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

### **158-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилиш мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси президенти баданига қасдан шикаст етказиш мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси президентини омма олдида ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилиш, гунингдек, матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилиш уч йилгача ахлоқ

тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **161-модда. Қўпорувчилик**

Қўпорувчилик, яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадида одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулккка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **216<sup>1</sup>-модда. Фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш**

Фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **244-модда. Оммавий тартибсизликлар**

Қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш орқали содир этилган оммавий тартибсизликлар ташкил қилиш, шунингдек, оммавий тартибсизликдарда фаол қатнашиш мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **245-модда. Шахсни гаров сифатида тутқинликка олиш**

Гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш шарти билан давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсдан бирон-бир ҳаракат содир этиш ёки бирон-бир ҳаракат содир этишдан ўзини тийиб туришни талаб қилиш мақсадида шахсни гаров тариқасида тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш, ушбу Кодекснинг 155, 165-моддаларида назарда тутилган аломатлар бўлмаса мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) вояга етмаган шахсга нисбатан;
- б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

в) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **267-модда. Транспорт воситасини олиб қочиш**

Транспорт воситасини олиб қочиш уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) тақроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) ўюшган гурух томонидан;

в) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **4.4. Терроризм билан боғлиқ экстремал ва фавқулодда вазиятларда ахолининг ҳаракати**

Терроризм муаммоси билан тўқнаш келган халқлар, хусусан инглизлар шундай дейишади: “Биз ушбу ҳол юз бериши мумкинлигини биламиз, бунга ҳар дақиқада тайёрмиз. Шунчалик тайёрмизки, бу ҳақда ўйламай ҳам қўйдик. Бундай ҳол исталган дақиқада юз бериши мумкинлиги тўғрисидаги билимлар ҳаёт кечиришимизга ҳалақит бермаслиги лозим. Аксинча саросимага тушишимизга йўл қўйилмаслиги зарур”.

Агар бундан бир неча йиллар муқаддам террорчилар томонидан портлатилган уй-жой бинолари, метрода улар томонидан қўлланилган заҳарловчи моддалар, гаровга олинганлар ва ҳ.к. тўғрисида фақат киноларда кўрган ёки оммавий ахборот воситаларида ўқиган бўлсак, кейинроқ бундай ҳодисалар билан бир неча бор Ўзбекистонда ҳам тўқнаш келдик.

Ҳаётимизда учраши мумкин бўлган барча ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш тўғрисида юз фоиз тавсия беришнинг иложи йўқ. Чунки юз бериши мумкин бўлган вазиятнинг бири иккинчисига ўхшамайди. Аммо, умумий тавсиялар вазиятдан чиқиб кетишда асқотиб қолиши мумкин.

### **Ахолини терроризмдан муҳофаза қилиш тадбирлари қўйидагича бўлиши мумкин:**

1. Корхона, ташкилот ва муассасаларда қўриқлаш режимини ташкил этиш ва қатъийлаштириш (жумладан, аудио-, видеоқузатув ва сигнализация воситаларини ўрнатиш йўли билан).

2. Корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларининг хушёrlиги ва эҳтиёткорлигини ошириш. Қўриқлаш ва хавфсизлик бўлинмаларига иш

тажрибасига эга бўлган шахсларни ишга олиш керак. Объект ҳудуди ва хоналарни шубҳали буюмни топиш мақсадида айланиб, текшириб чиқиши қўриқлаш ва хавфсизлик хизматларининг функционал вазифалари қаторига киритилиши керак. Қўриқлаш ва хавфсизлик хизмати ходимлари кичик ҳажмдаги асбоб-анжомлар билан таъминланиши лозим. Ташкилотлар ходимлари терроризм намоён бўлиши билан боғлиқ шароитларда хуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликдаги ҳаракатларни ташкил эта билишлари учун улар тайёргарликдан ўтишлари керак. Ташкилот, корхона ва муассасаларга келувчилар ва ходимларни эвакуация қилиш режаси ишлаб чиқилиши зарур.

Олиб келинаётган буюм, товарлар, асбоб-ускуналар сони, ташқи қўриниши ва бошқа белгиларига қараб синчиклаб текширилиши лозим. Ижарага топширилаётган хоналар (ҳудудлар) ҳолатини текшириш бўйича маъмуриятнинг функцияларни аниқлаб олиш зарур. Автомобиллар тўхтаб туриш жойи одамлар тўпланадиган жойдан камида 100 м нарида бўлиши лозим. Объект ҳудудида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши керак. Хизмат хоналари, зинапоялар, ҳудуд ортиқча буюмлардан ҳоли бўлиши лозим.

Шубҳали буюм топиб олинганда ёки террорчилик ҳаракати таҳдидининг белгилари пайдо бўлганда хабар берилиши лозим бўлган хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг телефон рақамларини барча ходимлар билиши зарур.

Объект ходимларига нотаниш одамлардан сақлаб туриш учун қандайдир бир буюм ёки предметни олишлари тақиқлаб қўйилиши керак.

3. Аҳоли террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин бўлган буюмларнинг белгилари тўғрисидаги ахборотлар етказилиши зарур. Шубҳали буюм сумка, тугунча, пакет, яшик, портфель қўринишида бўлиши ва одамлар кўп тўпланиши эҳтимол бўлган жойда, портлаш ва ёнғиндан хавфли жойларда, турли коммуникация тармоқлари ёнида эгасиз ётиши мумкин.

Ўзининг ташқи қўринишига қўра у портловчи қурилма (граната, мина, снаряд муляжи)га ўхшashi, ундан симлар, арқонлар чиқиб турган бўлиши; изоляция тасмаси, скотч билан ўралган бўлиши; соат механизми чиқиллаб туриши, механик ғинғиллаш ва бошқа овозлар чиқиши; ундан бодом ёки бошқа бирор нотаниш ҳид келиши мумкин.

Хавотирланиш учун қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

объект ҳудудида ёки унинг яқинида шубҳали шахсларнинг юриши;  
шахсан, телефон ёки почта жўнатмалари орқали таҳдидлар.

### **Шубҳали буюм топиб олинганда**

Зудлик билан топилган шубҳали буюм тўғрисида Ички ишлар вазирлиги (тел. 102), Миллий ҳавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг навбатчилик хизматлари (тел. 1050), ҳокимликнинг тезкор навбатчисига хабар

қилинг. Шубҳали буюм топилган вақт ва жойни қайд қилиб қўйинг. Хавфли зонани камида юз метрлик радиусда одамлардан бўшатинг. Имкони борича, шубҳали буюмни ва хавфли зонани қўриқлашни таъминланг.

Ваҳимага йўл қўйманг. Одамларни хавфли зонага ёндош худудлардан уюшган ҳолда эвакуация қилинишларини таъминланг ёки таъминлашишга кўмаклашинг.

Шубҳали буюмга яқинлашманг, уни қўл билан ушламанг ва бошқаларнинг ҳам маълум масофада яқинлашишларига йўл қўйманг.

Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг етиб келишини кутинг. Шубҳали буюм турган жойни қўрсатинг. Бундан сўнг мутасадди органлар кўрсатмасига мувофиқ ҳаракат қилинг.

### **Портловчи қурилма портлаган вақтда зарб тўлқини (ЗТ)ни ҳисобга олган ҳолда хавфли ва хавфсиз масофалар**

Портловчи қурилма номи	Зарб тўлқини таъсирига кўра ўлим кўрсаткичи, м	Зарб тўлқини таъсиридан хавфсиз масофа, м	Зарб тўлқини таъсирида ойналарнинг синиши, м	Максимал хавфсиз масофа (шиша парчалари таъсирини ҳисобга олганда), м
Граната РГД-5	1	7	35	35
Граната Ф-1	1	6	30	200
Тротил шашка (200 г, ТП-200)	1.5	9	45	45
Тротил шашка (400 г, ТП-400)	2	11	55	55
Пиво банкаси, 0,33 л.	2	12	60	60
МОН-52 минаси	2	14	70	85
Жомадон (кейс)	7	50	230	230
Йўл жомадони	10	66	350	350
“Жигули” русумли автомобиль	13	87	457	457
“Волга” русумли автомобиль	16	110	575	575
Микроавтобус	26	175	912	912
Юк машинаси (фургон)	35	240	1240	1240
Юк машинаси (трейлер)	50	342	1785	1785

Радио алоқа воситалари, уяли телефон ва радиопортлатгичнинг ишлаб кетишига олиб келувчи бошқа воситалардан фойдаланманг.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларнинг келишларини кутинг. Уларга шубҳали буюм топилған жойни кўрсатинг.

### **Ходимлари гаровга олинган объект раҳбарининг ҳаракати**

Ташкилот ходимлари бу каби ҳолларда ҳаракат қилишга ўргатилган бўлиши керак. Булар ҳаммаси қандайдир маънода ташкилот жойлашган худудда ходимларнинг гаровга олиниш эҳтимоллигини камайтиради.

Содир бўлган ҳодиса тўғрисида зудлик билан мутасадди органларга ва юқори орган раҳбарига хабар бериш керак.

Гаровга олинмай қолган ходимларни бинодан зудлик билан олиб чиқиш лозим. Террорчиларнинг қайси жойдалигини аниқлаш керак. Бегоналарнинг бинога киришларига йўл қўймаслик мақсадида бинони кузатиш ишларини ташкл этиш зарур.

Ўз ташаббусига кўра террорчилар билан музокара олиб бориш мумкин эмас. Зарурият талаб этса, террорчиларнинг талабларини, агар бу одамлар соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаса, бажариш керак. Террорчиларга қарши бориш, атрофдагиларнинг ва ўзининг ҳаётини хавф остига қўймаслик лозим. Террорчилар томонидан ўқ отар қуролларни қўлланишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларга йўл қўймаслик даркор.

Ҳодиса содир бўлган жойга тегишли кучларнинг тўсиқсиз кириб келишларини таъминлаш зарур. Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги маҳсус бўлинмаларининг жангчилари етиб келиши билан улар командирларининг саволларига батафсил жавоб бериш ва улар ишини таъминлаш керак.

Ташкилотлар ходимларининг террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш ва таҳдид туғилған шароитларда ҳаракат қилиш бўйича билим ва малакаларини таъминлаш учун ташкилот фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу ташкилотлар раҳбарлари томонидан Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги органлари билан ҳамкорликда йўриқномалар ишлаб чиқилади ва ташкилот фуқаро муҳофазаси режасига киритилади.

### **Гаровга тушиб қолдингиз...**

Гаровга ушлаб турилған шахс – қўлга олинган ёки ушлаб турилған шахсни озод этиш шартлари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, халқаро ташкилотларни, шунингдек айрим шахсларни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки бундай ҳаракат содир этишдан тийилишга мажбур қилиш

мақсадида террорчилар томонидан қўлга олинган ёки ушлаб турилган жисмоний шахс.

Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида одамларни гаровга олиш, шунингдек пул ундириш ёки айирбошлиш мақсадида ўғирлаш жиноятнинг кент тарқалган туридан бирига айланди. Бундан ташқари тасодифан, масалан, магазин, банк, хонадон, дала ҳовлига ўғри тушиши ёки одамларнинг террорчилар томонидан қўлга олиниши оқибатида гаровга тушиб қолиш мумкин.

Ҳар бир инсон тақдир тақозосига кўра террорчилар ёки босқинчилар қўлига гаровга тушиб қолиши мумкин. Бунда унинг ҳаёти сиёсий ёки ғаразли савдо предметига айланиб қолади.

Гаровга олинган шахс – жиноятчилар ҳукми остида бўлган шахс. Бу у тушиб қолган шароитидан чиқиб кетиши имкониятидан умуман маҳрум дегани эмас. Аксинча, унга кўп нарса боғлиқ. Гаровга олинган шахснинг тўғри ҳаракатларни танлаб олиши тегишли билимларни талаб этади. Террорчилик ҳаракатлари ва биноларни эгаллаб олишнинг потенциал қурбонлари шундай билимларга эга бўлишлари шарт.

Жиноятчилар қўлидан мустақил чиқиб кетишининг реал ва кўпчилик ҳолларда ягона эҳтимоли гаровга олишнинг бошланғич босқичида, хужум қилиш вақтида бўлади. Агар мабодо озод бўлишга уринишнинг муваққиятсизлиги аниқ бўлса, яххиси бундан воз кечиш ва юзага келган шароитдан келиб чиқиб ҳаракат қилиш керак.

Гаровга олиниш вақтидан бошлаб ҳаракатларни назорат остида ушлаб туриш ва озод бўлишга кўмак бериши мумкин бўлган барча ҳолатларни қайд қилиб бориш лозим. Гаровга олиниш жойидан транспортировка қилиш деталларини, ҳаракатланиш вақти ва тезлигини, кўтарилиш ва тушишларни, кескин бурилишларни, светофор олдида тўхташларни, темир йўл переездларини, ўзига хос товушларни эслаб қолишга ҳаракат қилиш керак. Имкон қадар барча маълумотларни имо-ишора билан ёки ёзма шаклда жиноятчилар билан музокара олиб бораётган шахсга беришга ҳаракат қилиш лозим. Агар бундай имконият туғилмаса, қандай бўлганда ҳам сизни ушлаб туришган жой ҳақидаги энг аҳамиятсиз бўлиб туюлган ахборот ҳам сизни озод қилиш учун, жиноятчиларини ушлаш ва фош этиш учун фойда бериб қолиши мумкин. Тутқинликда бўлган вақтда кўрилган ва эшитилган барча нарсаларни – дераза, эшиқ, зинапояларнинг жойлашган ўрни, девор қоғозлари ранги, ўзига хос ҳидларни, ҳатто жиноятчиларнинг овози, ташқи кўриниши ва манералари тўғрисидаги барча маълумотларни эслаб қолиш керак. Шунингдек, уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш, сухбатларини диққат билан тинглаш, улар орасида ролларнинг қай

тарзда тақсимланганлигини тушуниб олиш керак. Қисқаси, фикран улардан ҳар бирининг аниқ руҳий суратини яратиш лозим.

Ўғирланган одамлар тўхташ жойларида шартли белгилар қолдирган, ташқарига ёзма белгиларни ташлаган, у ёки бу усулда ўзининг тутқунликда сақланиш жойини аниqlаган ҳоллар маълум. Бироқ, бундай ишларни эҳтиёткорлик билан билан амалга ошириш керак. Зеро, бу ишларни жиноятчилар билиб қолишиша, аяб ўтирмасликлари муқаррар.

Гаровга олингандан сўнг одам руҳий қотиб қолиши (шок) ҳолатига тушиб қолади. Бу ҳолат хотиржамлик фазасидан стресс фазасига ўтиш билан изоҳланади. Одамлар бундай вазиятларда ўзларини турлича тутишади. Айримлар қўрқувдан ўзларини йўқотиб қўйишиади, айримлари эса босқинчиларга қарши боришга ҳаракат қилишиади. Бундай вазиятда етти ўлчаб бир кесган ҳолда иш тутиш гаровга олингандарнинг ҳаётини сақлаб қолиши гаровидир.

Энг аввало, ваҳимага берилмасликка ҳаракат қилинг. Албатта, ушбу дақиқаларда бу осон иш эмас. Аммо қўрқувингизни енгиб олиш учун асос етарли. Сабаби, сиз террорчига тирик ҳолда кераксиз. Зеро, сизнинг ҳаёtingиз террорчига музокара олиб бориш учун зарур. Шундай экан, ҳаёtingизни сақлаб қолиши имконияти ҳам мавжуд.

Террорчилар дастлабки дақиқаларда кучли ҳаяжон ва зўриқиши ҳолатида бўлишиади. Улар ўз мақсадларига етишиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Шу сабабли ҳам уларнинг ҳаракатлари қўпол, тажовузкорона руҳда бўлади. Сизнинг ваҳима ичра қилган ҳаракатларингизни бўйсинмаслик деб тушунмасликлари учун барча буйруқ ва кўрсатмаларга итоат қилишингизга тўғри келади. Бу ҳол сизнинг ҳаётий тамойилларингизга, дунёқарашингизга тамомила зид бўлиши ҳам мумкин. Аммо, ҳаёtingизни асраб қолиши учун, яхшиси, бироз муддат улардан воз кечиб турганингиз маъқулроқ эмасми?

Иложи борича хотиржам овозда гаплашинг. Бўлар-бўлмасга сизни гаровга олганлар билан мулоқотга киришишга интилманг. Жиноятчиларнинг белгиларини, юз тузилишини, кийими, исми, лақаби, чандиқлари, баданидаги ёзувлар, нутқи, ўзини тутиши, сўзлашув мавзуси ва бошқаларни эслаб қолишига ҳаракат қилиш керак. Бу маълумотлар кейинчалик босқинчиларнинг шахсини аниқлашда маҳсус хизмат вакилларига қўл келиб қолиши мумкин.

Сиз қанча вақт давомида тутқунликда бўлишингизни билмайсиз. Ҳар ҳолда узоқ муддатга руҳан тайёр туринг. Егулик у ёқда турсин, чанқоғингизни қондириш учун ичимлик ҳам бермасликлари мумкин. Демак, кучингизни тежашга ҳаракат қилишингиз зарур. Ортиқча ҳаракат қилманг. Тилингиз остига ташлаб олган кичкина тош бўлаги ёки мато парчаси чанқоғингизни қондириш

хиссини үйғотиши мумкин. Сизга қандай егулик тақлиф этишмасин, уни рад этманг, ўзингизни мажбур қилиб бўлса-да, уни истеъмол қилинг.

Террорчи тубанликка бориб, сизга ҳатто ҳожатга чиқиш учун ҳам рухсат бермаслиги мумкин. Уятни йигишириб қўйишингизга, бирор муддат шундоққина одамлар кўз ўнгидага ҳожатга чиқишига тўғри келиб қолар. Аммо, келинг, мақсадимиз тирик қолишлиқ эканлигини эсдан чиқармайлик-да, буйруқни бажарайлик.

Жароҳатланган бўлсангиз, камроқ ҳаракат қилиш керак. Шунда кўп қон кетишининг олди олинади.

Руҳий барқарорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилинг. Диққатингизни бошқа нарсаларга жалб қилишига уриниб кўринг. Масалан, ўзингиздан заифроқ кўринганларга ғамхўрлик қилинг, уларни тинчлантириш учун бирор қизикроқ воқеани сўзлаб беринг, аввал мутоала қилган китобларингизни эсланг, ёд олган шеърларингизни хотирангизда тикланг, математик тенгламаларни ечинг, яхши кунларингизни хотирланг ва ҳ.к. Жуда бўлмаганда 1 дан 100 гача ёки 100 дан 1 гача сананг. Энг муҳими, “пешонамда борини кўраман”, деган фикрдан йирокроқ бўлинг.

Ишончингиз комил бўлсинки, сизнинг гаровга олинганлигинги тўғрисидаги хабарни олибоқ, ваколатли органлар ҳаракатни бошлашган. Ва, улар албатта, сизни озод қилиш учун бор куч-маҳоратларини ишга солишади.

### **Гаровдан озод қилингандан сўнг**

Илиқ душ қабул қилинг. Буни кун давомида бир неча марта амалга оширишингиз мумкин, сув нафақат танангизни тозалайди, балки хавотиришингизни босиб, хотиржамлик баҳш этади. Кўчага, одамлар олдига чиқинг. Қуёш нури, тоза ҳаво, эсаётган шаббода руҳингизни кўтаради.

Руҳий ҳолати сизнидан ҳам пастроқ бўлиши мумкин бўлган одамларни қидириб топинг. Уларга қўмаклаша туриб, ўзингиз ҳам мадад оласиз.

Чуқур нафас олинг ва йўтал билан нафас чиқаринг (бир неча бор). Томир уришингиз жойига тушади ва ваҳима ҳисси ортга чекинади. Оёқда тик туринг, оёқларингиз учида бир неча бор юқори кўтарилинг ва бошланғич ҳолатга қайting; мушакларингиз кучга тўлиб, қўл ва оёқларингиз исийди, ўзингизни бардам сезасиз. Панжаларингизни айлана шакли бўйлаб айлантиринг. Панжаларингиз фаоллиги сизни бўшаштириб, ўзингизни босиб олишингизда ёрдам беради.

Кисқа вақт ичида экстремал вазиятга тушиб қолган инсонда ҳаёти учун реал ҳавф билан тўқнашув содир бўлади (одатий кунда инсон руҳияти ўлимни узоқ бир нарса ёки ҳатто амалга ошиб бўлмайдиган рўё каби тасаввур қилдириб муҳофазани юзага келтиради). Дунёқараш ўзгаради, ҳақиқий ҳаёт турли

тасодифларга тўла бўлиб туюлади. Инсон ўз ҳаётини иккига – воқеага қадар ва ундан сўнгги қисмларига бўла бошлайди. Инсонга гўёки атрофдагилар унинг хиссиётлари ва қайғуларини тушунмаётгандек бўлиб туюлади.

Ёдда тулинг! Гарчи инсон жисмоний томондан зўрланмаган бўлса ҳам, у барибир кучли руҳий жароҳат олган бўлади.

Жабрланувчига, содир бўлган ҳодиса билан боғлиқ хиссиётларини намоён қилишига ёрдам беринг (агар у сухбатдан бош тортса, содир бўлган воқеани, ўз хиссиётларини кундалик дафтарида ёки ҳикоя тарзида баён этиб беришини таклиф қилинг).

Жабрланувчига, ҳатто энг даҳшатли ҳодисадан ҳам кейинги ҳаёт учун фойдали бўлган хulosаларни чиқариб олиш мумкин эканлигини кўрсатиб беринг (у яхиси ҳаётий синовлар давомида орттирган тажрибаси устида ўзи фикр юритиб кўрсин). Жабрланувчига фожиали вазиятларни бошидан кечирган одамлар билан мулоқотда бўлиши учун имкон яратиб беринг (ҳодиса иштирокчиларининг телефон рақамларини айирбошлиш йўли билан). Жабрланувчига «қурбон» ролини ўйнашга, яъни фожиали ҳодисадан фойда олиш мақсадида фойдаланишига йўл қўйманг («Мен ҳеч нима қилолмайман, ахир мен шунча нарсани бошимдан кечирдим»). Ҳеч қачон унга тазийқ билдираманг, у сизни ўзидан итарса ҳам эътибор қаратишда ва қўллаб-куватлашда давом этинг.

Агар руҳий кўмак ўз вақтида берилса, салбий таъсирлар кучсизланади. Уларнинг ҳодисадан кейинги биринчи ой давомида юзага келиши меъёрий ҳолат ҳисобланади. Бироқ, улар узоқ вақт давомида сақланиб қолса ёки яrim йилдан сўнгина илк бор юзага келса, бу жароҳатдан кейинги стресс бузилиш белгилари ҳисобланади.

### **Назорат саволлари:**

1. “Террор” сўзига қайси тилдан олинган?
2. Терроризмнинг турларига нималар киради?
3. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидагилар қандай ваколатларга эга?.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.– Т.: “Ўзбекистон”, 2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш” тўғрисидаги Конуни.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машгулот. Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш**

**Ишдан мақсад:** Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси бўйича режалаштириш тадбирларини амалий бажариш.

Тингловчиларга амалий машгулот бошиланганда аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича худудларда, иқтисодиёт объектларида ишлаб чиқиладиган режалар очиб берилади.

Маърузада баён этилган фикрларни мустаҳкамлаш мақсадида тингловчиларнинг тоифаларини инобатга олган ҳолда, худудларда ёки объектларда ишлаб чиқиладиган режаларнинг бир қисмини ишлаб чиқиш топширилади.

80 дақиқага режалаштирилган гурӯҳ тингловчиларига гуруҳларни 3 та гуруҳларга бўлган ҳолда, ҳар бир гурӯҳ тингловчиларга объектнинг фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш ҳаракатлари режасини қисқа кўринишида ишлаб чиқиши топшириқ сифатида берилади ва вақт ажратилади. Белгиланган вақт ичидан гуруҳчалар ўз ичларидан танлаган объектлари бўйича гурӯҳ аъзолари маслаҳатлашган, келишган ҳолда режанинг қисқа кўринишини ишлаб чиқадилар. Гурӯҳ тингловчилари вазифани бажаришда қийналаётган тақдирда 1-иловадаги тавсиялар тарқатилади.

40 дақиқа дарс режалаштирилган гуруҳларга бир объект миқёсида фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартарф этиш ҳаракатлари режасини ишлаб чиқиши вазифаси топширилади.

Гурӯҳ тингловчилари бир неча гуруҳчаларга бўлинади ва уларга қўйидаги вазифалар топширилади:

1. Режанинг биринчи бўлимини ишлаб чиқинг.
2. Режанинг иккинчи бўлимини ишлаб чиқинг.
3. Режанинг 1, 2-иловаларини тайёрланг.
4. Режанинг 3, 4-иловаларини тайёрланг.

Кейинги босқичда гурӯҳдан бир тингловчи доскага чиқиб, гурӯҳ томонидан тайёрланган режани презентация қиласи, тушунтириб беради.

Барча гурӯҳлар тинглангандан сўнг, бошқа гурӯҳларни ишлаб чиқилган режаларни тўлдириш, улар бўйича фикр билдиришлари сўралади.

Ўқитувчи жавобларни таҳлил қиласи, тўлдиради. Берилган топшириқларини бажарилиш самарасини инобатга олган ҳолда тингловчилар баҳоланади.

## **2- амалий машғулот: Юзага келган хавфларни бартараф этишда қутқарув ишларини ўтказиш.**

**Машғулот мақсади:** Тингловчиларга фавқулодда вазиятлар юзага келганды уларнинг оқибатларини бартараф этишни ташкил этиш, биринчи навбатда қутқарув ишлари ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил қилиш учун куч ва воситалардан фойдаланиш амалий кўникмаларини ҳосил қилиш.

**Мавзуни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методларини қўллаш.**

### **“Венн диаграммаси” методи**


Ушбу услубдан ўтилган мавзуу бўйича тингловчилар билан маълум бир обьект, тушунча, ғоя, ҳодисани таққослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида фойдаланилади. Бунинг учун қуйида келтирилган диаграмма ёрдамида кўриб ўтилган мавзуу бўйича икки ва уч жиҳатларни ҳамда умумий томонларни солишириш, таққослаш ёки қарама-карши қўйиш мумкин. Ушбу услуб тингловчиларнинг тизимли фикрлаш, солишириш, таққослаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

**Услубнинг мақсади:** тингловчиларга берилган диаграмма орқали кўриб ўтилган мавзудаги таянч тушунчалар, турли ҳодисалар ва бошқа турдаги харакатларнинг ўзаро ўхшашлик томонлари, фарқини янада чуқурроқ ўзлаштириб олишлари учун шароит яратиш.

**Услубнинг қўлланилиши:** тингловчилар билан ўтилган машғулотни тақрорлаб олишда ёки мустақил иш, уйга вазифа сифатида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун машғулот давомида олдиндан тайёрланган материалларни тингловчилар гуруҳига бериш, бунинг натижасида уларнинг яхлит бир жамоа тарзда бир бирларининг фикрларини тўлдиришларига имкон яратиш мумкин. Мустақил иш ёки уйга вазифа сифатида фойдаланиш орқали уларнинг якка тартибда ўтилган мавзуу бўйича олган билимларини баҳолаш имконига эга бўлинади.

**Машғулотни ўтказиш тартиби:** машғулот раҳбари тингловчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан танишириади ва олдиндан тайёрланган тарқатма материални якка тартибда ёки гуруҳларга бериб чиқади. Берилган топшириқни бажариш учун вақт белгилайди.

### **Машғулот мавзуси**




Тингловчилар диаграмманинг 1 бўлимларига бирор ходиса, таянч тушунча ва аниқ предметнинг ўзига хос томонлари, диаграмманинг 2 бўлимига уларнинг ўзаро ўхшашлик томонлари ёзилади. Машғулотни яқунлаган гуруҳлардан бир тингловчи танланади ва у гуруҳнинг ишини ўқув доскасига ўрнатиб, тингловчиларга ўқиб эшилтиради.

#### ***Ушибу услугни қуйидаги мисол билан кўриб чиқамиз:***

**Мавзу:** Гидрометериологик хавфли ходисалар.

Машғулот раҳбари томонидан олдиндан тайёрланган диаграммага сув тошқини ва селнинг вужудга келиш сабаблари, уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонлари диаграмманинг бўлимларига туширилган холда гуруҳларга берилади. Гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар якунда қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:



Мисолда келтирилганидек диаграмманинг доиралар кесишмаган қисмида кўриб ўтиладиган мавзу бўйича таққосланадиган фикрлар келтирилди (масалан: Сув тошқини сабаблари - Сел келиши сабаблари). Доиралар кесмасига ўнг доирада ва чап доирада бир хил бўлган аъломатлар ёзилди. Бошқа гурӯҳ тингловчилари ҳар бир тақдимот якуни бўйича ўз фикрларини билдиришлари, турли қўшимчалар киритиши мумкин. Машғулот раҳбари уларнинг фикрларини умумлаштиради ва топшириқ саволи бўйича якуний хulosани беради.

Таъкидлаш лозимки, ўтказилаётган машғулот давомида ушбу услубни қўллаш орқали ўтилган мавзуни оғзаки тақорорлаб, тингловчилар эсига солишга сарфланган вақтдан бирмунча камроқ вақт сарфланади. Шу билан бирга уларни машғулотга тез киришиб кетишларига, ўтилган мавзуни қисқа муддатда тақорорлаб олишларига замин яратилади.

### **“Блиц ўйин” услуби**

Ушбу услуб орқали амалга ошириладиган муайян бир ҳаракатлар, тадбирлар ва қоидалар кетма-кетлиги бўйича тингловчилар олган назарий билимларини синовдан ўтказиш ҳамда амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мумкин. Услубни афзаллик томонларидан бири бир вақтда тингловчиларда якка ва гурӯҳлар шаклида қўлланилади. Услубий қўлланмани тузувчилар томонидан ўтказилган машғулотлар жараёнида ушбу услуб қўлланилганда якка тартибда берилган жавобларга нисбатан гурӯҳ таркибида берилган жавоблар баҳоси юқорилиги кузатилди. Бу ўз навбатида тингловчиларнинг гурӯҳ бўлиб ишлашда мавзу бўйича олган билимларини амалий қўллашига, тўғри жавобни танлаш

жараёнидаги баҳс-мунозаралари натижасида билимлари янада мустаҳкамланишига сабаб бўлади.

**Услубнинг мақсади:** ушбу услуг орқали тингловчиларда тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма – кетлигини аввал якка тартибда мустақил равишда белгилаш, кичик гурухларда ўз фикрини башқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан хамфикр бўла олиш каби кўниқмаларни шакиллантириш.

**Услубнинг қўлланилиши:** ўқув машғулотларининг барча турларида муайян бир ҳаракатлар тартибини тингловчилар билишини аниқлаш, ўтилган мавзуни ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки турли назорат синовларини ўтказиш учун мўлжалланган. Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида якка тартибда ташкил этиш мумкин. Шунингдек, тингловчиларни бирор бир жараённинг қатъий бажариладиган кетма-кетликдаги тартибига риоя қилишларига ўргатишида ҳам қулай саналади.

**Машғулотни ўтказиш тартиби:** Ушбу услуг бир неча босқичда ўтказилади:

- машғулот раҳбари тингловчиларга ушбу машғулот бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида тушунча беради. Ҳар бир босқичга мўлжалланган вазифаларни бажаришга аниқ вақт берилиши, ўқувчилар эса шу вақтдан унумли фойдаланишлари кераклиги ҳақида уларни огоҳлантиради:

- машғулот раҳбари тингловчиларнинг ҳар бирига тарқатма материал беради ва улардан ушбу материални синчиклаб ўрганишларини сўрайди, (шу ўринда тингловчиларга ҳар бир нотўғри белгиланган кетма-кетлик ўз навбатида кейинги хатоликга олиб келишини уқтириб ўтиш керак);

- машғулот раҳбари тарқатма материал мазмуни ва бажариладиган вазифа(тарқатма материалда берилган ҳаракатлар кетма – кетлигини тўғри белгилаш, белгини қоғозда алоҳида ажратилган бўлимга рақамлар билан қўйиш кераклиги)ни тушунтиради;

- тарқатма материалда берилган вазифа дастлаб якка тартибда бажарилишини таъкидлайди;

*Тайёрланган жадвал ва ҳаракатлар, тадбирлар, қоидалар кетма-кетлигининг чалкашлиқ билан жойлаштирилган кўриниши:*

<b>Гурух баҳоси</b>	<b>Гурух хатоси</b>	<b>Тўғри жавоб</b>	<b>Якка хато</b>	<b>Якка баҳо</b>	<b>Ҳаракатлар мазмуни</b>
		7			аҳолини сув, озиқ-овқат ва энг зарур нарсалар билан таъминлаш;
		4			жабрланганларга биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш ҳамда уларни шифохоналарга жойлаштириш;
		5			аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш;
		2			ҳаракат маршрутлари ва иш участкалари (объектлари)даги ёнғинларни чеклаш ва бартараф этиш;
		1			ҳаракат маршрутлари ва иш участкалари (объектлари)да разведка ишларини олиб бориш;
		6			эпидемия юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида керакли санитария-гигиена чоралари ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш;
		3			жабрланганларни қидириб топиш ва уларни вайрон бўлган, заарланган, ёнаётган бинолардан, сув, газ, тутун босган бино ҳамда вайрона уюмлари орасидан олиб чиқиш;

Тингловчилар юқорида берилган тартиб асосида аввал якка холда жадвалнинг “якка баҳо” устунини, сўнгра кичик гурух таркибида “турух баҳоси” устунларини тўлдирадилар. Машғулот раҳбари тўғри жавоб устунини тўлдиради ва у қуидаги кўринишга келади:

<b>Гурух баҳоси</b>	<b>Гурух хатоси</b>	<b>Тўғри жавоб</b>	<b>Якка хато</b>	<b>Якка баҳо</b>	<b>Ҳаракатлар мазмуни</b>
7	0	7	0	7	аҳолини сув, озиқ-овқат ва энг зарур нарсалар билан таъминлаш;
6	2	4	2	6	- жабрланганларга биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш ҳамда уларни шифохоналарга жойлаштириш;

5	0	5	0	5	аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш;
2	0	2	0	2	харакат маршрутлари ва иш участкалари (объектлари)даги ёнгинларни чеклаш ва бартараф этиш;
1	0	1	0	1	харакат маршрутлари ва иш участкалари (объектлари)да разведка ишларини олиб бориш;
6	0	6	0	6	эпидемия юзага келишига йўл кўймаслик мақсадида керакли санитария-гигиена чоралари ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш;
3	0	3	0	3	жабрланганларни қидириб топиш ва уларни вайрон бўлган, заарланган, ёнаётган бинолардан, сув, газ, тутун босган бино ҳамда вайрона уюмлари орасидан олиб чиқиш;

Баҳолаш меъзони:

9 та тўғри жавоб - “аъло”

7-8 та тўғри жавоб – “яхши”

6 та тўғри жавоб – “қониқарли”

5 та ва ундан кам тўғри жавоб – “қониқарсиз”.

### **3-амалий машғулот:Кучли таъсирли заҳарли моддалар (КТЗМ)**

**қўлланиладиган объектлардаги аварияларда кимёвий ҳолатни баҳолаш**

**Ишдан мақсад:-** кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолашни ўрганиш.

- ҳаводаги заҳарли моддаларни аниқлаш .

- жойларда, кийимларда ва ҳар хил предметларда заҳарли моддаларни аниқлаш.

Кимёвий таъсирларга қарши омиллар. КТЗМ таъсирини камайтиришга мўлжалланган комплекс тадбирлар. Уларни амалга оширишни ўрганишда қуидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш:

- а) кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш;
- б) кимёвий назоратни ташкил этиш ва ўтказиш;
- в) кимёвий таъсирларга қарши химояланиш режимларини ишлаб чиқиш;

г) кимёвий шикастланишда фуқароларни ҳимоялаш услублари ҳамда КТҚ омиллари билан таъминлаш (бунда газниқоблар, махсус кийим-кечаклар ва бошқа воситаларни йиғиш, сақлаш, тақсимлаш);

д) кимёвий шикастланиш оқибатларини тугатиш омиллари (махсус санитар қайта ишлаш, иш жойларини, иншоотларни заарсизлантириш ва бошқа омиллар).

е) фуқароларни ҳимоя иншоотларида сақлаш.

ё)хавфли худуддан хавфсиз худудга эвакуация қилиш.

### **Кучли таъсир этувчи захарли моддаларни қўлланиладиган объектлардаги аварияда кимёвий ҳолатини аниқлаш**

Кимёвий ҳолат деб, душман томонидан кимёвий қуроллар ишлатилганда ёки кимёвий объектларда фалокат юз берганда атроф-муҳитга кучли таъсир этувчи захарли моддалар (КТЗМ) тарқалганлиги натижасида ҳосил бўлган шароитга айтилади.

Кимёвий ҳолатни баҳолашда ҳавонинг турғунлик даражасини билиш керак. Ҳавонинг турғунлиги учта даражага бўлинади:

- Инверсия
- Изотермия
- Конвексия

Инверсияда ҳавонинг пастки қатлами юқори қатламидан совуқроқ бўлади ҳамда бу ҳолат захарланган ҳавонинг баландликка тарқалишига қаршилик кўрсатади ва захарланган ҳавонинг узоқ вақт сақланишига қулай шароит яратиб беради.

Конвекцияда ҳавонинг пастки қатламлари юқоридагиларидан кўра анча иссиқ бўлади ва бундай ҳолат захарланган ҳавонинг тез тарқалишига , оқибатда захарланиш таъсирининг камайишига олиб келади. Изотермия –булутли ҳавога хос , КТЗМ бўлган жойлардаги кимёвий ҳолатни баҳолашда, кимёвий захарланган худуд ўлчамини, кимёвий шикастланиш ўчогини, захарли ҳавонинг худудга етиб келиш ва шикастлаш вақтини ҳамда кимёвий шикастлаш ўчоқларида фуқароларнинг талофатланиш эҳтимоллари қўзда тутилади.

**1-мисол.** Зичлиги  $\rho_0 = 0,68 \text{ m/m}^3$  бўлган Гтаммиакли химояланмаган идиш бузилган. Атрофи очиқ шамолнинг ерга яқин қисмидан тезлиги  $V\text{m/c}$  га teng. Кимёвий шикастланиш худудини ва ўлчамини, юзасини топамиз.

$$S_{юза} = \frac{G}{\rho \cdot 0,05};$$

Бу ерда:

**G-** кучли таъсир этувчи захарли моддалар микдори, т ;

**P-0,68** аммиак зичлиги т/м<sup>3</sup>

**0,05-** тўкилган аммиак қатламининг қалинлиги.

Кимёвий заарланишнинг чуқурлигини 1-жадвалдан топамиз.

### 1-жадвал

КТЗМ Номи	Идишдаги КТЗМ миқдори (G), т					
	5	10	25	50	75	100
Хлор фозген h,м	4,6	7	11,5	16	19	21
Аммиак h,м	0,7	0,9	1,3	1,9	2,4	3
Олтингугурт h,м	0,8	0,9	1,4	2	2,5	3,5
Водород сульфид h,м	1,1	1,5	2,5	4	5	8,8

$$\Gamma = h \cdot 5 \cdot k ; \text{ км}$$

Бу ерда:

**h**- кимёвий захарланган ҳавонинг тарқалиш чуқурлиги (1-жадвал.)

**k**- тўғриловчи коэффициент (2-жадвал.)

### 2-жадвал

Турғунлик даражаси	Шамол тезлиги, Вм/с					
	1	2	3	4	5	6
Инверсия	1	0,6	0,45	0,38	-	-
Изотермия	1	0,71	0,55	0,5	0,45	0,41
Конвекция	1	0,7	0,62	0,55	-	-

### Шикастланган кимёвий худуднинг кенглиги.

А) инверсияда- 0,03 Г

Б) изотермияда- 0,15 Г

В) конвекцияда- 0,8 Г

### Худуд кенглиги

А) инверсияда

K = 0,03 Г

Б) изотермияда

K = 0,15 Г

В) конвекцияда

$$K = 0,8 \Gamma$$

#### 4. Кимёвий шикастланиш худудининг юзасини топамиз.

$$S_{\text{худуд}} = \frac{1}{2} \cdot \Gamma \cdot K ; \text{ км}^2$$

#### 5. Захарлаш вақтини топамиз.

$$T_{\text{захарланиш}} = t \cdot k ; \text{ соат}$$

бу ерда:  $t$ - буғланиш вақти, (3-жадвал)

$k$ - түғриловчи коэффициент, (2-жадвал)

3-жадвал

КТЗМ номи	Буғланиш вақти	
	Химояланмаган	Химояланган
Хлор	1,3	22
Фосген	1,4	23
Аммиак	1,2	20
Олтингугурт	1,3	20
Водород сульфид	1	19

#### 4-масалани ечиш учун варианлар

Берилган	Вариантлар								
	1	2	3	4	5	6	7	8	9
КТЗМ микдори, $G_t$	5	10	25	50	75	100	5	10	25
Шамол тезлиги, $V_m/c$	2	1	4	3	5	6	1	2	3
КТЗМ номи	Хлор	Фосген	Аммиак	Олтингутурт	Водород сульфид	Хлор	Фосген	Аммиак	Водород сульфид
Турғунлик даражаси	Инверсия	Изотермия	Конвекция	Инверсия	Изотермия	Конвекция	Инверсия	Изотермия	Конвекция

Берилган	Вариантлар								
	10	11	12	13	14	15	16	17	18
КТЗМ микдори, $G_t$	50	75	100	5	10	25	50	75	100

Шамол тезлиги, Vm/c	4	5	6	1	3	2	4	5	6
КТЗМ номи	Хлор	Хлор	Фосген	Олтингүргүрт	Водород сульфид	Аммиак	Хлор	Фосген	Аммиак
Турғунлик даражаси	Инверсия	Изотермия	Конвекция	Инверсия	Изотермия	Конвекция	Инверсия	Изотермия	Конвекция

#### **4-амалий машғулот: Фуқароларни ҳимоя қилиш усулбиеётларини ўрганиш Ишдан мақсад :**

-ФВ да фуқароларни ҳимоя қилиш усулларини ўрганиш;

-Фавқулодда вазиятларда шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни ўрганиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

- ФВ да фуқароларни 5 та асосий ҳимоя қилиш усулларини эгаллашга ўргатиш;
- Огохлантириш түғрисида матн тузишга ўргатиш;
- ФВ да фуқароларни ўз ўзини ҳимоя қилишга, тегишли тартибда ҳатти ҳаракатга ўргатиш;
- ФВ да фуқароларни иншоотларида сақланишга, оддий ва тез қуриладиган панажойларни қуришга ўргатиш ;
- ФВ да фуқароларни хавфсиз худудга ҳаракатланишга ўргатиш ;
- ФВ да фуқароларни тегишли шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишга ўргатиш.
- Билим, малака ва кўнимкамларни шакллантиришга доир масала ва машқларни бажаишга ўргатиш

#### **Топшириқ намунаси**

**1-Топшириқ:** Берилган топшириқ варианtlари бўйича ФВ юзага келганда фуқароларни қандай ҳимоя воситалари ва усуллари билан ҳимоялаш зарурлигини таҳлил қилинг:

ФВ турлари	Вариантлар									
	1,20	2,19	3,18	4,17	5,16,	6,15	7,14	8,13	9,12	10,11
Фуқароларни ФВ хусусида оғоҳлантириш (матн тузиш)	X									
Фуқароларни химоя иншоотларида сақлаш қоидалари.		X								
Аҳолини хавфсиз худудларга эвакуация қилиш тартиби ва қоидалари			X							X
Шахсий сақловчи воситалар қандай ҳолатларда қўлланилади				X					X	
Терини химоя қилувчи воситаларнинг қўлланилиши, турлари, хусусиятлари ва уларга қўйиладиган талаблар					X			X		
Шахсий дорихона (ШД 2) нинг тузилиши ва қўлланилиши						X	X			

## **Хавфли зонада якка тартибда сақловчи воситалар билан танишиш**

Якка тартибда сақловчи воситалар инсон танасига ички органларига , терисига ва кийим-кечакларига радиоактив моддаларни, захарли бирикмаларни ва биологик туманларни тушишидан сақлайди.

Якка тартибда сақловчи воситалар қўлланилишига кўра: терини сақловчи, нафас органларини, юз-кўзни сақловчи воситаларга бўлинади.

### **Нафас органларини сақловчи воситалар.**

Буларга газниқоблар, респираторлар, матоли ниқоблар, пахта, докали таққичлар киради. Газниқоблар фильтровчи ва изоляцияловчи хилларга бўлинади. Фильтровчи газниқоблар : ГП-5, ГП-5М, ГП-7 болалар учун –ПДФ-Ш, ПДФ-Д.

**Респираторлар** – асосан радиоактив ва механик чанглардан нафас органларни сақловчи восита хисобланади. Фуқаролар муҳофазасида асосан Р-2 ва ШБ-1 русумли респираторлар ишлатилади.

**Матоли ниқоблар** – нафас органларини сақловчи воситаларнинг оддий услуги саналиб, у радиоактив моддалардан, биологик туманлардан сақловчи восита ҳисобланади ва унинг русуми ММ-1 деб аталади.


**Терини сақловчи воситалар** – фильтровчи ва изоляцияловчи хилларга бўлинади. Изоляцияловчи воситалар ҳаво ўтказмайдиган резинали эластик материаллардан (ПВХ) тайёрланади.

**Оддий терини ҳимоя қилувчи воситалар** – оддий хеч нарса шимдирилмаган ёпғич ва плашлар, қалин зич тўқилган палтолар, пахтали ва чарм терили курткалар ва бошқалар киради. Трикотаждан , шерстдан ва пахтали материаллардан тайёрланган кийимлар, қўлқоплар фақат радиоактив чанглардан ва биологик таъсирлардан сақлайди.


**Якка тартибдаги тиббиёт воситалари.** Ионлантирувчи нурлардан, захарловчи моддалардан, бактериал воситалардан хамда куйишдан сақлашда шахсий (ШД-2) дориқутилардан фойдаланилади. Бу восита 130 гр бўлиб, сақланиш муддати – 3 йил.

## TIBBIY HIMOYA VOSITALARI

**Shaxsiy dori qutichasi ShDQ-2**



**Bog'lovchi paket (shaxsiy)**



**Kimyoviy qurolga qarshi shaxsiy paket (KQShP-8)**



**Kimyoviy qurolga qarshi shaxsiy paket KQShP-10**



**Дориқутига дори ва моддалар жойлаштирилган.**

А) шахсий тиббиёт дориқутисига оғриқ қолдирадиган шприц – тюбик нинаси билан жойлаштирилган;

Б) фосфор органик заҳарли моддалар билан захарланганда ишлатиладиган тарен-Б таблетка дориси бор. Бу доридан кимёвий огоҳлантиришда битта таблеткадан ишлатилади;

В) бактерологик воситаларга қарши ишлатиладиган дори ( ок шишада – тетрациклен гидрохлорид ) жойлашган. Бунда бир йўла 5 та таблетка ичилади ва 6 соатдан кейин яна 5 таси ичилади;

Г) биологик таъсирларга қарши ишлатиладиган дори (сулфодолитоксин таблеткаси 15 та қўйилган). Бу дорини ошқозон-ичак касали бошланганда бир йўла 7 та таблеткаси ва кейинги кунларда тўртадан ичилади.

Д) радиосақловчи воситалар(цисталин). У гамма нурланиш юз берганда бир йўла 6 та таблеткаси ичилади.

Е) қусишига қарши ишлатиладиган восита – этаперазин (ҳаво рангли ----- ) жойлаштирилган. Бу доридан одам нур қабул қилганда эти узилганда ичиш тавсия этилади.

Берилганлар	Вариантлар												
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Химояловчи воситалар	Респиратор	Противогаз	Нафас органларини химояловчи воситалар	Терини сакловчи воситалар	Оддий терини химоя килувчи воситалар	Матоли никоблар	Респиратор	Противогаз	Нафас органларини химояловчи воситалар	Терини сакловчи воситалар	Оддий терини химоя килувчи воситалар	Матоли никоблар	Респиратор

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**1-Кейс.** Фуқаро муҳофазаси тизимларининг радиациявий шикастланиш о‘чог‘ига  $t_2=2$  соатдан кейин киргандаги нурланиш дозаси  $D_2=20$  рад/соат бо‘либ, бошланғич нурланиш дозаси  $D_1 = 40$  рад/соатни ташкил этган. Обектнинг нурланиш дозасини сусайтириш коеффициенти  $K_{sus}=1$  га teng.

Фуқаро муҳофазаси тизимларининг шикастланиш ўчоғида ишчилар учун рухсат этилган вақтни аниқланг?

Ечиш:

$$\Pi_h = \frac{D_1 \cdot K_{sus}}{D_2} = \frac{40 \cdot 1}{20} = 2$$

Енди иловадаги 2-жадвалга қараб, портлатилгандан кейин ўтган вақт 2 соат ва чиққан натижа 2 эканлигини билиб, тўғри жавобнни қўямиз.

**2-Кейс.** Обект да ядрорий портлашдан 2 соат кейин нурланиш дозаси о‘лчанади -  $P_2=100$ рад/соат. Ядрорий портлашдан бир соат кейин нурланиш дозаси қанча бўлганини топинг ?

Ечиш: Иловадаги 1- жадвалдан фойдаланиб, 2 соатга тўғри келадиган қийматини топамиз ва у 2,30 мин.га тўғри келади.

Жавоб: аслаҳа портлагандан 1 соатдан кейинги нурланиш дозаси 230 Р/соат.

**3- Кейс.** Радиатсиявий авариядан кейин ионлаштирувчи нурланиш 40 рад / соат бўлиб, 2 соатдан кейин ўлчанганд 20 рад/соатни ташкил қилди. Шу ҳудудда ҳаракатланувчан ФМ тизимларининг ишлаш учун рухсат этилган вақтни топинг ?

Ечиш:

$$\frac{D_{oxir} \cdot K_{sus}}{D_{oxir}}$$

Келтирилган формуладан фойдаланамиз. Масала шартидаги қийматларни формулага қо‘йсак:

$$\frac{D_{boshl} \cdot K_{sus}}{D_{oxir}} = \frac{40 \cdot 1}{20} = 2$$

Бу эрда:

$D_{oxir}$  -шикастланган ҳудуддаги охирги ўлчанган радиатсия даражаси;

$D_{boshl}$  -бошланғич радиация даражаси, рад;

$K_{sus}$  - радиатсияни сусайтириш коеффициенти.

Иловадаги 2-жадвалдан фойдаланиб, топилган қийматга тўғри келадиган вақт аниқланади. Яни 4 соат 6 дақиқа давомида фуқаролар муҳофазасининг хизматчилари 20 рад/соатли шикастланган ҳудудда ишларини олиб боришлари мумкин.

**4-Кейс.** Зичлиги  $0,68 \text{ т}/\text{м}^3$  бо‘лган 100 т аммиакли ҳимояланмаган идиш бузилган. Атрофи очиқлик, шамолнинг ерга яқин қисмидаги тезлиги  $2 \text{ м}/\text{с}$  га тенг (инверсия). Кимёвий шикастланиш ҳудудининг о‘лчамини ва юзасини топинг?

Ечиш. 1. Суюқ аммиак то‘килган ҳудуднинг тахминий юзаси қўйидаги формуладан топилади:

$$Syuza = \frac{G}{\rho \cdot 0,05} = \frac{100}{0,68 \cdot 0,05} = 3000 \text{ м}^2$$

Бу ерда:  $\Gamma$  – КТЗМ микдори, т;

$\rho$  - Аммиак зичлиги,  $\text{т}/\text{м}^3$ ;

$0,05$  – Тўкилган аммиак қатламининг қалинлиги (тўғриловчи коэффициент).

2. Кимёвий заарланишнинг чукурлигини иловадаги 6,7-жадваллардан фойдаланиб, топамиз:

$\Gamma = 3 \cdot 5 \cdot 0,6 = 9 \text{ км.}$

3.Заарланган кимёвий ҳудуднинг кенглигини топамиз:

Инверсияда- $0,03 \Gamma$

Изотермияда- $0,15 \Gamma$

конвексияда- $0,8 \Gamma$

Ҳудуд кенглиги:  $K = 0,03 \cdot 9 = 0,27 \text{ км.}$

4.Кимёвий заарланиш ҳудудининг юзасини топамиз:

$S \text{ худуд} = 1/2 \Gamma \cdot K = 0,5 \cdot 9 \cdot 0,27 = 1,2 \text{ км}^2$

**5-Кейс.** 4-Кейс шарти бўйича аммиакнинг заҳарлаш вақтини топинг?

Аммиакнинг таъсир этувчи вақти иловадаги 8-жадвалдан фойдаланиб, топилади:  
 $T \text{ заҳарланиш} = 1,2 \cdot 0,7 = 0,84 \text{ соат (50 дақиқа)}$

**6-Кейс.** Кимёвий шикастланиш ўчогида жойлашган тураржой биносидаги одамларнинг талофатланиш сонини топинг (Бинода 300 та одам яшайди, улар 90 фоиз газниқоб билан та‘минланган).

**Ечиш.** Иловадаги 9-жадвалдан фойдаланиб, одамларнинг талофатланиш сони: 9 фоиз (27 киши), шулардан энгил даражада талофатланганлар сони:  $27 \cdot 0,25 = 7$  кишини; ўртачава оғир даражада  $27 \cdot 0,4 = 11$  киши, ўлим билан якунланадигани  $27 \cdot 0,35 = 9$  кишини ташкил этади.

Мавзуни ўзлаштириш жараёнида талабалар ўртасидаги ҳис-ҳаяжонни пасайтириш, шунингдек ёддан кўтарилиган баъзи таянч сўз ва ибораларни эсга солиш мақсадида мавзуга доир кроссворларни ечиш хам тавсия этилади. Кроссвордларни ечиш ўйин характеристига эга бўлганлиги учун, у талабаларни

мавзуни осон ўзлаштиришларига имкон беради. Чунки кроссвордлар талабаларнинг нафақат билим олишдаги фаоллигини оширади, балки ўрганаётган мавзуни қанчалик даражада ўзлаштирганини, ўзига ишончини, зеҳнини синаш имкониятини ҳам беради.

Кроссвордларни ечишда 4 та кичик гурухларга бўлинган талабаларга 4 та вариантдан иборат кроссвордларни биттадан варианти тарқатилади ва уларга катакларни тўлдириш учун 10 дақиқа вақт ажратилади. Гурухлардаги талабалар кроссворд катакларини тўлдириб, тўғри деб ҳисобланган жавобларни қоғоз четига ёзиб қўядилар. Ўқитувчи талабаларни жавобини текшириб, кроссвордларнинг тўғри жавобларини кроссворд катакларида проектор ёрдамида намойиш этади. Бунда талаба бир дақиқада ўз жавобларини тўғри ёки хато эканлигини англаб олади, ва ўрганаётган мавзуга оид маълумотларни хотирасида узоқ вақт сақлаб қолади.


## 7- Кейс. Намуна 1 . Кроссворнинг тузилиши

### Бўйига:

1. Зилзиланинг ўчоги нима деб аталади .
2. 9 балли ер силкинишига бардошли иншоотлар қандай қурилиш материалларидан қурилади
3. Уйларнинг конструксиясини бузилиши қайси табиий офат даракчиси ҳисобланади
4. Эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар қайси табиий офат турига киради.
5. Зилзила кучини ўлчашда халқаро ўлчов бирлиги ким томонидан таклиф қилинган

### Енига:

6. Ер заминининг энг максимал силкиниши ўчоғини нима деб аталади.
7. Сел офатида фуқаро муҳофазасининг қайси тизимлари асосий вазифаларни бажаради
8. Оҳангароннинг (Тошкент вилояти) қайси ерида 1991-йилда ер кўчки офати кузатилади.



## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Ball</b>	<b>Ball</b>	<b>Ball</b>	biror-bir hodisa (shamol kuchi, bulutlilik, dengizning to‘lqinlanishi)ni baholash uchun qabul qilingan shartli raqamli birlik.
<b>Seysmik ball</b>	<b>Сисмическое балл</b>	<b>Seismic rating</b>	Er yuzasidagi zilzila entensevligining shartli birligi (raqamli baholash).
<b>Barometr</b>	<b>Барометр</b>	<b>Barometr</b>	atmosfera bosimini o‘lchaydigan asbob. Simobli barometrlar eng aniq atmosfera barometrlari hisoblanadi. Ularning ko‘rsatkichlari bo‘yicha atmosfera bosimi o‘lchanadi.
<b>Ofat</b>	<b>Бедствие</b>	<b>Disaster</b>	odatdagи hayot tarzining keskin buzilishi, odamlarning muhofazaga kiyim-boshga, tabiiy va ijtimoiy yordamga muhtoj bo‘lishiga olib keladigan halokatli vaziyat. Ofat ikki guruhga ajratiladi: 1) tabiiy hodisa sabab bo‘lgan ofat.; 2) Inson omili sabab bo‘lgan ofat. (urushlar avariylar va boshqa fv epidemiyalar).
<b>Tabiiy ofat</b>	<b>Природная катастрофа</b>	<b>Natural disaster</b>	odamlarning hayoti va sog‘ligiga tahdid tug‘ilishi mumkin bo‘lgan yoki tug‘ulgan shuningdek moddiy boyliklar va atrof tabiiy muhitning tarkibiy qismlari vayron bo‘lishi yoki yo‘q qilinishi mumkin bo‘lgan katta ko‘lamda vayronalik keltiruvchi tabiiy-antropogen hodisa yoki jarayon.
<b>Ekologik ofat (ekologik halokat)</b>	<b>Экологические катастрофы (экологическая катастрофа)</b>	<b>Environmental disasters (environmental disaster)</b>	tuproq, atmosfera, gidrosfera va biosfera holatining o‘zgarishi (antropogen ta’sirlar ostida) oqibatida kelib chiquvchi va odamlar sog‘ligiga ularning ma’naviy sohasiga yashash muhitiga

			iqtisodiyotiga gen va genafonga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi juda katta ko'lamdagi favqulodda hodisa. Ekologik ofat ko'pincha tabiiy muhitning orqaga qaytmas o'zgarishlari bilan birga kechadi.
<b>Biologik xavfsizlik</b>	<b>Биологическая безопасность</b>	<b>Biological security</b>	odamlar, hayvonlar, o'simliklar, atrof muhitning biologik favqulodda vaziyat manbai keltirib chiqargan yoki keltirib chiqaradigan havflardan muhofazalanganlik holati.
<b>Favqulodda vaziyatlarda havfsizlik</b>	<b>Безопасность в случае возникновения чрезвычайной ситуации</b>	<b>Security in case of an emergency</b>	aholining iqtisodiyoti ob'ektlarining atrof-muhitning favqulodda vaziyatlar havfidan muhofazalanganlik holati.
<b>Yong'in xavfsizligi</b>	<b>Пожарная безопасность.</b>	<b>Fire safety.</b>	odamlarning, yuridik va jismoniy shaxslar mol – mulkining shuningdek atrof tabiiy muhitning yong'indan muhofazalanganlik holati.
<b>Bofort shkalasi</b>	<b>Шкала Бофорта</b>	<b>Beaufort scale</b>	butun dunyo metrologiya tashkiloti tomonidan shamolning tezligini uning er ustidaga buyumlarga ta'siri yoki ochiq dengizdagi tulqinlanishga qarab aniqlar uchun qabul qilingan 12 balli shkala. SHamolning o'rtacha tezligi standart – ochiq tekis yuzadan 100 m balandlikda ko'rsatiladi. SHkala ingliz admerali F. Bofort (1774 – 1857) tomonidan 1806 yili ishlab chiqilgan. 1874 – yildan boshlab xalqaro senompit amaliyotda foydalanish uchun qabul qilingan.
<b>Rixter shkalasi</b>	<b>Шкала Рихтера</b>	<b>The Richter scale</b>	zilzila vaqtida vujudga keladigan seysmik to'lqinlarning enegriyasi baholashga asoslangan magnitudaning seysmik shkalasi.

			Rixter shkalasi bo'yicha zilzila magnitudasi va uning 12 balli shkala bo'yicha epitsentrдagi kuchi o'rtasidagi munosabat o'choq chuqurligiga bog'liq bo'ladi. SHkala 1935 yili amerikali seysmolog CH.Rixter tomonidan tashkil etilgan, 1941 – 1954 yillarda B.Butenberg tomonidan nazariy asoslangan.
<b>Antropogen omil</b>	<b>Антропогенные факторы</b>	<b>Anthropogenic factors</b>	atmosfera, gidrosfera va litosfera tarkibi va rejimning o'zgarishi, havo, daryolar, dengizlar va okeanlarning shuningdek tuproqlarning sanoat texnologiyalari maxsulotlari va radiaktiv moddalar bilan ifloslanishi, ekotizm tarkibi va tuzilishining buzilishi va boshqalarni keltirib chiqaradigan inson faoliyati, uning atrof muhitiga ta'siri bilan yuzaga keltirilgan omil.
<b>Radiatsiyavi y xavfli omil</b>	<b>Радиационный фактор риска</b>	<b>Radiation risk factor.</b>	havo tarkibida radon (toron), radon (toron) parchalanishining qisqa yashovchi mahsulotlari, radon (turon) parchalanishining uzoq yashovchi mahsulotlari, radiaktiv chang bo'lishligi, uran radi, tori, poloni, qo'rg'oshin-210 bo'lgan umumiy radiaktivlik: suvda texnologik eritmalarda va pulpa tarkibida uran, radi, tori, radon (toron), poloniyning bo'lishi: radiaktiv ifloslanganlik (bino, asbob – uskuna, tranport vositalari, maxsus kiyim va h.k): tashqi muhit (tuproq, o'simliklar, tog' jinslari) da radionuklitlar-radi, uran, toriy, qo'rg'oshin-210 bo'lishi; ish vaqtida radiaktiv moddalar bilan bevosita

			mashg‘ul bo‘lgan hodimlarning va radiaktiv moddalar bilan bog‘liq bo‘lmagan hodimlarning tashqi va ichki nurlanishi bilan keltirib chiqarilgan insonning, hodimlarning tabiiy texnologen nurlanishi.
<b>Vabo</b>	<b>Чумা</b>	<b>The plague</b>	(lot. Cholera yunon. Chole-zarda, jahl, zahar) – ingichka ichakning shkastlanishi, suv-tuz balansining buzilishi, suyuqlik yo‘qotilishi tufayli organizmning turli darajada suvsizlanishi bilan tavsiflanuvchi o‘tkir yuqumli kasallik. Vabo vibzionini keltirib chiqaradi. Kasallik vibzion tashuvchidan suv, ovqat, iflos ko‘llar orqari yuqadi.
<b>Sunami</b>	<b>Цунами</b>	<b>Tsunami</b>	suv osti yoki sohil bo‘yi zilzilalar chog‘ida dengiz tubi cho‘ziq maydonlarning yuqoriga yoki pastga siljishi natijasida yuzaga keladigan, dengiz to‘lqinlaridan iborat xavfli tabiat hodisasi, S. Katta tezliklarda (1000 km/s gacha) bir necha ming kilometr masofaga tarqaladi. Suv devori oldida havoning zo‘r to‘lqini tarqaladi. U portlash to‘lqin kabi bino va inshootlarni vayron qiladi. Vayronalikning ehtimoliy ko‘lamlari ball bilan o‘lchanadi: kuchsiz (1-2 ball) dan vayronali keltiruvchi (5-6 ball) gacha.
<b>Texnosfera</b>	<b>Техносфера</b>	<b>Texnospher e</b>	o‘tmishda beosferaga taaluqli bo‘lgan keyinchalik insonlarning o‘zining moddiy va ijtimoiy-iqtisodiy ehtiyojlarini yanada yaxshilash maqsadida tug‘ridantug‘ri yoki sirtdan texnik vositalar bilan ta’sir etgan hududdir.

<b>Maishiy muhit</b>	<b>Среда обитания</b>	<b>Living environment</b>	bu maishiy sharoitdagi insonga ta'sir qiluvchi barcha omillarning yig'indisidir. Organizmni maishiy omillarga reaksiyasini fanning sog'lom turmmish tarzi, sog'lom turmish tarzining kasallik profilaktikasi bilan aloqasi masalalariga bag'ishlangan mavzularda o'qish mumkin.
<b>Ishlab chiqarish muhiti</b>	<b>Производственная среда</b>	<b>Production environment</b>	bu mehnat faoliyati jarayonida insonga ta'sir qiluvchi omillar yig'indisidir.
<b>Tabiiy muhitdagi xavfsizlik</b>	<b>Экологическая безопасность</b>	<b>Environmental security</b>	bu ekologiya sohalaridan biridir.
<b>Baxtsiz hodisa (jarohatlanish)</b>	<b>От несчастных случаев. (Травмы)</b>	<b>Accident (injury)</b>	inson tanasining teri yoki ayrim qismlari tashqi mehanik, kimyoviy, issiqlik va elektr ta'siri natijasida shikastlansa, buni baxsiz hodisa (jarohatlanish) deb ataladi.
<b>Xavf</b>	<b>Риск</b>	<b>The risk</b>	inson hayotiga va sog'lig'iga zarar keltirishi, yong'in, portlashlami yuzaga keltirishi, zararli va zaharli moddalarning atrof muhitga tarqalishi, bino va inshootlarning buzilishi, hududlaming suv bosishi va boshqa ko'ngilsiz oqi- batlarga olib kelishi.
<b>Xavfsizlik</b>	<b>Безопасность</b>	<b>Security</b>	inson faoliyatining holati bo'lib, u muayyan ehtimollikda yuzaga keladigan xavflami bartaraf qilishga yo'naltirilgan xavflar majmuyi.
<b>Texnosfera</b>	<b>Техносфера</b>	<b>Texnosphere</b>	ishlab chiqaiish jarayonidagi yoki ish zonasidagi sodir bo'lishi mumkin bo'ladigan xavfli joy.
<b>Gomosfera</b>	<b>Гомосфера</b>	<b>Gomosphere</b>	ishlovchining ishlab chiqarish obyektida bo'lmadigan joyi.

<b>Himoya vositalari</b>	<b>Защитное оборудование</b>	<b>Protective equipment</b>	ishlab chiqarish jarayonida ishtirok etadigan insonlarga zararli va xavfli ishlab chiqaiish omillarining ta'sirini kamaytirish yoki uning oldini olish uchun qo'llaniladigan vositalar majmuyi.
<b>Favqulodda vaziyat</b>	<b>Чрезвычайная ситуация</b>	<b>An emergency situation</b>	muayyan hududda o'zidan so'ng odamlarning qurbon bo'lishi, odamlar sog'lig'i yoki atrof-tabiyy muhitga ziyon yetkazishi, kishilarning hayot faoliyatiga kattagina moddiy zarar va uning buzilishiga olib kelishi mumkin bo'lgan avariya, halokat, tabiiy ofat, epidemiya, epizotiya, epifitoliyalar natijasida yuzaga keladigan holat.
<b>Hudud</b>	<b>Регион</b>	<b>Region</b>	yer, suv, havo makoni, ishlab chiqarish yoki ijtimoiy maqsadlardagi obyektlar, shuningdek, atrof-tabiyy muhit majmuyi.
<b>Favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish</b>	<b>Ликвидация чрезвычайных ситуаций</b>	<b>The elimination of emergency situations</b>	favqulodda vaziyat yuzaga kelganda amalga oshiriladigan hamda odamlarni qutqarish va insoniar sog'lig'ini saqlash, atrof - tabiiy muhitga zararining, hamda moddiy zararlar miqdorini kamaytirish.
<b>Favqulodda vaziyatlar</b>	<b>Чрезвычайная ситуация</b>	<b>Emergency Situation</b>	favqulodda vaziyatlar vazirligi avariylar, halokatlar va tabiiy ofatlar tufayli vujudga kelgan favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ulaming oqibatlarini bartaraf etish sohasidagi ishlarga rahbarlikni hamda ulami muvofiqiashtirib borish ishlarini amalga oshiruvchi markaziy davlat boshqaruvi organi hisoblanadi.

<b>Fuqaro muhofazasi</b>	<b>Гражданской защиты</b>	<b>Civil Protection</b>	favqulodda vaziyatlarning, halokatlaming oldini olish va ulaming oqibatlarini bartaraf etish, aholining hududlarini va moddiy boyliklarini muhofaza qilish maqsadida o'tkaziladigan tadbirlarni amalga oshiruvchi davlat tizimi.
<b>Tabiiy ofat</b>	<b>Стихийный бедствия</b>	<b>Natural disaster</b>	tabiatda yuz beradigan favquloddagi o'zgarish boiib, u birdan, katta tezlikda insonlaming mo'tadil yashash, ishlash sharoitlarining buzilishi, odamlarning va qishloq xo'jalik hayvonlarining o'iimi, moddiy boyliklarning buzilishi yoki yo'q bo'lib ketishi va boshqa salbiy oqibatlarga olib keluvchi hodisalar.
<b>Tektonik yer silkinishi</b>	<b>Тектоническое землетрясение</b>	<b>Tectonic earthquake</b>	yerning chuqur qisimida yuzaga keladigan tektonik kuchlaming tarqalish jarayonida yer ustki qatlamining tebranishini xarakterlaydigan o'zgarish.
<b>Giposentr</b>	<b>Гипоцентр</b>	<b>Gipocentr</b>	yer silkinishining chuqur ichki qismidagi o'chog'i markazi.
<b>Episentr</b>	<b>Эпицентр</b>	<b>Epicenter</b>	yer silkinishining, yer ustki qatlamining eng maksimal silkinish joyi.
<b>Sel ofati</b>	<b>Наводнение бедствий</b>	<b>Flood disaster</b>	togli hududlarda kuchli yomg'irlaming yog'ishi, muzlik va qorlaming tez erishi natijasida hosil bo'ladigan daryo toshqinlarining tog' yonbag'rilarida nuragan tog' jinsi bo'laklarining, daraxt ildizlari va shox-shabbalari bilan pastlik tomon oqizib kelishi.
<b>Geologik xavfli hodisalar</b>	<b>Опасных геологических событий</b>	<b>Dangerous geological events</b>	odamlar o'llimiga, ma'muriy-ishlab chiqarish binolarini, texnologik asbob-uskunalari, energiya ta'rninoti, transport

			kommunikatsyalari va infratuzilma tizimlarining, ijtimoiy yo'nalishdagi binolarning va uy-joylaring turlicha darajada buzilishiga, ishlab chiqarish va odamlar hayot faoliyatining izdan chiqishiga olib keladi.
<b>Gidrometerologik xavfli hodisalar</b>	<b>Гидрометрологических опасные события</b>	<b>Gidrometer ologik dangerous events</b>	odamlar o'limiga, aholi yashash joylarini, ba'zi sanoat va qishloq xo'jaligi obyektlarini suv bosishiga, infratuzilma va transport kommunikatsyalari, ishlab chiqarish va odamlar hayot faoliyatining buzilishiga olib kelgan va shoshilinch ko'chirish tadbirlari o'tkazilishini talab qiladigan tabiiy ofatlar.
<b>Epidemeologik vaziyatlar</b>	<b>Эпидемиологический ситуации</b>	<b>Epidemiologic situations</b>	odamlar o'rtasida xavfli infeksiyalar: o'lat, vabo, isitma; epidemik toshma, terlama, Bril kasalligi; zoonoz infeksiyalar: Sibir yarasi, quturish; bezgak kasalliklari; zaharli moddalar bilan zaharlanish; oziq-ovqatdan zaharlanish holatlari.
<b>Epizootiya</b>	<b>Эпизоотическая</b>	<b>Epizootic</b>	hayvonlaming ommaviy tarzda kasallanishiga yoki nobud bo'lishiga olib keladigan vaziyat.
<b>Epifitotiya</b>	<b>Эпифитотия</b>	<b>Epifitotiya.</b>	o'simliklaring ommaviy nobud bo'lishiga olib keladigan vaziyat.
<b>Fuqaro muhofazasi xizmati</b>	<b>Служба гражданской защиты</b>	<b>Civil Protection service</b>	fuqaro muhofazasi maxsus tadbirlarini bajarish, fuqaro muhofazasi tizimlarining harakatlarini ta'minlash uchun kuchlar va vositalami tayyorlash maqsadida tuzilgan funksional bolinnialar majmuyi.
<b>Fuqaro muhofazasi kuchlari</b>	<b>Силы гражданской обороны</b>	<b>Civil Defenses Forces</b>	qutqaruv va boshqa kechiktirib bo'laydigan ishlarni (QBTI) amalga oshirish uchun tuziladigan fuqaro

			muhofazasi harbiy qismlari, umumiy va maxsus hududiy, funksional va obyekt tizimlari.
<b>Himoya inshootlari</b>	<b>Защитные сооружения</b>	<b>Protection facilities</b>	aholini va ishlab chiqarish xodimlarini hamma ta'sir omillaridan: yuqori harorat, radioaktiv, portlovchi va kuchli zaharli moddalardan, inshootlar buzilganda ularing qismlaridan hamda qirg'in qurollar ta'sirlaridan saqlashga moljallangan muhandislik inshootlari majmuyi.
<b>Radiatsiyavi y avariya</b>	<b>Радиационная авария</b>	<b>Radiation accident</b>	uskuna nosozligi, xodimlaring xatti-harakatlari (harakatsizligi), tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlar tufayli kelib chiqqan, fuqarolarning belgilangan me'yordan ko'proq nurlanish olishiga yoki atrof muhitning radioaktiv ifloslanishiga olib kelishi mumkin bo'lgan, yoxud olib kelgan ionlashtiruvchi nurlanish manbayi ustidan boshqaruvning izdan chiqishi.
<b>Xavflar taksonomiyası</b>	<b>Риски таксономию</b>	<b>Risks taxonomy</b>	bu murakkab hodisalarning tushunchalarini, kishi faoliyatiga qaratilgan narsalarni turkumlash (klassifikatsiya) va sistemalash to'g'risidagi fandir. U faoliyat xavfsizligi sohasida ilmiy bilimlarni uyushtirishda, xavflarning tartibini yanada chuqrroq o'rganishda katta ahamiyatga ega.
<b>Ergonomika</b>	<b>Эргономика</b>	<b>Ergonomics</b>	"Inson – mashina - muhit" tizimini o'rganuvchi fan bo'lib, u insonning ish jaryonidagi harakatidir. Ergonomika ishlab chiqarish jarayonida ishchining charchamasdan, mehnat qobiliyati

			pasaymagan va sog‘lig‘ini yo‘qotmagan holda eng yuqori ish unumdorligiga erishishda funksional imkoniyatlarini o‘rganuvchi fandir.
<b>Kimyoviy zararlar</b>	<b>Химическое повреждение</b>	<b>Chemical damage</b>	umumiyl zaharovchi, qichituvchi, rak kasaliga olib keluvchi va boshqa salbiy ta’sir etuvchi zararlovchilar kiradi.
<b>Chang</b>	<b>Пыль</b>	<b>Dust</b>	– qattiq va suyuq moddalarning juda kichik zarrachalaridan iborat bo‘lib, ular havoda muallaq uchib yuradi.
<b>Yorug‘lik oqimi</b>	<b>Поток света</b>	<b>The flow of light</b>	nur quvvatiga aytildi va birligi sifatida lyumen (lm) qabul qilingan.
<b>To‘sqliar</b>	<b>Препятствия</b>	<b>Obstacles</b>	qurilish maydonida jarohatlanishlarning oldini olishni muhim omillaridan biri, bu to‘g‘ri va talabga javob beradigan konstruksiyalı to‘sqliardir. To‘sqliar mustahkam, oddiy va ularni o‘rnatish oson bo‘ladi. Barcha qo‘llaniladigan to‘sqliar qo‘llash maqsadlariga ko‘ra ikki guruhga bo‘linadi: turg‘un va olinib ko‘chiriladigan.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

- Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
- Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
- Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
- Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
- Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
- Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сонли Фармони.

15. 15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

16. 16.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. 17.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори

### **III.Махсус адабиётлар**

1.Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари: «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (20.08.1999 й.); «Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида» ги (20.08.1999 й.), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги ( 20.05.2000 й.) ; «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида» ги (31.08.2000 й.); қонунлар.

2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари: 4.03.1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 143-сон; 23.12.1997 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида»ги 558- сон; 7.10.1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги 427-сон; 27.10.1998 йилдаги «Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги 455- сон қарорлар.

3. М.Тожиев, И.Нигматов, М.Илҳомов «Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси» ўқув қўлланма. Т., М.Ч. «Таълим манбаи», 2002 й.

4.Нигматов И., Тожиев М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Дарслик (лотин имлосида) -Т., Иқтисод-молий, 2011 й.

5.Фуқаро муҳофазаси асослари (маъруза матнлари тўплами). Муаллифлар мажмуаси. Т., «Фуқаро муҳофазаси институти», 2003 й.

6.Раҳмонов И., Ваҳобов У., Ёқубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганарга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”, Т.: “ФАН”, 2004 й.

7. Юлдашев О., Хасanova О., Жалолов У., Турагалов Т. , Артыков.А, Хусанова С. “Аварийно-спасательные работы”, Учеб. пособие.-Т.:2008 г

8.«Первая медицинская помощь на месте происшествия», Учеб.пособие для добровольных спасателей, Т.: «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий»,2008 г.

9. Cimini, Domenico, Marzano, Frank S., Visconti, Guido Applications for limate, Meteorology, and Civil Protection. 2011.

### **Интернет ресурслар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
9. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
10. [www. cottonginning.com](http://www.cottonginning.com)